

386

Ўттиз учинчи йил чиқиши
Робиул-аввал 1440ҳ – ноябр 2018м




Ал-Ваъй

Кенг қўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй сўзи

Ғарбнинг Ислom юртларида олиб бораётган урушлари ҳазоратлар кураши бўлиб, бу курашда Ислom галаба қозонади ва Ғарбнинг муваффақиятсиз ҳазорати мағлубиятга учрайди



Росулulloҳ ﷺнинг мавлудларини нишонлаётган мусулмонлар Ислomни ҳаётларида қандай барпо этиш кераклигини билиб олишлари лозим

Давлатнинг кучли ёки заиф бўлишининг географик омиллари (1)

Зиммийлар бошқа мусулмонлар каби фуқародир, диний озчилик эмас

Ҳақиқатдан ҳам «қандай бўлсангиз раҳбарлангиз ҳам шундай бўлади»ми?!



386

Ўттиз учинчи
йил чиқиши
Робиул-аввал 1439х
Ноябр 2018м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Британия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ғарбнинг Ислом юртларида олиб бораётган урушлари ҳазоратлар кураши бўлиб, бу курашда Ислом ғалаба қозонади ва Ғарбнинг муваффақиятсиз ҳазорати мағлубиятга учрайди..... 3
- Халифалик давлатини муваффақиятсизликка учратиш уринишлари юз берса Халифалик уларни қандай барбод қилади? (1)..... 11
- Давлатнинг кучли ёки заиф бўлишининг географик омиллари
Бошланғич қисқа тадқиқот (1)..... 20
- Бу ҳийлами ёки Туркиянинг қулаши?..... 30
- Шаръан эътиборга олинмайдиган усул (1) ...36
- Зиммийлар бошқа мусулмонлар каби фуқародир, диний озчилик эмас 46
- Росулulloҳ ﷺнинг мавлудларини нишонлаётган мусулмонлар Исломни ҳаётларида қандай барпо этиш кераклигини билиб олишлари лозим 49
- Ҳақиқатдан ҳам «қандай бўлсангиз раҳбарларингиз ҳам шундай бўлиди»ми? 56
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 63
- **Қуръони Карим суҳбатида** 67
- **Жаннат боғлари:** Инсонлар ҳожатини чиқариш 74
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Уларнинг Ҳидоятларига эргашинг: Мард чавондоз Мажзаа ибн Савр Садусий ؓ 79
- **Сўнги сўз:** Кўрфаздаги коррупциячи давлатлар билан малъун «Исроил» ўртасидаги муносабатлар очикдан-очик нормаллаша бошлади 83
- Newsweek: Ўрта Шарқ яқинда араб баҳоридан ҳам каттароқ силкинишларга гувоҳ бўлади 84

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**ҒАРБНИНГ ИСЛОМ ЮРТЛАРИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН
УРУШЛАРИ ҲАЗОРАТЛАР КУРАШИ БЎЛИБ, БУ КУРАШДА
ИСЛОМ ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ ВА ҒАРБНИНГ
МУВАФФАҚИЯТСИЗ ҲАЗОРАТИ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАЙДИ**

Ҳизб ут-Тахрир Рошид Халифаликни барпо қилиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашни ўзининг бирламчи масаласи қилиб олган экан, у Исломий Умматнинг уйғона бошлаганини, узоқ йиллардан бери динини бошқарувга қайта олиб келишни истаётганини тушуниб етган. Бугунги кунда Ғарб ҳам буни тушуниб турибди. Аммо бу нарса Ғарбни Исломнинг қайта тикланишига йўл қўймаслик ва ўзгартириш учун фаолият қилаётганлар компасини буриб юбориш учун режалар ишлаб чиқишга ундади. Масалан, Америка Эронда шохга қарши Ислом асосидаги ўзгартиришни пайдо қилди. Чунки у ўша пайтда шохни қулатишга қодир ягона куч Ислом эканини билар эди. Америка яна Совет Иттифоқига зарба бериш учун Афғонистондаги мусулмонлар қалбидаги жиҳод туйғусидан фойдаланди.

Ғарб Жазоирдаги сайловларни минтақада биринчи марта эркин сайлов сифатида ўтказилишига рухсат бергач, исломий Қутқарув Фронти катта натижаларга эришди. Шунда сайлов натижалари бекор қилинди ва фронт етакчилари бошқарув курсисига ўтириш ўрнига қамоққа олинди. Босния ва Герцеговинадаги мусулмонларда ўз динига қайтиш аломатлари сезилгач, серб ва хорватлар уларга қарши уруш бошлади. Ўшанда серб ва хорватлар мусулмонларни чўчка гўштини ейиш ва ароқ ичишдан тийилиш борасида айблашган эди. Шу каби ходисаларнинг барчасида бутун дунёдаги мусулмонлар азоб чекаётган биродарларига ҳамдардлик билдиришди, қўллаб-қувватлашди ва молиявий ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, биродарларига ёрдам бериш учун кўнгиллилар отланди. Ушбу ҳолатларнинг барчасида Исломни ҳаёт майдонига қайтариш умиди ортиб бораверди...

Америка ва Европа иш жиддийлашиб, ўз тизгинидан чиқиб кетаётганини кўрди. У Афғонистондаги мусулмонлар қалбидаги жиҳод туйғусидан Совет Иттифоқига қарши курашишда фойдаланган эди. Энди эса, бу туйғу мусулмонларнинг барча

юртларида кенгайиб уни хавотирга солиб кўйди. Америка Ал-Қоида ҳақида бошланишда сукут қилган ва Саудия каби малай давлатларни уни қўллаб-қувватлашга буюрган эди. Энди эса, кўрдикки, бу ташкилот унинг ўзига қарши уруш бошлади. Ал-Қоида Американинг элчихоналарида бир қатор портлашларни амалга оширди ҳамда 11 сентябр портлашлари юз берди... Зеро, Совет Иттифоқи Афғонистондан қувилиб, унинг коммунистик ҳазорати қулагач, Ислом Американинг биринчи рақамли душманига айланган эди. Шунда Америка мусулмон юртларга ҳукмронлик қилиш ҳамда мусулмонларнинг ягона исломий давлатда бирлашишини олдини олиш учун уларни қайта парчалаш ҳақида бош қотира бошлади.

11 сентябр ҳодисаларидан кейин Америка Афғонистонни босиб олди. Саддам Хусайн Қувайтга кириши ордидан Ироқни босиб олди. Айтиш мумкинки, Америка минтақани рақибларсиз мустамлака қилиш, бевосита парчалаш, Исломнинг бошқарувга келишига тўсиқ қўйиш учун у ерга келди. Лекин у ушбу икки юртда мусулмонларнинг кучли қаршилигига дуч келди ҳамда ҳаддан ташқари катта молиявий жисмоний йўқотишларга учради. Америка дунёни танҳо ўзи бошқаришни режа қилган эди. «Аср лойиҳаси» дея танилган ушбу режанинг муваффақиятсизликка учрашида мазкур ҳолатларнинг таъсири кучли бўлди.

Бундан ташқари, капиталистик низом тебрана бошлади ва 2008 йилдаги молиявий кризис уни учуриб юборай деди. Натижада, Америка ва Европа давлатлари Ислом кучли эканини ҳис этишди. Бу эса, Ғарбнинг Халифалик давлати тикланишидан хавотирланишини кучайтирди. Сўнгра Ғарб оламининг турли етакчилари, муфаккирлари, аналитиклари ва матбуот ходимлари томонидан берилган аҳамиятга молик баёнотлар кўпайди. Улар ўз баёнотларида Халифалик қайта тикланишидан қаттиқ огоҳлантиришди. Бу ҳақда халқаро ва регионал ахборот воситалари кўп гапирди. Шу ўринда эслашга лойиқ Аллоҳнинг марҳамати шу бўлдики, Америкада юз берган молиявий кризис пайтида Ғарбнинг таниқли ахборот воситалари капиталистик Ғарб муаммога дуч келгани ҳақида ёза бошлади. Шунингдек, бу муаммо учун капиталистик низомда ечим йўқ экани, исломий молиявий низом бу муаммони еча олиши ва Уолл-стритни исломийлаштириш кераклиги ҳақида ёзди.

Бу нарса Исломнинг кучли эканига ва оламни бошқара олишига бўлган ишончни кучайтирди. Шунинг учун Американинг исломий юртлардаги мусулмонларга қарши уруши Халифалик фикратини

тугатишга ва келажакда Ислонинг Америкага рақобатчи бўлишига йўл қўймасликка қаратилди.

Обама ҳокимиятга келгач, расмий тарзда Америка оламни бошқаришда бевосита босиб олиш ва шафқатсиз куч ишлатишга асосланган сиёсатидан воз кечгани ҳақида айтди... Шунингдек, малайларни ўрнатиш, шахсларни сотиб олиш, фитна кўзгаш, нотинчликларни пайдо қилиш ва инқилоблар уюштиришда жосуслик ҳаракатларига асосланадиган сиёсатга қайтганини айтди. Бошқача айтганда, Америка Исломга қарши урушда услубини ўзгартирди, лекин урушини тўхтатгани йўқ.

Обама даврида, исломий юртларда режимларни кулатишни талаб қилган кўзғолонлар бошлангач, Америка ва Европа давлатлари Уммат режимларни кулатиб, ўрнига Халифаликни тиклашни истаётганини кўрди. Улар Умматга шу асосга кўра ва Буш давридан бери амал қилиниб келинаётган (террорга қарши уруш) шиори остида муомала қилди. Бу ҳазорий кураш Сурияда яққол кўзга ташланди. Чунки у ердаги мусулмонларда Исломий давлат, хусусан Халифаликни тиклаш учун очиқ йўналиш мавжуд эди. Ғарб айнан мана шу нарсага эътибор қаратди. Шунинг учун дунё давлатлари Америка етакчилиги остида мана шу йўналишга қарши ҳар қандай инсоний ва ахлоқий қийматлардан, ҳар қандай мантиқдан холи бўлган шафқатсизлик билан зарба беришга киришди. Ғарб ўз халқининг қотили бўлмиш Башарни қўллаб-қувватлар ҳамда уни ҳокимиятда қолишига ҳаракат қилар экан, ундан қайси мантиқни кутиш мумкин? Бу эса, фақат унинг ҳазоратининг кулашини зиёда қилди. Ғарб мусулмонлар ва уларнинг динига нисбатан жиноят қилар экан, уларни ўзига бўйсундира олдими? Йўқ бўйсундира олгани йўқ, Аллоҳнинг изни билан бўйсундира олмайди ҳам. Уммат ва унинг дини уйғок, зарбалар уни фақат кучайтиради ва уни ўз йўлидан қайтара олмайди. Ғарбнинг муваффақиятсиз ҳаракатлари Умматни ўзгартиришга бўлган истагини амалга оширади ва Ғарбнинг кулашини тезлаштиради.

Тўғри, Ғарб ҳарбий урушларда ютиши мумкин, лекин ҳазорий кураш майдонида Ислом ғалаба қилади, Ғарб кулайди ва мағлуб бўлади. Кимки Ғарб ғалаба қилди, деса хато қилади. Бу Ислом ғалабасини ортга суриши мумкин. ҳазорий кураш ушбу дин фойдасига ҳал бўлгунига қадар Ғарбнинг мусулмонларга қарши ҳарбий уруши давом этади.

Шунинг учун Ғарб Ислом ва мусулмонларга ҳужум қилар экан, ўз ҳазоратининг кулашидан хавфсираб туради. У ҳақиқатларни

сохталаштиради ва ўзини ғолиб қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо асл воқелик бунинг акси бўлади. Бироқ, мусулмонларнинг буни тасдиқлашлари хатарлидир. Демак, мусулмонлар исломий лойиҳани, яъни Халифаликни тиклашга ҳаракат қилар экан, улар билан Ғарб ўртасида уруш тўхтамайди.

Бу ерда эътибордан қочирмаслик лозим бўлган нарса шуки, Ғарб Халифаликнинг тикланишига йўл қўймаслик учун амалга ошираётган жиддий ва жинояткорона ишлар Халифаликни тиклаш учун фаолият қилаётганлар, хусусан Ҳизб ут-Таҳрирга қарши қаратилган. Чунки мана шу мақсад сари ҳаракат қилаётган жамоа фақат Ҳизб ут- Таҳрирдир. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир Ғарбга қарши курашда етакчилик қилиши ва Умматни етаклаши лозим. Чунки Халифалик тиклаш лойиҳаси Ҳизбнинг лойиҳасидир.

Эътибор бериш лозим бўлган яна бир нарса шуки, Ҳизб ўзгартириш ишида шаръий тариқатни маҳкам тутуди ҳамда уни чиройли ибодат ва нусрат рўёбга чиқиши учун лозим иш деб билади. Шунингдек, Аллоҳнинг нусрати мана шу икки иш билангина амалга ошади, деб билади. Ғарб мўътадил деб номлаган ва динни тушунишда унинг тариқатига асосланган уламолар ҳамда исломий ҳаракатларда мана шу икки иш етишмайди.

Чунки **улар прагматик бўлиб**, ҳукмларни воқедан олади, ғайриисломий тадқиқотлардан таъсирланган ҳамда яримтаки, ҳатто ундан ҳам тубан ечимларни қабул қилади. Улар ўзларига ҳавола этилаётган ҳар қандай Ғарб лойиҳаларини қабул қилишга тайёр. Масалан, Ғарб исломий ҳаракатларни ўз юртларида сиёсий фаолият олиб бориш имконига эга бўлишлари ҳамда улар билан халқаро доирада ҳамкорлик қилиниши учун исломий фаолиятдан воз кечишга чақирди. Шунда биринчилардан бўлиб Тунисдаги Наҳза партияси сиёсий фаолиятини тўхтатганини эълон қилди. Ихвонул Муслимин эса, воқега мувофиқ иш юритадиган прагматик исломий ҳаракатларнинг энг илғорларидан ҳисобланади. Бу нарса улар Мисрда ҳокимиятни эгаллашган пайтда яққол кўзга ташланди. Аммо Салафийлар эса, Эронга қарши яҳудийлар билан иттифок тузиш манфаатли эканига фатво бериш ва олдиндан тайёр фатволарни чиқаришда Ибн Салмон кўлидаги узук кабидир.

Америка ҳарбий ғалаба унга ҳазорий урушда манфаат келтирмаслигини билади. Шунинг учун Халифаликни тиклаш лойиҳасини қулатишга асосланган ифлос ва маккорона режа тузди. Америка мусулмонлар орзуси бўлган Халифалик ҳақида хунук тасаввур ҳосил қилиш, мусулмонлар Халифаликни лойиҳа сифатида ушламаслиги ҳамда мусулмонлар ва Халифалик йўлида фаолият қилаётганлар уни рад этишлари учун ифлос ишлар билан шуғулланадиган ИШИД гуруҳини пайдо қилди. Шунингдек, эрдоганча Туркияни исломий жамиятга олий намуна сифатида ва Халифаликка исломий альтернатив сифатида тақдим этди.

Америка шу чегарада тўхтаб қолмади, балки Исломни ислоҳ қилиш учун америкача ҳужжат ишлаб чиқди. Чунки Америка муаммо террорчилар номли мусулмонларда эмас, балки муаммо Ислом нусусларида деб билади. Мана шу маънода франциялик илмоний шахслар франциялик мусулмон илмонийлар билан бирга Қуръони карим оятларини музлатиш (амалда тўхтатиш)ни талаб қилишди.

Бундан ташқари ижтимоий тармоқ саҳифаларида Исломга қарши турли суратдаги ҳужумлар ва фикрий бошбошдоқликлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Улардан мақсад ботил уммонида ҳақ зое бўлиб кетиши учун фикрий иккиланишни пайдо қилишдир. Бу ерда яна фатволарни ҳокимларнинг андозаси бўйича чиқаришлари учун уни ўша ҳокимлар рухсат берган диний ҳайъатларга чеклаш керак деб айтаётганлар бор. Саудиядаги кибор уламолар ҳайъати ва мусулмон юртлардаги фатво бўлимлари шунга мисол бўла олади.

Булар қўзғолонларни мағлуб қилиш учун Америка амалга оширган ва амалга ошираётган ишлардир. Ушбу ишлар билан бир қаторда ижтимоий тармоқларда вақти-вақти билан шундай бир ёзишмалар кўзга ташланмоқдаки, бу ёзишмалар Американинг қўзғолонлар қайта бошланиб кетишидан кўрқаётганини кўрсатмоқда. Бунга мисол: Саудияда Салмон ҳокимиятга келиши, унинг ўғли валиаҳд бўлиб тайинланиши, Сауд оиласининг мерос қонунида ички инқилоб юз бергани, Ваҳҳобийлик диний тушунчаларига қарши давлат инқилоби юз бергани, Саудия (Исроил) билан сулҳ тузишга тайёрлиги, араб-(Исроил) кураши араб-Эрон курашига айланиши, Саудия Яман урушига кириши, ундаги улкан сарф-харажатлар, қама-қамалар,

диний, ахборот ва сиёсий рамзларгача етиб борган, ҳатто оила амирларигача етиб борган қатл қилишлар, аҳмоқона чиқарилган сиёсий қарорлар, Жамол Хошақжийнинг ўлдирилиши каби қотилликлар... Шу ва шунга ўхшаш воқеалар Саудия давлати кўзголон ва инқилоблар рўй бериши мумкин бўлган давлатлар каторига кирганидан дарак бермоқда.

Саудияда рўй бериши мумкин бўлган нарса Кўрфаз давлатларига ҳам тарқалади. Бу ҳақида «Янги араб баҳори Форс кўрфази остонасидами?» номли (Исроил) тадқиқоти эълон қилинган. Унда айтилишича, Саудия ҳукумати шундай хатарли қадамни қўйганки, унинг ортидан Саудия халқи бошқарув низомига қарши кўзғалиши мумкин. Шунингдек, 2010 йил охирлари ва 2011 йил бошларида Тунис, Миср, Яман, Ливия, Сурияда рўй берган намоёнлар Саудияда бошланиб кетиши мумкин. Яна тадқиқот хулосаси бўйича Саудиянинг хусусан бугунги бошқарув низомида қулаш хатари мавжуд. Тадқиқот Вашингтонни минтақа «Янги араб баҳори» таъсири остига тушиб қолишидан олдин барқарорликни сақлаш учун ҳаракат қилишга чақирган. Бундан ташқари, шу ҳақида ёзилган бир қанча мақолалар бор бўлиб, улардан бири «ИШИДдан кейинги террор, бўлажак ваҳшийлик кўлами қанчалик бўлади» номли мақоладир.

Ғарбда сиёсий Ислом борасида фаолият қилаётган исломий ҳаракатларга қарши курашиш учун жиддий йўналиш пайдо бўлди. Бу йўналиш ушбу ҳаракатларга чек қўйиш ва ҳеч кимга сиёсий Ислом билан шуғулланишига рухсат берилмаслигини талаб қилди. Бунда улар янги шиор (исломчиларга қарши кураш)ни ўйлаб топишди, ундан мақсад келажакда у орқали сиёсий Исломга қарши ҳужум қилиш бўлди. Улар исломчилар ва исломийлар деганда динда давлат мавжуд, бошқарув низоми мавжуд, деб тушунадиганларни ҳамда исломий мабдага асосланган сиёсий лойиҳа бўлмиш Халифаликни тиклаш учун фаолият қилаётганларни назарда тутишди.

Демак, биз Ғарбга қарши курашда марказий ўринни эгаллашимиз шарт. Ушбу курашда энг биринчи ташланадиган қадам кураш ҳақиқатини англаб олиб, шу асосда воқени яхшилаб тушунишдир. Зеро, биз фикрий кураш майдонида ёлғизмиз. Шунинг учун Умматни ўзгартиришни амалга оширишга кучи етиши ва Аллоҳ хоҳласа яқинда Халифалик тикланишига ишontiришимиз лозим.

Ҳизб ут-Тахрир йигитлари лойиҳаси бугун халқаро кураш меҳвари бўлиб қолгани уларнинг ғалаба қилганига далил эмасми? Бу Аллоҳ Таоло уларнинг даъвати ва партиясидан рози бўлганининг далили эмасми? Бу иш, яъни Ислом динини барча динлар устидан ғолиб қилиш Аллоҳ Таоло ўз бандаларига яхши кўрадиган энг буюк ишлардан эмасми? Бу иш бизнинг орзуйимиз бўлиши фахрланишга арзийдиган ишдир.

Агар золим кофир давлатларда учта белги зоҳир бўлса, яъни улар зулм қилса, сўнг уларга ёрқин шаклда даъват етказилса ва улар куфрларида қаттиқ туриб олишса, имон келтиришларидан умид йўқ бўлса, улар учун ҳалокат бўлади.

﴿وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا الْقُرُونََ مِنْ قَبْلِكُمْ لَمَّا ظَلَمُوا وَجَاءَهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ وَمَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا ۚ كَذَلِكَ نَجْزِي الْقَوْمَ الْمُجْرِمِينَ ﴿١٣﴾ ثُمَّ جَعَلْنَاكُمْ خَلَائِفَ فِي الْأَرْضِ مِنْ بَعْدِهِمْ لِنَنْظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ﴾

«Маълумки, сизлардан аввалги асрлардаги миллатларни ўзларига зулм қилганлари ва пайғамбарлари очиқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтирган пайтларида, имон келтирмаганлари учун ҳалок қилганмиз. Жиноятчи қавми мана шундай жазолағаймиз. Сўнгра қандай амаллар қилишингизни кўриш учун сизларни уларнинг ортидан ерга халифа (ўринбосар) қилиб қўйдик» [Юнус 13-14]

Мана шу белгилар бугун Ислом душманларида зоҳир бўлди. Тарихда Аллоҳ Таоло Бану Исроилга ерни мерос қилиб берди. Улар саййидимиз Мусо عليه السلام билан бирга бўлган кунлари уларга Фиръавни подшоҳ қилди. Ўшанда улар заифҳол бўлиб, Фиръавнга қарши чиқиш учун кучлари етмас эди. Лекин улар ҳақда собит тургани ва сабр қилгани сабабли Аллоҳ Фиръавн ва унинг қавмини вайрон қилди.

﴿وَأَوْزَنَّا الْقَوْمَ الَّذِينَ كَانُوا يُسْتَضَعُونَ مَشْرِقَ الْأَرْضِ وَمَغْرِبَهَا الَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا ۖ وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ بِمَا صَبَرُوا ۖ وَدَمَرْنَا مَا كَانُوا يَصْنَعُونَ ۖ فِرْعَوْنَ وَقَوْمَهُ ۖ وَمَا كَانُوا يَعْرِشُونَ﴾

«(Миср ва Шомдаги) ернинг Ўзимиз баракотли қилган машириқ ва мағрибларига бечора қавмни (яъни Бану Исроилни) ворис қилиб қўйдик. Сабр-тоқат қилганлари сабабли Бану Исроилга Парвардигорингизнинг («Бу ердан бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз», деган) гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса, вайрон қилдик» [Аъроф 137]

Қуръон барча замон ва маконларда яшайдиган мусулмонларга ҳақни айтар экан, шундай дейди:

﴿وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَفَاونَكُمْ وَأَيَّدَكُمْ بِبَنِيهِمْ ۖ وَزَوَّجَكُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

«Ва сизлар ерда (яъни, Маккада) озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар (яъни, Макка мушириклари) талаб кетишларидан кўрқиб турган пайтингизда сизларга жой бериб (яъни, Мадинага кўчириб) Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эслангиз!» [Анфол 26]

Ҳақ даъватни кўтарган киши учун фақат битта нарса муҳимдир, у ҳам бўлса, ҳақ устида собит туриш. Даъватчи фақат Аллоҳдан кўрқади, босим қанчалик кучаймасин, оғизлар қанчалик ёлғон сўзламасин ва жиноятчи қўллар қанчалик қонга ботмасин бўйсунмайди. Нусрат фақат Аллоҳ ҳузуридан, унга Аллоҳ билан бирга бўлган ва Росулulloҳ ﷺ тариқатига юрган кишилар ҳақлидирлар. Бу – Исломни соғлом тушуниш бўлиб, исломий ҳаракатларда мана шу нарса етишмаяпти. Натижада, улар ўз динидаги собит қоидалардан четланиб, шариат мезонида ўз вазни ва ишончини йўқотмоқдалар.

Эй Парвардигор, бизни ўзинг рози бўладиган ҳизбинг сафида қил. Эй Парвардигор, бизни ҳақ сари етакла, нусратинг билан сийла. Эй Парвардигор, бизни такво, раҳмат, Халифалик, имконият аҳлидан қил. Эй раҳмдилларнинг раҳмдили бизни ушбу дин тарғиботчиларидан қил. Эй гуноҳларни кечиргувчи ва нусрат берувчи зот бизни нусратингга лойиқ гуруҳдан қил. Эй Парвардигор, бизга ғалаба бер ва бизни ушбу динни ғолиб қилувчилардан айла. Эй Парвардигор, дуоларимизни қабул айла. □

**ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА
УЧРАТИШ УРИНИШЛАРИ ЮЗ БЕРСА ХАЛИФАЛИК УЛАРНИ
ҚАНДАЙ БАРБОД ҚИЛАДИ? (1)**

Саир Салома (Абу Молик)

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошида мусулмонлар Халифаликка қайтиш ёки уни қайта тиклаш имкониятига ишонмас эдилар. Ўша пайтдаги мусулмонлар Исломга қайтиш дейилса, ибодатлар ва ахлоққа қайтиш, деб тушунар эдилар.

Социалистик, миллатчилик ва ватанпарварлик фикрлари кучли бўлиб, Ислом турғунликдир, деган тушунчалар кенг тарқалган эди. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, бу фикрлар мағлубиятга учради исломий олам бундай жирканч фикрлардан халос бўлди.

Аллоҳнинг фазли ва тавфиқи туфайли ҳамда ёрқин суратда ва сабот билан фаолият қилаётганларнинг фазли туфайли Уммат ичида Исломий давлатни қайта тиклаш фикри туғилди. Бошқача айтганда, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлати фикри туғилди. Вазиятлар ўзгарди, Халифаликни қайта тиклаш фикри қаноатга айланди. Аввал орзу бўлган бўлса, кейин амалга, сўнг сел каби ҳаракатга айланди. 1991 йил Жазоирдаги сайловларда Исломий давлат шиори кўтарилгач, Жазоир халқининг ёшу қариси мана шу шиор атрофида жамланди. Ваҳоланки, Франция у ерда 130 йил ҳукм юритгач, сақофатини ўзгартириб юбордим, деб ўйлаган эди. Исломий Уммат 1979 йил Эронда Ислом асосидаги ўзгартириш шиорини кўтарган қўзғолонга нисбатан ҳам худди шу позицияда турди. 1980 йил Миср конституцияга қарши ўтказилган референдумда, 1989 йил Иорданиядаги парламент сайловларида ва 1990 йил Жазоирдаги сайловларда ҳам шу позицияда турди.

Шундай қилиб, мусулмонлар қачон уюшма, жамият ва ташкилотлар ичида «исломий» ёки бошқасини танлаш тўғрисида сайлов ўтказилса, «исломий» жиҳат ғолиб чиқди. Шунингдек, бўйинлар исломий тарафга бурилди. Ғарбдаги кофирлар Ислом халқаро кураш майдонига қайтишидан кўрқиб, оёқлари қалтиради. Шунинг учун улар Ислом даъватчиларига қарши уларни экстремист, ақидапараст ва террорист, деб кураша бошлади.

Режимлар Халифалик тушунчаси, Халифалик даъвати ва Ҳизб ут-Таҳрир каби сўзлардан қаттиқ кўрқадиган бўлиб қолди.

Масалан Иорданияда Ҳизб ут-Таҳрир варақасини тарқатгани учун 3 йил, Туркияда 10 йил¹, Россияда 20 йил қамоқ жазоси берилади. Ўзбекистон ва Қирғизистонда шу жиноят учун тупроқ остида қолишингиз мумкин. Ливияда эса, Қаззофий даврида шу жиноят учун университет стадионида талабалар ва одамлар ҳузурида қатл этилиши мумкин эди. Бу жазолар фақат варақа тарқатгани учунгина Ҳизб аъзоларига нисбатан қўлланилган жазолардир. Ҳизб амалга оширган бошқа сиёсий ишларга нисбатан қандай жазолар қўлланилгани ҳақида айтмаса ҳам бўлади. (Бу ҳақда маълумот олиш учун 2013 йил 8 март жума куни «Ҳизб-ут-Таҳрир йигитларига нисбатан чиқарилган оғир жазолар фақат уларнинг имонини зиёда қилмоқда» сарлавҳа остидаги матбуот баёнотига қаранг)². Бу хоин режимларнинг Ҳизбдан ва унинг даъватидан кўрқиши шу даражага етдики, улар Ҳизб уюштираётган анжуман, йиғин ва лекцияларни ман қилиш учун бутун бир шаҳарнинг кириш-чиқиш йўлларини беркитиб қўйишмоқда. Биз Ғарбий Соҳилда Халифалик кулатилганини хотирлаб ўтказиладиган анжуманда шунга гувоҳ бўлдик.

Ўтмишда мусулмонларнинг фарзандлари Ғарб ҳазорати ва низомларидан фитналаниб Ғарбга борган эдилар. Бугун улар Ғарбнинг ёлғончилиги ҳамда унинг ҳазорати бузуклиги ва Исломга душманлигини ҳис қила бошладилар. Шунинг учун улар Исломинини маҳкам тутиб, рошид Халифаликни қайта тиклаш учун фаолият қилмоқдалар.

Ғарбдаги етакчи, сиёсатчилар ва фикрий марказлар Халифалик тикланиши яқинлашиб қолганидан огоҳлантириб бирин-кетин баёнот бера бошлашди. Шунингдек, улар исломий оламдаги жамоатчилик фикрини ўрганишди³. Шунда шариатни татбиқ қилиш ва исломий оламни бирлаштириш зарур, деб ҳисоблайдиган мўминлар сони мусулмонларнинг тўртдан уч қисмини ташкил этгани уларни кўрқитиб юборди. Американинг

(1) Масалан, Туркияда ўн беш йил давомида Ҳизб ут-Таҳрир йигитларига чиқарилган қамоқ ҳукмлари 1621 йилни ташкил этган. («Ҳизб ут-Таҳрир йигитларига нисбатан қўлланилган оғир жазолар фақат уларнинг имонини зиёда қилмоқда» сарлавҳа остида 2013 йил 8 мартда чиқарилган матбуот баёнотига қаранг).

(2) Маҳмуд Мумтоз.

(3) (Рейтер) – Кенг кўламли янги сўров натижаларига кўра, исломий оламда кўпчилик ўз юртларида исломий шариат таълимотлари расман қонунлаштирилишини истади.

омма фикрини ўрганиш (GALLUP) ташкилоти¹ бутун дунё жамоатчилиги фикрини, шу жумладан мусулмонлар фикрини ўрганиш лойиҳаси доирасида сўров ўтказди. Ташкилот 2008 йил 25 июлда ўзининг (GALLUP) марказий сайтида ушбу сўров натижаларини эълон қилди. Қуйида ушбу сўров натижаларини келтирамыз:

Шариат амалга оширадиган ишлар ҳақидаги сўров хулосаси	Эронликлар жавоби	Мисрликлар жавоби	Турклар Жавоби
Аёлларга адолат қилади	76 %	97 %	69 %
Ҳокимнинг ваколатларини чеклайди	46	49	23
Этник озчиликни химоя қилади	65	85	51
Инсон ҳуқуқларини химоя қилади	76	97	62
Жиноятчилик даражасини пасайтиради	76	94	68
Бузгунчиликни озайтиради	77	Ноаниқ	70
Иқтисодий адолат ўрнатади	78	94	55
Одил ҳукм чиқаради	80	96	63
Илмий тараққиётни амалга оширади	59	96	52

(1) <https://news.gallup.com/poll/109072/Many-Turks-Iranians-Egyptians-Link-Sharia-Justice.aspx>

Одамлар учун ҳукуматга ўз сўзини айтишга рухсат беради	61	Ноаниқ	53
--	----	--------	----

Сўровда қатнашган 64 % мисрлик шариат қонун чиқариш манбаи бўлиши шартлигини айтишган. Савол тесқари берилганда, яъни шариат татбиқ қилинса нима зарарлар бўлиши мумкин, деб сўралганда, 4 % кишилар илмий тараққиётни чеклайди, деб жавоб берган.

2007 йил¹ 10 декабрда Индонезия, Покистон, Туркия, Эрон ва Мисрда ўтказилган сўров натижалари қуйидагича бўлган:

Сўров хулосаси	Турк-лар	Миср-ликлар	Эрон-ликлар	Индо-незия	Покистон
Шариат қонунчилик манбаларидан бири	28	25	62	51	25
Шариат қонунчиликдаги ягона манба	8	64	13	13	52
Шариат қонунчилик манбаларидан эмас	41	2	12	8	5

2008² йил 8 мартда ўтказилган сўровда сўралганларнинг катта қисми Ғарбча демократик андозадан бош тортишини ва ғарбона кадриятлардан эмас, «Ислождан келиб чиққан демократик» андозани исташини айтган. Шариат қонунчилигининг ягона манбаи экани тўғрисидаги саволга: Иорданиялик эрқакларнинг 54 %, аёлларнинг 55 %, Мисрлик эрқакларнинг 70 %, аёлларнинг 62 %, Эронлик эрқакларнинг 12 %, аёлларнинг 14 %, Индонезиялик эрқакларнинг 14 %, аёлларнинг 14 % ҳа деб жавоб беришган.

(1) <https://news.gallup.com/poll/103129/Turks-Odds-Over-Islamic-Law.aspx>

(2) <https://www.gallup.com/press/178982/muslims-democracy-theocracy.aspx>

Кўриниб турибдики, агар Исломни қонунчилик манбаларидан бири қилиш борасидаги саволларига демократик қадриятларни манба қилиш ҳақидаги саволларини ҳам қўшсак, сўралганларнинг аксарияти Ғарб қадриятларини инкор қилиши ҳақида айтган. Шундай экан, сўралганлар Франция, Италия ва Британия қонунларини қонунчилик манбаи қилишдан бош тортиши аниқ. Чунки Ғарб қийматларини демократияга асос қилишни истамаётганлар ва исломий қийматлар қонунчилик шаклини белгилашини хоҳлаётганлар Франция ва Британия қонунларини кўпроқ инкор қиладилар.

Хусусан аксар оддий мусулмонлар Ғарбга хос қонунлар билан уларни бошқараётган бошқарув низомлари уларнинг ҳуқуқларини поймол қилаётганини, фасод тарқатаётганини ва ёмонлик туғдираётганини билади. Демак, аниқ айта оламизки, аксар оддий мусулмонлар ёлғиз шариатдан ҳукм сўрашни ва шариат асосида давлат тикланишини истайдилар.

Масалан 2006 йилдаги сўровда иорданияликларнинг 93 % исломий шариат қонунчилик манбаи бўлишини айтган. Мисрликларнинг 90 %, Покистонликларнинг 81 % шариатнинг қонунчиликдаги ролини қўллаб-қувватлаган. Бангладеш, Мағриб давлатлари, Индонезия ва Эрон каби исломий юртлардаги натижалар ҳам бир-бирига ўхшашдир. GALLUP омма фикрини ўрганиш ташкилоти шу йили ўнта давлатда ўтказган сўровда 79 % кишилар шариатнинг қонунчиликдаги ролини қўллаб-қувватлаган.

PEW ташкилоти араб кўзғолонларидан кейин ўтказган сўровлари ҳам «GALLUP» ташкилоти ўтказган сўров натижаларидан фарқ қилмайди. Чунки бу ташкилот 2011 йил баҳорда айрим исломий халқлардан «Қонунлар кучли шаклда Қуръон таълимларига эргашиши шарт», ёки «Қонунлар кучли бўлмаган шаклда Қуръон асослари ва қийматларига эргашиши шарт» каби фикрларга қўшилмасизми деб сўров ўтказди. Шунда сўралганларнинг катта қисми «кучли» шаклда бўладими, ёки заиф шаклдами қонунлар Қуръон таълимотига эргашиши шартлигини айтган. Масалан Покистонликларнинг 98 %, Иорданияликларнинг 95 %, мисрликларнинг 89 % ва Фаластинликларнинг 66 % шу фикрни қўллаб-қувватлаган.

Собиқ Совет Иттифоқи парчалангач, Ҳизб ут-Таҳрир мана шу парчаланишдан кейин пайдо бўлган стратегик бўшлиқни

тўлдириш ва ушбу жиноятчи давлат томонидан тузилган репрессия занжирларидан қутилган мусулмон оломон билан боғланиш учун шошди. Бу оломон ўз дини ишқида ёнар эди, шунда даъват ҳашакка ўт кетгандек тарқади. Лекин Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ва бошқа ҳукуматлар бу даъватни шафқатсизлик билан қарши олди. Қамоқхоналар Халифаликни тиклашга чақираётган даъватчилар билан тўлиб тошди. Даъват фаолияти кенг тус олиши Россия президентини шоштириб қўйди. Натижада, у Россиянинг томорқасига айланган давлатларнинг бирида Халифалик барпо бўлишидан Ғарбни бир неча бор огоҳликка чақирди!

Шундан кейин Ғарб Ислом давлати тикланиб, ёйилиши ва Ғарб манфаатлари хатарга¹ дуч келишидан кўрқиб, кетма-кет душманона амаллар уюштирди. Чунки исломий олам гувоҳи бўлиб турган фикрий шуурий инқилоб халқаро майдонга таъсир қилди. Бу таъсир икки жиҳатда кўринди:

1 – Кофир Ғарб етакчи ва муфаккирлари тилидан Ислом биринчи рақамли душманга айланди, деб эълон қилди. Чунки кофир Ғарб ҳазорат ва давлатдан иборат бўлган Исломни ўзи, ҳазорати ва тузумига хатар манбаи деб билади.

2 – Кофир Ғарб Умнат воқеини ҳамда исломий оламдаги жамиятнинг асл воқеини тушуниб етгач, бунга қарши куйидаги тарзда сиёсат, режа ва услублар ишлаб чиқди:

а) Кўрфаз ва унинг атрофидаги сувларни босиб олиш ҳамда ўша жойга ривожланган ҳарбий базалар қуриш.

б) Қуйидагиларни ўз ичига олган хавфсизлик режаларини ишлаб чиқиш:

1 – Ғарбнинг исломий юртлар устидан ҳукмронлик қилиш воситаларини кучайтириш.

2 – Минтақадаги ҳар қандай исломий ҳаракатланишни тўхтатиш.

3 – Минтақани иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заифлаштириш.

(1) Францияда чиқадиган Valeurs Actuelles газетаси 1990 йил 19 октябрда нашр қилган «Европа – янги зиддиятлар» сарлавҳали мақолада Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бу ташкилотнинг Исломга қарши курашишдаги роли ҳақида айтиб ўтилади. Унда айни ташкилот ҳақида очиқ иборалар билан шундай дейилади: «Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Сан-Францискодан бошлаб Владивостокгача бўлган Америка-Европа бирлигининг дастлабки лойиҳасидир. Шунингдек, бу ташкилот Осиё ва Ислом юксалишига қарши 21 асрга мос механизм ҳисобланади».

а) Фаластинда араб давлатлари ва яҳуд вужуди ўртасида тинчлик шартномалари тузиш.¹

б) Бошбошдоқлик пайдо қилиш, урушлар келтириб чиқариш, тоифачилик фитналари кўзга, исломий оламдаги катта шаҳарларни вайрон қилиш ва исломий олам кофир Ғарбга қарши тура олмаслиги учун инфраструктурани вайрон қилиш.

в) Жамиятдан Исломни чиқариб юбориш учун уни исломий жиҳатдан заифлаштириш ҳамда шу ишда ахборот ва кўнгил очувчи нарсаларнинг роли.

г) Сохта исломий бошқарув андозаси орқали мусулмонларнинг тақдирий масалаларини суюлтириш.

д) Сиёсий беқарорликни вужудга келтириш орқали минтақага тўла ҳукмронлик қилиш.

е) Барча жойларда Ислом ва мусулмонларга қарши уруш эълон қилиш ҳамда бу ишни турли восита ва услублар билан амалга ошириш.

Булар Исломий Уммат Халифаликка қайтиш йўлидаги биринчи босқични аъло даражада босиб ўтганига далиллардир. Шубҳасизки, уйғониш ва қулликдан озод бўлиш йўлида аламли ва ўтиш қийин бўлган босқичлар бор. Бугун Уммат орасидаги турли исломий ҳизб ва ҳаракатлар ҳамда турли мазҳабларнинг барчаси ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Росулulloҳ байроғи исломий оламда, балки бутун дунёда ҳилпирашини иштиёқ билан кутмоқда. Бу ҳаракатларнинг баъзиларидаги ҳолат шу даражага етиб бордики, улар ҳокимларга қарши қурол ишлатиб бўлса-да Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритувчи Халифаликни тиклашга бел боғлаган. Шунинг учун Америка жосусларини ишга солиб, бузғунчи ташкилотлар орқали сохта Халифаликни тиклашга шошиб қолди. У мусулмонлар зехнидаги Халифалик суратини хунук кўрсатиш учун мана шу ташкилотларнинг сиёсий онгсизлигидан фойдаланди.

Бугун Исломий оламдаги жамият ва Уммат воқесини кузатган киши биладики, исломий даъват эгалари Умматда Ислом ҳақидаги умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикрини пайдо қилишда муваффақиятга эришдилар. Улар Умматда Халифалик ва шариатни татбиқ қилиш ҳамда

(1) **Исломий оламда жамоатчилик фикрининг ўсиш жараёни.** Моҳир Абдулжавод, Ал-Ваъй журналининг 93 сони, 1994 йил январь.

исломий оламни ягона давлатда бирлаштириш¹ фикрини пайдо қила олдилар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор қила олмайди. Бошқача айтганда, жамиятда рўй берган фикрий ва шуурий инқилоб Аллоҳнинг изни билан табиий ва муқаррар шаклда сиёсий инқилобга олиб боради.

Шунинг учун умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикри жадал қадамлар билан кетмоқдаки, исломий Умнат умнат сифатида Исломнинг тақдирий масалаларини табанний қилмоқда. «умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикри ўзига хос тушунча бўлиб, уни яхши англаб олиш зарурдир. Чунки бу аксарият одамлар яхши тушунмайдиган мавзудир. Айрим кишилар уни жамоатчилик фикри эмас жамоатчилик иши деб, бошқача айтганда одамлар томонидан Исломни маҳкам тутиш деб тушунишди. Лекин бу иборанинг ҳақиқий маъноси шуки, Умнатнинг барчаси Исломдан ҳукм сўраш зарур деб тушуниши ва мана шу тушунчага ўткинчи туйғу ва истаклар орқали эмас, балки Исломни яхши кўриш ва Ислом учун яшаш лозим деган идроклари орқали эришишларидир. Бу – одамлар шаръий ҳукмларни бевосита ўзларида татбиқ қилишлари лозим дегани эмас, балки бу фақат Исломга бўлган муҳаббат пайдо бўлиши деганидир. Бунинг амалий ҳаётдаги таъсири татбиқ орқали кўринади».²

(1) Умнатда умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикрининг пайдо бўлиши бу фикр ўз соҳибини уни ёйишга ёки унга риоя қилишга ундагини англамайди. Кўпчилик онгли кишиларнинг аёллар билан бирга бўлишга рози бўлишганини кўрмадингизми! Шунинг учун – модомики, Умнат ва жамиятда умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикри амалда пайдо бўлган экан – нега Умнат куфр режимларини кулатиб унинг вайроналари узра Халифалик давлатини тиклаш учун ҳаракатга келмаяпти, дея ёки Ҳокимлар Аллоҳнинг душманлари бўлган яҳудийларга Фаластинни топшириш ва ундан воз кечиш шартномаларини имзолашга шошилаётганига гувоҳ бўла туриб нега Умнат ҳаракатга келмаяпти, дея сўралмайди.

Ҳа, бу ҳақда сўралмайди. Чунки, Умнат Исломни ўзининг тақдирий масаласи қилиб олганидагина жамиятда сиёсий инқилоб юз беришига олиб борадиган ишларни қилишга ўз хиссасини қўшади. «Жамоатчилик фикри» мавзуси «Исломни тақдирий масала қилиб олиш» мавзусидан, шунингдек, «Исломнинг тақдирий масаласини рўёбга чиқариш йўлида Умнатнинг даъватни отказувчиларга эргашishi» мавзусидан бошқадир. Биринчи мавзу фикрга алоқадор бўлса, иккинчиси амални бажаришга алоқадор. Фикрни пайдо қилишга олиб борадиган даъват ишлари ушбу фикрни қабул қилишга ҳамда ушбу фикрни кўтариб чиққан даъватчиларга эргашishiга олиб борадиган ишлардан бошқадир.

Исломий оламда жамоатчилик фикрининг ёсиш жараёни. Мохир Абдулжавод, Ал-Ваъй журналининг 93 сони, 1994 йил январ.

(2) **Исломий оламда жамоатчилик фикрининг ёсиш жараёни.** Мохир Абдулжавод, Ал-Ваъй журналининг 93 сони, 1994 йил январ.

Демак, бугунги муаммо Умнат орасида Халифалик фикрини ёйиш эмас. Чунки Халифалик фикри ёйилиб, Умнат уни табанний қилиб бўлди. Шунингдек, муаммо исломий партияни пайдо қилишда ҳам эмас. Чунки бундай партияларни пайдо қилишдаги асосий мақсад рўёбга чиқиб бўлди. Бугунги муаммо шуки, агар Исломий Умнат Халифаликни тикласа, Америка етакчилигидаги Ғарб уни давом этишига йўл кўядими? Янги пайдо бўлган Халифалик давлати мустамлакачи кофир давлатлардан ўзини ҳимоя қила оладими? Умнат бугун етиб келган ҳолат мана шудир. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Ҳизб ут-Таҳрир эккан кўчат йўғонлашиб, қувватланиб, новдасида тик туриб бўлди. Шунингдек, у нафақат бир ҳизб ёки бир ҳаракатнинг лойиҳаси, балки Умнат лойиҳасига айланди. Умнат бу ҳақда умумий онгга эга, унга рағбат қилиб, тикланиши орзусида. У ўз дини ва Роббисининг шариати муаммоларини ечишга кафил эканига имон келтирган. Ушбу лойиҳанинг қандай тиклашга оид тафсилотларга келсак, бу ҳақда Ҳизб тўлик тушунчага эга.

Ҳукмрон режимлар Ҳизбнинг жамиятга кириб боришига тўсиқ қўйиш учун унга қарши ахборот воситалари орқали ташвиқот олиб бормоқда. «Муфаккирлар», «зиёлилар» ва «таҳлилчилар» тарафидан амалга оширилаётган Халифалик тушунчасини хунук қилиб кўрсатиш ва унинг қийматини пасайтириш уринишлари ҳам тўхтовсиз давом этмоқда. Бу ишлар Ғарб сиёсатчилари ҳамда тадқиқот марказлари бошлаган кампанияга тамоман мос равишда кетмоқда. Халифалик тушунчасини хунук қилиб кўрсатиш ҳамда Халифаликни қайта тиклаш масаласини тақиқланган ишга айлантириш учун амалга оширилаётган ушбу уринишларга қарамай, Аллоҳнинг фазли ила юқорида келтириб ўтилган мислсиз ютуқлар қўлга киритилди.

Биринчи саволнинг жавоби шуки: Америка етакчилигидаги мустамлакачи кучлар Халифалик тикланишига рухсат бермайди. Агар тикланадиган бўлса, яна уни қулатиш учун ҳаракат қилади. Бу ғофил одамгина инкор қиладиган ҳақиқатдир.

Иккинчи саволнинг жавоби эса: Тўла ишонч билан айта оламизки: Ҳа Исломий Умнат Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи билан янги тикланган давлати орқали кофирларнинг ҳийлаларига ўзларига муносиб тарзда жавоб қайтара олади. □

ДАВЛАТНИНГ КУЧЛИ ЁКИ ЗАИФ БЎЛИШИНING ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРИ

Бошланғич қисқа тадқиқот (1)

Абдулҳамид Абдулҳамид

Давлатнинг нуфузли, обрў-эътиборли давлатга айланиши Умматнинг давлатга бўлган ишончига, яъни давлат ичкараси ва ташқарисида ўз истакларини амалга оширишга ишонишига боғлиқ. Демак, давлатнинг нуфузли бўлиши Умматнинг ишончига таянади. Шунинг учун давлат Умматга ўз истакларини амалга ошириш имконини берадиган қувватга эга бўлиши керак... Мен ушбу мавзуга йигитлар эътиборини тортиш учун уни геосиёсий китоблардан олиб қисқача баён қилдим. Умид қиламанки, ушбу қисқача баён келгуси теран тадқиқотлар учун қўлланма бўлиб қолади.

1 – Давлатнинг географик ўрни:

Давлатнинг жойлашган ўрни унинг ҳарбий ва иқтисодий қувватини тиклашига таянч ҳамда ташқи босимларга учрашига тўсиқ бўлиши керак. Шунинг учун давлат илиқ ва очиқ денгиз соҳилларида жойлашган бўлиши лозим. Чунки, очиқ денгиз иқтисодий ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Очиқ денгиз соҳилларида жойлашмаган континентал давлатлардан фарқли ўлароқ очиқ денгиз соҳилида жойлашган давлат истаган давлат ва китъаларга етиб бора олади. Масалан, Атлантиканинг кемачиликка яроқли ва бутун дунё учун очиқ бўлган 600 км. узунликдаги соҳилларини назорат қилган Португалия уйғониш ва географик кашфиётлар асрида ўзидан узоқ бўлган Африка ҳамда Лотин Америкаси каби мамлакатларни босиб олиш имконига эга бўлди. Аммо Венгрияга келсак, денгиз соҳилидан йироқ куруқликда жойлашгани учун атрофидаги Руминия, Украина, Словакия, Австрия, Словения, Хорватия ва Сербия каби давлатлар раҳмати остида қолди (давлатларга қарам бўлиб қолди). У Ўрта ер денгизига чиқиб қора денгизга етиб бориши учун Руминия устидан ўтиши, Адриатика денгизига етиб бориш учун Югославия давлатларидан ўтиши, шунингдек Италия портларига етиб бориш учун Югославия-Италия куруқлик йўлларида юриши керак. Чунки бу йўл у учун Африка мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатишда энг муҳим дарвоза ҳисобланади. Бу ерда ярим ёпиқ денгизлар бўйида жойлашган Руминия ва Болгария каби давлатлар ҳам бор. Бу

икки давлат қора денгиз бўйида жойлашган. Қора денгизнинг Ўрта ер денгизига туташган сув тармоғини эса, Туркия назорат қилади. Бу денгиз ҳар икки давлат учун жон томири ҳисобланади. Чунки, ярим ёпиқ денгиз бўйида бўлса ҳам жойлашиш ҳеч қандай денгизни назорат қилмагандан кўра яхши. Негаки, континентал (қуруқлик) давлатлар савдо ишларини ва иқтисодини жонлантиришда ҳамон бир ёки ундан кўпроқ давлатларга таяниб қолмоқда.

Давлатнинг континентал мавқеи (денгиз соҳилидан йироқ қуруқликда жойлашиши) – агар бу давлат денгиз соҳилларига етиб боришга етарли ҳарбий ва иқтисодий қувватга эга бўлса – уни қўшнилар ҳисобига кенгайишга ундайди. Бунга русларнинг тарихий истаги яхши мисолдир. Чунки руслар тарихда Қора денгизга, ундан Босфор ва Дарданелла бўғози орқали илик денгизларга етиб боришни ишташган.

Агар давлат кучли давлатга яқин жойлашган бўлса, унинг бу мавқеи заифлик омили бўлади. Бундай давлатнинг жойлашган ўрни регионал ҳукмронлик устида бир-бири билан рақобатлашаётган Россия ва Хитой ўртасида жойлашган Монголиянинг жойлашган ўрнига ўхшайди. Масалан, Хитойнинг Монголиядаги миллий мақсадлари бу мамлакатни янада заифлаштирди. Бундан ташқари, Монголиянинг ҳар қандай соҳиллардан маҳрум континентал мавқеи ва аҳолисининг озлиги ҳам унинг заиф бўлишидаги асосий омилдир. Монголияда 1.5 миллион квадрат километр бўлган улкан майдонда фақатгина 3 миллион аҳоли яшайди.

Кучли давлатга яқин жойлашган давлатнинг мавқеидан кучли давлатга рақобатчи бўлган учинчи давлат фойдаланиши мумкин. Масалан, учинчи давлат уни кучли давлатга қарши ҳужумда найзанинг учига ёки босим ўтказиш омилига айлантириши мумкин. Совет Иттифоқи Қўшма Штатларга яқин жойлашган Кубанинг мавқеидан мана шу тарзда фойдаланган эди.

Совет Иттифоқининг Кубадан айна шу мақсадда фойдаланишида социалистик Куба билан капиталистик Қўшма Штатлар ўртасида сиёсий ва иқтисодий йўналишнинг бир-биридан фарқ қилиши кўл келди. Бундан ташқари бу икки давлат ўртасида дин, ирқ ва тилда ҳам фарқ бор. Куба халқи Марказий ва Жанубий Америкадаги халқлар каби ирқ ва тилда

Лотин Америкаси ирқига мансуб. Улар испан, португал, италян ва француз тилларида сўзлашишади ҳамда динда масихийликнинг католик мазҳабиغا мансуб. Америка халқи эса, ирқ ва тилда герман оиласига мансуб бўлиб, немис ва инглиз тилларида сўзлашади. Америка халқи динда протестант ва англикан мазҳабиغا мансуб. Бундан ташқари, Қўшма Штатлар Американинг ҳар икки қитъасини ўзининг энг муҳим ҳаётий майдони, деб ҳисоблашидан ҳамда ҳар икки қитъани ўзининг ҳарбий ва иқтисодий ҳукмронлигига бўйсундиришга ҳаракат қилишидан келиб чиққан зулм ҳам Совет Иттифоқининг Кубадан фойдаланишида қўл келди.

Япониянинг икки буюк давлат, яъни Россия ва Хитойга қарашли тинч океани соҳилларига яқин жойда жойлашганлиги унинг буюк давлатга айланиши олдида муаммо туғдиради. Бундан ташқари, Япониянинг табиий бойликлари оз бўлиб, унга хом-ашё етишмайди ва уни денгиз томондан қамал қилиш кулай.

Замонавий саноатни ривожлантириш учун керак бўлган хом-ашёнинг кашф қилиниши давлат мавқеининг (жойлашган ўрнининг) аҳамиятини оширади. Бунга Араб Кўрфази давлатларини мисол қилиш мумкин. Агар бу давлатларда нефт запаслари тугаса, ўз мавқеининг аҳамиятини йўқотади. Айни пайтда бу давлатлар Европа ва Америка бузоқларини сут билан таъминлайдиган соғин сигир бўлиб қолмоқда.

Баъзи континентал давлатлар ўз олдида очик бўлмаган денгиз соҳиллари орқали ташқи олам билан боғланади. Бунга Россияни мисол қилиш мумкин. Россия шимол тарафдан шимолий муз океани бўйида жойлашган бўлиб, бу океан музли бўлгани учун йил бўйи кемалар сузишига яроқсиздир. Шарқ томондан тинч океани бўйида жойлашган. Бироқ бу йўл, буюк давлатлар ўртасидаги курашга майдон бўлган ҳамда саноат ва иқтисоди ривожланмаган мамлакатларга етиб боришга узоқлик қилади. Шимоли ғарбий томондан Болтиқ денгизи бўйида жойлашган. Бу денгизнинг ўтиш йўлини НАТО иттифоқига аъзо бўлган Дания давлати назорат қилади. Жануб томондан қора денгиз бўйида жойлашган. Бироқ Россия илиқ денгизларга Туркия назорати остида бўлган Босфор ва Дарданелла бўғозлари орқалигина етиб бора олади. Ҳолбуки, Туркия ҳам НАТО иттифоқи аъзосидир.

Давлатнинг асосий савдо йўллари ҳамда бўғозлар ва каналлар каби ўтиш йўллари устида жойлашиши, чўққилар ва кўрфазларни ўз ичига олиши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг мисоли араб юртларидир. Чунки араб юртлари қадимги дунё бешиги ҳамда саноати ривожланган давлатлар учун ҳам ва саноати ривожланмаган давлатлар учун ҳам дарвозадир. Араб юртларининг бундай муҳим аҳамиятга эга бўлган жойда жойлашиши бу юртлар халқларига босқинчилик хатаридан ва тамагирлар тамасидан уларни ҳимоя қиладиган кучли давлатни барпо қилиш вазифасини юклайди.

Давлатнинг континентал мавқеи (қуруқликда жойлашиши) уни муносиб ҳаво кучлари билан қўллаб-қувватланган қуруқлик кучларига эга бўлишга ундайди. Бунга бугунги Россия ва Германияни мисол қилиш мумкин. Айни пайтда давлатнинг денгиз бўйида ва оролларда жойлашиши уни муносиб денгиз кучларига эга бўлишга ундайди. Бунга бугунги Америка ва Британияни ҳамда собиқ Японияни мисол қилиш мумкин.

Давлатнинг оролларда жойлашиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки океан ташқи оламга боғловчи омилдир. Айни пайтда океан давлатнинг ташқи оламдан ажралиб изоляцияда қолишига ҳам омил бўлади. Орол халқида жасорат ва таваккалчилик руҳи кучли бўлади. Бу руҳ давлатни ҳужум қилиб ҳукмронлик қилишга имкон берадиган улкан денгиз флотини барпо қилишга ундайди.

Ва ниҳоят, давлатнинг кучли бўлишида унинг экваторда жойлашиши муҳим роль ўйнайди. Чунки, кучли давлатлар ва буюк маданиятларни барпо қилишга иқлимнинг паст ҳароратли мўътадил бўлиши ёрдам беради. Ўрта ер денгизи бўйида барпо бўлиб дунёга ҳукмронлик қилган давлатлар ва маданиятларни бунга мисол қилиш мумкин.

2 – Давлатнинг майдони:

Давлатнинг майдони унинг асл жисми ҳисобланади. Географик омиллар, иқтисодий ресурслар ва муудофаа имкониятларидан ташкил топган давлатнинг бошқа қувватлари шу жисмдан келиб чиқади. Давлат ерлари денгиз қирғоқларига туташган бўлса, унинг ҳудуди денгиз сувларини ҳам ўз ичига олади. Шунга кўра, давлатнинг ҳудудий сувлари бошланғич линиясидан бошлаб, 22,2 километргача бўлган сувларни ташкил

қилади. Бу 1982 йил Ямайкада имзоланган БМТнинг Денгиз худуди тўғрисидаги конвенциясида эътироф этилган.

Давлатлар ўз майдонларида бир-биридан кескин фарк қилади. Чунки, майдони кенг бўлган катта давлатлар билан бир қаторда харитада деярли кўринмайдиган майда давлатлар ҳам бор. Катта давлатлар: Россиянинг майдони 17 миллион кв.км. Канаданинг майдони қарийб 10 миллион кв.км. Қўшма Штатлар 9.8 миллион кв.км. Хитой 9.6 кв.км. Бразилия 8.5 миллион кв.км. Австралия 7.7 миллион кв.км. Харитада деярли кўринмайдиган майда давлатлар: Қатар 11.5 минг кв.км. Ливан 10.5 минг кв.км. Баҳрайн 765 кв.км. Малта 316 кв.км. Малдив ороллари 298 кв.км. Лихтенштейн князлиги 160 кв.км. Солиштириш учун айтадиган бўлсак, Ҳалаб муҳофазасининг майдони 18.5 минг кв.км.га тенг.

Майдони кенг бўлган давлат турли иқлим ва тропикларни ўз ичига олиши билан ажралиб туради. Қолаверса у, такомиллашган иқтисодий ривожланишни рўёбга чиқарадиган геологик бойликларга, наботот ва ҳайвонот оламига эга бўлади. Давлат бу бойликлар билан кўп сонли аҳолини таъминлай олади. Шунинг учун, агар давлат майдони кенг бўлган давлат ушбу бойликлардан фойдаланиш учун техник ривожланишни рўёбга чиқара олса, бу майдон давлатнинг кучли бўлишига омил бўлади.

Ёмон иқлимий шароит мавжудлиги ёки қазилма бойликларининг йўқлиги сабабли давлатнинг иқтисодий сармоядорликни ривожлантиришга яроқсиз бўлган майдонлари кўп бўлса, бу нарса унга катта муаммо туғдиради. Бу билан аҳоли ўртасида тақсимот тенг бўлмайди. Масалан, Австралия маркази саҳроларидаги курғоқчилик, Канаданинг шимоли ва ғарбидаги совуқ иқлим, Бразилиянинг маркази ва ғарбида ҳавонинг ҳаддан ташқари иссиқ бўлиши, ёмғирнинг кўп ёғиши ва у ерлардаги қуюқ ўрмонлар бу давлатларнинг ҳар бирида мазкур минтақалардан бошқа минтақаларда аҳолининг зич яшашига сабаб бўлди. Мазкур минтақаларда аҳоли зич бўлиб турган бир пайтда, кенг минтақалар тамоман аҳолидан холи бўлиб қолди. Бироқ инсоният, илмий ва техник тараққиёт шарофати билан кўплаб табиий қийинчиликларни енгиб ўта олади. Масалан у, каналларни қазиб ва саҳроларни ўзлаштириш орқали янги аҳоли марказларини ярата олади.

Давлатлар эга бўлган ушбу кенг майдонларнинг яширин қуввати уруш пайтида кўринади. Ҳарбий босқинлар пайтида ушбу кенг майдонлар мудофаада ва босқинга қарши туришда муҳим роль ўйнайди. Чунки, кенг майдон етарли даражада манёвр қилишга ва душманнинг кучини ютиб юборишга имкон беради. Ушбу кенг майдонда душман ҳолдан тойганидан кейин у батамом йўқ қилинади. Бу – ҳарбий стратегияда «душманни ичкарига тортиб ҳимояланиш» дея номланади. Кичкина давлат бунинг тамоман аксидир. Чунки кичик давлат биринчи зарбадаёқ қулайди. Масалан, иккинчи жаҳон урушида Бельгия немис кучлари олдида тезда қулади. Қувайт ҳам 1990 йили Ироқ олдида мағлуб бўлди. Россиянинг кенг майдони Наполеон замонида француз босқинчиларининг, Гитлер замонида немис босқинчиларнинг қабристонига айланди.

Наполеон замонида рус қўмондони Кутузов Россия армиясини сақлаб қолиш учун Москвадан жанубга қараб чекинишга ва уни французларга жангсиз топширишга қарор қилди. У қўмондонларнинг барчаси Москва деворлари остида ўлишни афзал кўриб турган бир пайтда «Россияни қутқариш унинг армиясини сақлаб қолиш билан бўлади» деди. Қўмондонлардан бири унинг сўзини маъқуллаб «Агар иш Россия ва Европани омон сақлаб қолишга боғлиқ бўлса, Москва бошқа шаҳарлардан ортиқ эмас» деди. Яна бири «Москва деворлари остида ўлиш фахрдир, бироқ ҳозирги вазият фахрга эришиладиган вазият эмас» деб айтди. Шундай қилиб, Кутузов армияни чекинтирди ва географик омилдан фойдаланди. Географик омил унинг кучлари фойдасига, француз кучлари зиёнига хизмат қиладиган ҳолатда эди. Чунки, 600 минг нафардан ортиқ француз жангчилари совуқ, қалин қор қоплаган кенг майдоннинг ичкарисигача кириб боришган эди. Бу майдон уларга мадад кучлари етиб келишига узоклик қиларди. Қисқа вақт ичида Наполеон армияси тугатилди, бу армиядан 40 минг жангчигина қолди. Гитлер замонида айни шу ишни маршал Жуков ҳам такрорлади. У ўқдек отилиб кирган, Россиянинг миллион кв. км.дан ортиқ майдонини босиб олиб Москва остонасигача етиб борган немис кучлари билан бўладиган ҳал қилувчи жангга тайёрланиш учун чекиниб пайт пойлади ва ҳолдан тойдирувчи кунлик жангларга кирди. Қақшатқич совуқ немис армиясининг белини синдирди ва чекинишга мажбур

қилди. Бостириб келган душманни ҳолдан тойдирадиган ишлардан бири шуки, стратегик майдон ичкарасига чекиниб, то ҳолдан тойгунича жангни тўхтатилмай турилади. Лекин ҳал қилувчи жангларга киришилмайди. Ҳал қилувчи жангларни душман кучлари ҳолдан тойиб, мадад кучларидан узоқда қоладиган пайтга қадар кечиктириб турилади. Бу ҳам ғалаба қозониш омилларидандир. Бундай стратегияни Японларга қарши урушда Хитой ҳам қўллаган. Ўшанда иккинчи жаҳон урушидан олдин ва уруш даврида японлар Хитойнинг барча соҳилбўйи ерларини босиб олишган пайтда, хитойлар бу босқинни мана шундай тарзда тўхтатиб қолганлар.

Майда давлатларга келсак, ҳатто улар ўзлари эгаллаган майдондан яхши фойдаланишса ҳам майдонининг кичиклигида гавдаланган камчиликларни тўлдиришга ожизлик қилишади. Кичик давлатнинг катта давлат устидан эришган ғалабаси вақтинчалик ғалаба бўлиб, бу ғалаба унга муаммо туғдиради. Шунинг учун кичик давлат кучларининг босиб олинган ерларда мустаҳкам ўрнаша олмаганига гувоҳ бўласиз. Бунга яҳуд вужудини ва унинг қўшнилари бўлган катта араб давлатларини мисол қилиш мумкин.

3 – Шакл:

Давлатнинг шакли урушлар пайтида ҳимояланишда, идорий ва иқтисодий ишларини ҳамда транспорт йўллари тартибга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг шакли қанчалик жипс бўлса, унинг вилоятлари марказга қанчалик яқин бўлса, бу ҳолат ҳимояланиш имкониятини оширади. Чунки у бундай ҳолатда ўзини ҳимоя қилиш учун узоқ вилоятларга куч юборишга мажбур бўлмайди ва ўз ҳудудини яхши назорат қила олади. Давлатнинг бундай шакли пойтахт билан бошқа маъмурий марказларни боғлайдиган йўл тармоқларини қулай қилиб қуришга ёрдам беради. Бу билан давлат ўзининг ҳар бир вилоятида хавфсизликни ўрнатиб уларни бир хилда назорат қила олади. Бунга Руминия ва Польша давлатларини мисол қилиш мумкин.

Жипс, ихчам давлат чегараларининг қисқалиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат унинг мудофаа қобилятидаги заиф нуқталарни камайтиради. Шунингдек, пойтахти қанчалик марказда бўлса, шунчалик унинг хавфсизлик ва барқарорлиги

ошади. Аммо пойтахти марказдан узоқ бўлган давлатлар эса, бунинг аксидир.

Худудий чегаралари узун-ингичка бўлган давлатларга келсак, ташқи ҳужумлардан ҳимояланиш пайтида бундай давлатларнинг заиф нуқталари кўп бўлади. Чунки бундай давлатларнинг қуввати тарқоқ ва бир-биридан узилган бўлиб, масофаси узун бўлган худудини қамраб ололмайди. Агар бундай давлатлар душман давлатларга қўшни бўлса, уларнинг заиф нуқталари янада ортади. Агар аҳолисининг ирқий илдизи ва иқтисодий ривожланиши бир-бирига ўхшаш бўлса, бу ҳолат юкни анча енгиллаштиради. Агар давлатлар ўртасини табиий тўсиқлар ажратиб турса, бундай давлатлар ҳимояланиш соҳасида омадли бўлади. Чунки бу давлатлар ўз чегарасига мумкин қадар оз сонли кучларини жойлаштириш билан ўзини ҳимоя қила олади.

Худудий чегараси узун-ингичка бўлган давлатга Чилини мисол қилиш мумкин. Чилининг тинч океани бўйидаги соҳил бўйи чизиғи 4000 километрдан ошади. Унинг Аргентина билан бўлган шарқий чегараси ҳам аynи шунча масофага яқин. Бироқ унинг соҳили Шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари ерларидан жуда узоқдир. Бу эса, давлатни деярли изоляцияда қолдиради ва унинг денгиз ҳужумига учраши кам бўлади. Бундан ташқари, давлатнинг ғарбий томонидаги нотекис (ўтиш қийин бўлган) тоғлар давлат шарқидаги аҳоли марказлари ҳимоясини таъминлайди. Чилининг Аргентина билан бўлган шарқий худуди барқарор ва тинчдир. Чунки бу икки давлат ўртасида ер масаласида, иқтисодий соҳада, ҳатто ирқий илдиз ва тил масалаларида келишмовчилик йўқ. Чунки уларнинг барчаси тилда лотин тили гуруҳига мансуб. Бундан ташқари, туб аҳоли қизил танли ҳиндулар ва аралаш никоҳлардан келиб чиққан метислардан ташкил топган. Уларнинг барчаси динда масихийликнинг католик мазҳабига мансуб.

Бироқ, агар ушбу муштарак сифатларга эга бўлган икки қўшни давлат икки бошқа сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишга тобе бўлса, улар ўртасида келишмовчилик келиб чиқиши мумкин. Бунга Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлаган коммунистик Никарагуа билан Америка қўллаб-қувватлаган капиталистик Гондурас ўртасидаги келишмовчиликни, шунингдек икки Корея ўртасидаги келишмовчиликни мисол қилиш мумкин.

Норвегияга келсак, худудий чегараларининг узунлиги мудофааланишда унга муаммо туғдирмайди. Чунки, унинг соҳилбўйи чизигининг ярмидан кўпи Шимолий муз океани бўйида, қолгани Атлантика бўйида жойлашган. Лекин бу жойлашув ўрни – агар шимолий денгиз бўйидаги жанубий соҳилларини истисно қиладиган бўлсак – унинг стратегик аҳамиятини камайтиради. Бироқ, унинг Шимолий денгиздаги жанубий соҳиллари муҳим стратегик нуқта. Чунки НАТО Советларга қарши ҳарбий базаларни барпо қилишда Норвегиянинг мана шу жанубий соҳилидан фойдаланиши мумкин эди. Совет Иттифоқи эса, Американинг мадад кучлари ҳаракатини фалаж қилиш мақсадида Болтиқ денгизи орқали Атлантика йўналиши бўйлаб Ғарб томонидан ҳимояланишга мажбур бўларди. Агар Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида тўкнашув юз берган тақдирда, шундай бўлиши мумкин эди. Аммо Норвегиянинг шарқий чегараси у билан Швеция ўртасида муштарак. Бу икки мамлакат Америка пайдо қилган НАТО иттифоқига аъзо. Америка НАТО иттифоқини Совет Иттифоқининг Ғарб томондан Европага бостириб киришига тўсиқ қўйиш ва унга қарши курашишнинг оғир юкини енгиллатиш мақсадида пайдо қилган. Чунки бу билан Ғарбий Европа давлатлари Советлар ҳужумидан ўзларини ҳимоя қилишнинг оғир юкини ўз зиммаларига оладилар.

Аммо Италиянинг ўрта ер денгизи бўйидаги худудий чегаралари узунлигига келсак, бу унга ҳаракатланишда мослашувчан бўлиш имконини беради. Бу билан унинг Африка давлатлари ва ўрта ер денгизи шарқидаги давлатлар билан боғланиши осонлашади. Италиянинг бундай жойлашуви Рим давлати замонида ўрта ер денгизи бўйидаги мамлакатларнинг асосий қисмини назоратга олиш имконини берди. Италиянинг Австрия ва Швеция билан бўлган шимолий чегаралари ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш орқали Европанинг иқтисодий қувватидан фойдаланиш имконини беради. Агар у имкон қила олса, жануб ва шарқ томондан ҳарбий ва иқтисодий юриш қила олиши мумкин. Муссалани Италияси билан Гитлер Германияси ўртасидаги иттифоқнинг асоси айни шу нарса бўлган эди. Чунки, Германия ўз иттифоқчисининг муҳим мавқеидан фойдаланишни умид қилган.

Бу ерда тарқоқ ва бир-бирига яқин бир нечта ороллардан ташкил топган Филиппин, Индонезия ва Япония каби давлатлар ҳам бор. Бундай оролларнинг узунлиги тахминан 2000 километрга етади. Бундай шаклдаги давлатларнинг салбий томони шуки, бу давлатларга кучли марказий ҳокимиятни барпо қилиш ва ташқи ҳужумлардан ҳимояланиш қийин бўлади. Бу ҳолат давлатни ўз кучларини бутун оролларга сочиб юборишга мажбур қилади. Бу эса узоқ оролларда исён ва бўлиниш ҳаракатларини амалга оширишга ҳамда бу оролларга ташқаридан ҳужум қилишга қулайлик яратади.

Давлатнинг оролларда жойлашуви бир вақтда икки бир-бирига қарама-қарши вазифани ўтайди. Бир томондан, агар денгиз очиқ бўлса унга ташқи олам билан боғланиш осон бўлади. Бошқа томондан, ташқи хатарлардан ҳимояланиш қулай бўлади. Бироқ, оролларда жойлашган давлатнинг қувватидан устун бўлган денгиз кучига эга бўлган давлатнинг хатаридан ўзини ҳимоя қилиш осон кечмайди. Кучли денгиз кучига эга бўлган давлатга Британияни мисол қилиш мумкин.

Италиянинг Европа қуруқликларига боғланганлиги тарих давомида ҳар сафар уни хатарларга дучор қилган. Вандал, Гун ва Гот қабилаларидан ташкил топган герман қабилалари томонидан 410 милодий йили Рим империясига етказилган вайронагарчилик шу хатарлар жумласидандир. □

БУ ҲИЙЛАМИ ЁКИ ТУРКИЯНИНГ ҚУЛАШИ?

Абу Мусъаб Набил

Сўнгги пайтларда Туркияда содир бўлган жадал ҳодисалар президент эълон қилганидек, ундан ўч олиш ва унга қарши урушми? Ёки мусулмон турк шахсини таҳқирлашми? Ёки Американинг руҳоний Брансон туфайли ғазабими? Ёки ифлос ахборот воситалари саёз фикрлайдиган кишиларни бу каби инсон ҳали дунёга келмаган деб ишонтириш учун маҳорат билан таркатаётган ёлғоннинг мевасими? Мана шуларни аниқлаш учун Усманий давлат қулаб, бойликлари тақсимлаб олинганидан кейинги Туркиянинг иқтисодий аҳволига қисқа назар юритамиз.

Бу ерда эслаб ўтиш лозим бўлган нарса шуки, Мустафо Камол Отатурк ҳокимиятни ўз кўлига олиб, жумҳурият халқ партиясини ташкил қилган вақт (1923-1929 йиллар) Туркия иқтисоди муайян бойликларни тўплашга асосланган эди. Бутун жаҳонда иқтисодий кризис рўй берган 1929 йилдан 1945 йилгача иқтисод бойликнинг тўпланишига асосланди. (Бу вақт оралиғида Мустафо Отатуркдан кейин ҳокимиятга Исмат Инёню келган эди). 1950 йил ҳокимиятга Аднан Мендерес келди, 1960 йил генерал Жамол Гурсел давлат тўнтариши уюштирди ва Исмат Инёню бошчилигидаги коалицион ҳукумат ҳокимиятга келди. 1965й Сулаймон Демирел бошчилигидаги Адолат партияси ғолиб чиқди. Кейин ҳарбий бошбошдоқлик даври, сўнгра Эжевид ҳукумати ғалабаси бўлди. Сўнг Кенан Эфрин бошчилигида ҳарбий тўнтариш уюштирилди... Бу даврлар товар, хизмат ва бозор муносабатларидаги либерал савдо-сотикни ривожлантириш даври бўлгани билан ажралиб турди.

Лекин иқтисод ривожланиш ва ислохотлардан ортда қолди ва ташқи қарзларга суянадиган бўлди. 1980 йилга келиб Туркиянинг қарзи 16,2 миллиард доллар яъни ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бирига етди. 1983 йилдаги инқилобдан кейин Турғут Ўзол кўпчилик овоз билан ғолиб чиқди. Турғут Ўзол ўлимидан кейин Сулаймон Демирел келди. 1995 йил Рафоҳ партияси етакчиси Нажмиддин Эрбакан ҳокимиятга келди. 1997 йил яна инқилоб юз берди ва унинг ҳукумати қулади ўрнига Аҳмад Наждат Сезер ҳукуматни эгаллади... Бу даврлар оралиғида Туркия иқтисодига Кўрфаз уруши таъсир

қилди. Чунки Туркия Киркук-Туркия нефть қузури лойиҳаси тўхтаб қолиши оқибатида 300 миллиондан 500 миллион долларгача зарар кўрди. 1992 йилда Туркия ва Ироқ ўртасидаги тижорат алмашинуvidан 3 миллиард доллар зарар кўрди. Натижада Туркия ҳукумати камомадни тўлдириш мақсадида кредит компанияларидан кредит ола бошлади. Шу даврга келиб Туркиянинг давлат облигациялари 5,7 миллиард долларни ташкил қилди. Сўнг қисқа вақт ичида ташқи қарзлар жадал суратда ортиб кетди ва ҳукумат қарзларни идора қилишига ишонч йўқолди. 1993-1994 йиллари ишонч йўқолгани туфайли Туркиянинг агентликлардаги рейтинги тушиб кетди. Бу эса капиталистларнинг валюта инқирозидан кўрқиб қочишига олиб келди. Сўнг 1999 йили валюта қадрсизланиши бошланди ва унинг долларга нисбатан баҳоси 1650000 турк лирасига тенг бўлди. Бу Нажмиддин Эрбакан ва Аҳмад Наждат Сезар даврига тўғри келди. Бу давр яна кучли тушкунлик ва инфляциялар билан ажралиб турди. 2001 йил 21 февралда инқироз юз берди ва у қора чоршанба инқирози номини олди. Унда Аҳмад Наждат Сезар Эжевид ҳукуматини бепарволикда айблади.

Натижада, у айрим вазирлар билан бирга ишдан кетди ва ортидан Турк лирасининг қадрсизланишини қолдирди. Бу эса, Халқаро Валюта Фондидан қўшимча қарз олишга мажбурлади. 2000 йилда қарз 37 % бўлган бўлса, 2001 йилда 74 %га чиқди. Ишсизлик 1999 йил 65 % бўлса, 2001 йил яна 4,1 %га кўтарилди. 2002 йили Ражаб Тоййиб Эрдоган етакчилигидаги Адолат ва Тараққиёт партияси ғолиб чиқди. Лекин у ҳокимиятга кела олмади, чунки у сиёсатдан четлаштирилган эди. Натижада Абдуллоҳ Гул ҳокимиятга келиб, Эрдоганни бош вазир бўлиши учун конституцияга ўзгартириш киритилди. 2004 йили Туркия лирасидан олти ноль олиб ташланди ва бир миллион лира бир лирага тенг бўлиб қолди. Шундан бошлаб сиёсий қарор билан Ражаб Тоййиб Эрдоган ҳукуматида гавдаланган диний сақофат бирлашди. 2007 йилда эса Адолат ва тараққиёт партияси Абдуллоҳ Гулни президентликка номзод сифатида танлади. Лекин биринчи босқичда сайлов натижалари бойкот қилинди, чунки унда сайловчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи қатнашмади. Сўнггра Ражаб Тоййиб Эрдоган ҳокимиятга келди. Эрдоган халқ томонидан бевосита сайланган президент ҳисобланади, чунки у 52 % билан ғалаба қилган. Шундан

бошлаб Туркиянинг сохта иктисод даври бошланди. Бунда ҳақиқатларни яшириш ва Эрдоганни чиройли қилиб кўрсатишда ахборотнинг ҳиссаси катта бўлди. Бу ҳақидаги айрим рақамларни келтириб ўтамиз.

2013 йил охирларида Туркиянинг ташқи қарзи 377 миллиард долларга етди. Айти пайтда Туркиянинг ташқи қарзлардан кетма-кет озод бўлаётгани айтилди. Туркия шунча даврдан сиёсий жиҳатдан беқарор бўлиб келди ва Эрдоган ҳокимиятга келгунича Британия ва Америка малайлари ўртасидаги яширин уруш сабабли қийин сиёсий аҳволда яшади. Мана шундай давлат бир неча йил ичида Халқаро Валюта Фондидан ва Туркияни барча қарзларидан қутилганини қандай тушуниш мумкин? Эрдоганнинг баёноти бир томондан тўғри. Яъни Туркиянинг Халқаро Валюта Фонди олдидаги қарз мажбуриятларининг охириги қисмини тўлади. Лекин Туркиянинг бошқа давлатлар, банклар, молиявий ва молиявий бўлмаган муассасаларга бериши лозим бўлган қарзлари ҳамда жаҳон облигациялари каби қарзлари турган эди. Ҳа, улар кўпчиликни шундай алдашмоқда. Табиийки Халқаро Валюта Фонди ва бошқа молиявий ташкилотлар Американинг розилиги ва босими билангина шундай муомала қилиши мумкин. Шунингдек бу қарзларнинг фойдалари бир неча баробар ортиб кетган. Америка Туркияга ўз товарларини Америка ва унга тобе давлатларга олиб кириши учун бож ҳақи тўламайдиган қилиб қўйди. Шунинг учун Туркиянинг 2014 йилдаги экспорти 152 миллиард долларни ташкил этди. Лекин бу бошқа нарсалар эвазига бўлди. Яъни Америка бу орқали Туркия устидан тўла назоратни ўз қўлига олди. Эрдоганнинг одамларни алдаши орқали Туркиядаги парламентлик низомини республика низомига ўзгартирди. Америка Туркия ерларидан ўз режалари йўлида фойдаланди. Шунингдек Эрдоганни Америка ўзи айтаётган илмонийликни татбиқ қилишда йўлчи юлдуз қилиб кўрсатди ҳамда бунини муваффақиятли тажриба сифатида намойиш қилди. Шу туфайли Туркия дунёда 17 чи ўринга чиқди. Шу каби маккорона чалғитиш ва сўнгги инқилоб орқали Туркияни Америка сиёсатига тўғри келмайдиган нарсалардан тозалади. Бу Американинг Ўрта Шарқни Европа, хусусан Британия малайларида тозалаш лойиҳаси остига киради. Эрдоган шундан кейин президентлик ва парламент сайловлари

вақтини белгилади. Лекин бу белгилаш тасодиф бўлмади, балки бу Эрдоганнинг халқ олдидаги эътибори тушиб кетишидан олдин унга белгилаб берилган лойиҳа эди. Туркия шундан сўнг бугун кўриб турганингиздек иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолди.

2016 йил охирларида Туркия марказий банки Туркия ширкатларининг қарзи 210 миллиард долларга етгани ҳақида хабар қилди. Ўша пайтда савдо курси 160 %ни ташкил қилар эди. Бу нисбат барча ширкатларни яна ҳам кўпроқ қарз олишга ёки банкрот бўлишга мажбур қилади. Чунки тўланиши керак бўлган, яъни ширкатларга тегишли бўлган 100 доллар қўшимча 60 доллардан ташқари яна 100 доллар қарз олишга олиб келади. Шунинг учун Туркиянинг энг бой кишиларидан бўлмиш Мурат Улкерга қарашли ва Туркиядаги энг катта ширкатлардан бўлмиш озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи Юлдуз Холдинг ширкати қарз берувчилар билан етти миллиард доллар маблағ борасида келишим тузганини эълон қилган. Туркия молия вазирлиги 2018 йил март ойи охирларида Туркиянинг умумий ташқи қарзи 553, 2 миллиард долларга етгани ҳақида хабар берган. Бу рақам Туркия ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўп деганидир. Кўриб турганингиздек ҳукуматнинг ўзи ширкатларни қарз олишга мажбурламоқда. Бу эса Туркия иқтисодининг тойилиши ва савдо балансидаги камомадга олиб бормоқда.

Туркия иқтисодининг «иссиқ пуллар»¹га таяниши самарасиз сиёсат бўлиб, иқтисодий фаолиятни ва кўчмас мулк секторини хавф остига қўяди. Шунинг учун иқтисодий сиёсат устида турганлар қисқа муддатли капиталга ишониб қолмасликлари керак. Чунки нинг улкан зарарлари бор. Шу сабабдан Америка ҳомийлиги кўтарилиши билан Туркия валютаси қадрсизланиб кетиши оддий иш бўлиб қолади. Лекин гоҳида ҳомийлик тўхтатилмайди, балки биз гувоҳи бўлганимиздек, алдов юз беради.

Бу каби ишлар баъзида Европа иттифоқи унинг валютасига нисбатан ҳам амалга оширилади. Турк лирасининг Евро минтақага алоқаси бор. Чунки Европа давлатларининг Туркияда 150 миллиарддан кўпроқ пули бор. Кўрииб турибдики бу

(1) «Иссиқ пул» қисқа муддатли капитал оқими бўлиб, бу капитал эгалари тез фурсатда катта фойдани қўлга киритиш ёки пулни инфляциядан сақлаб қолиш учун уни бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчирадилар.

билан Испания, Франция ва Италия банклари инқирозга учрайди. Туркия лирасининг қадри тушган кунлари Италиянинг uncredit банки аксиялари 6,5 %га, Испаниянинг BBVA банки аксиялари 5.5 %га, BNP Paribas банки кўрсаткичлари 3,4 %га ва DEVTSHE BANK аксиялари 3,5 %га тушиб кетди. Барча биладики, Туркия қийин пайтларда қарзларини тўлаш учун пул топа олмайди. Бу нарса евронинг доллар қаршисида олдин кузатилмаган қадрсизланишини келтириб чиқарди. Бу ерда савол туғилиши табиий: Нима учун Эрдоган фоиз ставкасини оширмайди? Нима учун марказий банкни шу нарсадан қайтаради? Бунинг акси ўлароқ инқироздан бир ҳафта олдин фоиз ставкаларини пасайтирди. Ёки бу еврони кулатиш калитими? Ёки Туркия АҚШнинг кўзи ва қулоғи бўлиши учун уни савдо урушига аралаштиришми? Яқин кунларда халқаро майдонда кўринадиган бундай иттифоқларни Америка куч билан ҳарбий урушга тортади. Америка шу орқали молиявий инқироздан соғ омон чиқади ва шу орқали халқаро молиявий низомнинг бошқача кўринишдаги янги шаклини ҳавола этади. Шунинг учун Эрдоган Россия-Хитой иттифоқига қўшилиш ҳақида баёнот бермоқда.

Нима бўлганда ҳам АҚШнинг ҳийла ва найрангларини бутун олам кўриб турибди. Олам яқинда Америка турткиси туфайли халқаро молиявий низом структураси кулашига гувоҳ бўлади. Америка иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда турли тартибсизликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Унинг мақсади бутун оламни урушга тортишдир. Буларнинг барчаси рибо, эксплуатация ва бошқаларни кул қилишга асосланган бедаво мабдадан келиб чиққан нарсалардир.

Шунинг учун бутун оламнинг АҚШ режаси бўйлаб юришдан бошқа чораси йўқ. Чунки улар мана шу жирканч мабдадан ташқарида ёрқин фикрлай олмайдилар. Лекин Ислом остонада турибди. Биз Аллоҳдан бутун оламни мана шу оғир аҳволдан олиб чиқадиган, унинг халқига ўз ҳуқуқларини қайтарадиган, Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган йўлдан уни етаклайдиган ва одамларни воқедаги зулматдан Ислом адолатига олиб чиқадиган раббоний мабдани ғолиб қилишини сўраймиз. Зеро, Ғарб олами тараққиётга тўсиқ ва унинг ризқининг ўғриси деб ҳисоблаган Халифалик давлати

қулагандан бери олам зулмат остида яшамокда. Ғарбдаги фаровонлик эса, бутун олам ризқини ўғирлашдан пайдо бўлди.

Бахт-саодат зулм, талон-тарож ва ахлоқсизликни ортириш орқали рўёбга чиқмайди. Инсон эса, ҳар доим ҳаётнинг барча соҳаларини бошқарадиган Раббоний программага муҳтож бўлиб келган. Чунки Аллоҳ Таоло бизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билади. Шунинг учун оламдаги барча холис кишиларни ушбу зулмни тўхтатишга чақирамиз. Агар Халифалик давлати тикланса, адолат ўрнатади, эксплуатация, очкўзлик ва зулмга қарши курашади.

Биз Умматни Ҳизб ут-Таҳрир билан бирга фаолият қилишга чақирамиз. Чунки ёлғиз мана шу Ҳизбгина ўз программаси орқали зулм қалъасини парчалашга қодир. Шунингдек хоин, малай, динини дунё эвазига сотган кимсаларнинг зулмидан ушбу буюк Ҳизб аъзоларини ҳимоя қилишга чақирамиз.

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْفَيْمَةِ أَعْمَى﴾

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг – бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз»

[Тоҳа 124] □

ШАРЪАН ЭЪТИБОРГА ОЛИНМАЙДИГАН УСУЛ (1)

Ҳамд Тобиб – Байтул Макдис

Аллоҳ Азза ва Жалла буюк Умматга инъом этган энг катта неъматларидан бири, унинг динини ўзгартириш, алмашиш, йўқолиш, ёлғон ва сохталиклардан ҳифзу ҳимоясида асраганидир. Масалан, Қуръони Каримни ва Суннати набавийни асради. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِنَّا حُنَّ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَفِظُونَ﴾

«Албатта бу зикрни Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9]

Бу ерда الذكر зикр сўзи фақат Қуръонга чекланмайди, балки у Қуръони Каримга ҳам, унинг оятларини баён қилиб, изоҳлаб тафсир қиладиган Суннати мутаҳҳарага ҳам тегишли. Демак, Қуръонни сақлаш унинг илмларини ҳамда Қуръон маъноларини баён қилиб берадиган ҳадисларни сақлаш билан бўлади. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Сизга одамларга нозил қилган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб ушбу зикрни нозил қилдик» [Наҳл 44]

Имом Ибн Ҳазм Зоҳирий роҳимаҳуллоҳ «Иҳком фи усули аҳком» китобида бундай дейди: «Луғатшунослар ва шариат уламоларидан бирортаси Аллоҳ Азза ва Жалладан тушган ҳар бир ваҳи нозил қилинган зикр эканлиги борасида ихтилоф қилмайдилар... Чунки, ваҳининг ҳаммасини Аллоҳ Азза ва Жалла ҳифзу ҳимоясида асраган».

Бунинг акси ўлароқ, яҳудий ва насроний каби бошқа динлар дин асосларида бўлиниб кетишган. Бунга шахслардан олишда аниқ ишонч ва таъкид бўлмагани, санаднинг узилиб қолгани, нақл қилиш жараёнида қатъийлик ва аниқ ишонч бўлмагани сабаб бўлган. Оқибатда, (ақида ва шариат масаласида) ваҳига (яъни, Аллоҳ Азза ва Жаллага) қатъий боғланиши жиҳатидан улардаги асос шубҳали бўлиб қолган. Аллоҳ Таоло дин асосини ўзгартириб юборганликларини ва айни ўзгартиришлари сабабли ўзлари ҳам бўлиниб кетишганини сифатлаб, бундай дейди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ فَرَّقُوا دِينَهُمْ وَكَانُوا شِيَعًا لَسْتَ مِنْهُمْ فِي شَيْءٍ إِنَّمَا أَمْرُهُمْ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ يُنَبِّئُهُم بِمَا كَانُوا يَفْعَلُونَ﴾

«Динларини бўлиб, ўзлари ҳам гуруҳларга бўлиниб олган кимсалар тўғрисида бирон нарсада (жавобгар) эмассиз. Уларнинг ишлари фақат Аллоҳнинг ўзига ҳавола. Кейин (Аллоҳ) уларга қилиб ўтган ишларининг хабарини берур»

[Анъом 159]

Яна бундай дейди:

﴿وَقَالَتِ الْيَهُودُ عِزَّىٰرُ بْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصْرَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ يُضَاهِعُونَ قَوْلَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قَتَلْتَهُمُ اللَّهُ أَنَّى يُؤْفَكُونَ﴾

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўгли», дедилар. Насронийлар: «(Исо) Масих Аллоҳнинг ўгли», дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ҳужжат-далилсиз) гапларидир. Уларнинг бу гаплари худди аввалги кофир бўлган кимсаларнинг гапига ўхшайди. Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а!»

[Тавба 30]

Уммати Ислом бошқа умматлардан ўзининг санад илми билан алоҳида ажралиб туради. Санад ривоятнинг (матннинг) охирига, яъни, Росулulloҳ ﷺ га бориб тақалишидир. Уни «ривоятчилар занжири», ҳам дейилади. Шунингдек, Умнат рижол илми, яъни ровийларни тасниф қилувчи илм билан ҳам бошқа умматлардан мумтоздир. Бу илм ёлғончи ровийларни ростгўй ровийлардан ажратиб олади. Шунингдек, бу илм шарҳ илми, баён илми ва Қуръони Карим билан Суннати набавия илмидан келиб чиққан қасротул улум (кўп илмлар), деб ҳам сифатланган. Яҳудий ва насронийлар эса динларини зое кетказиб, ўзгартиришди. Оқибатда, динларининг аксари башарият хурофотларидан иборат бўлиб қолди. Уларда бирор саҳиҳ матнга таянилмаган ҳамда бир дин иккинчи динга тескари келди. Ҳатто битта Инжил ёки Тавротда ҳам кўп қарама-қаршиликлар вужудга келди.

Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺ нинг суннатларига (яъни, шариатга) энг кўп хизмат қилувчи илм усул илмидир. Усул илми – имон ва эътиқод мавзусида бўладими, амалий шаръий аҳкомлар (усули фикҳ) мавзусида бўладими, фарқсиз – муайян

қоидалар ва шаръан эътиборга олинувчи далилларни баён қилиб берган бўлиб, бу нарсалар ақидани ҳеч қандай шубҳа аралашмаган аниқ ишончдан олишнинг тариқатини кўрсатиб беради. Шаръий аҳкомлар бўйича фикҳ илми, истинбот қилиш илми, далил келтириш илми, тўғри қиёс илми ҳам ушбу усул илми устига қурилади. Бу – далилни муҳокама қилиш, уни обдан яхши тушуниш орқали бўлади. Дарҳақиқат, салафи солиҳ уламолар худди Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺнинг Суннатларини баён қилганлари каби, усул илмини баён қилиш ва аҳкомларини батафсил ёритишда ҳам кўп саъй-ҳаракатлар олиб борганлар. Бу илми барча Қуръон ва Суннат илмлари учун бир посбон ва ҳимоячи, деган эътиборда тафсирлар ва тафсирларга шарҳлар ёздилар. Ибн Халдун ва бошқаларнинг зикр қилишича, усул илмида илк бор китоб ёзган киши имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳдир. Бу биринчи китоб «Роъй», дейилади. Бироқ у китоб шаклида девон қилинмаган. Аммо Абу Ҳанифадан сўнг усул илмини девон қилиб, китоб шаклида ёзган киши имом Шофейй роҳимаҳуллоҳ бўлиб, у кишининг бу китоби «Рисола», дейилади. Кейин асрлар давомида ушбу буюк майдонда кетма-кет изланишлар олиб борилди, ўнлаб уламолар ушбу буюк илм ҳақида қатор китобларни тасниф ва девон қилдилар. Жумладан:

Имом Абу Қудома Мақдисий «Равзати Нозир»;

Имом Ибн Қоййим Дамашкий «Эълom муқин»;

Имом Шавконий «Иршодул Фуҳул»;

Имом Розий «Маҳсул фи улуми усул»;

Имом Шотибий «Мувофақот»;

Имом Омадий «Иҳком фи усули аҳком»;

Имом Ибн Ҳазм Зоҳирий «Иҳком фи усули аҳком» ва бошқалар.

Ҳақиқатдан, бизни айни муҳим мавзуда мақола ёзишга ундаган нарса ушбу буюк илми қизғаниш ва уни соф мусаффо ҳолида сақлаб қолишга интилишдир. Токи, унга ўзгартиш, алмаштириш кирмасин, аслидан айриш ва эътибордаги соғлом илдизидан узиш бўлмасин. Айниқса, бугун ўзларини уламо, деб атаётган, бироқ уламо бўлмаган кимсалар қонунчиликни ривожлантиришда ақлни асос қилишди. Улар ақлни қонунчиликни баён қилиш ва тушунишда асос қилишмади. Натижада, Аллоҳ ва Росули ҳаққига айтиш керак бўлмаган

нарсаларни айтишди. Ҳатто бу янги усул илмида, хусусан, судхўрлик ва «шаръий заруратлар» мавзусида Аллоҳ Азза ва Жалла Китобидаги далолати қатъий оятларга ва Росули ﷺнинг саҳиҳ ҳадисларига зид келувчи «аҳком»ларни табанний қилишди. Шаръий заруратлар мавзусини унга алоқаси бўлмаган ақлий ишларга қадар кенгайтиришди. Ҳаром иш қилиш масаласида эҳтиёжни зарурат ўрнига қўйишди ва эҳтиёж доирасини шу даражада кенгайтиришдики, оқибатда нафс-ҳавога асосланган ва ақлдан келиб чиққан турли-туман, сон-саноксиз эҳтиёжларни пайдо қилишди.

«Қонуншунос»лар содир этган бундай аралаштириш ва ҳаддан ошиш сабаби, энг аввало, шаръан эътиборга олинган усулни диққат билан, батафсил ўрганмасликка бориб тақалади. Шу боис, бундай аҳкомларни ва йўлдан озган қонунчиликни тўғрилаш учун, аввало айти ишнинг ўзини тузатиш лозим бўлиб қолди. Чунки асос тўғриланса, унинг устига бино бўлган хато ва камчиликлар ҳам тузалади. Биз шаръан эътиборга олинмайдиган бундай усул ҳақида ва унинг йўлдан озганлиги ва нотўғрилиги ҳақида сўз юритишдан олдин, айти баҳсга асос сифатида, шаръан эътиборга олинган ишларни ва баъзи фикрий қоидаларни эслатиб ўтишимиз керак. Масалан:

1 – Улумиддин (дин илмлари) ва унинг барча турлари фақат ваҳидан олинади, бошқа ҳеч бир манбадан олинмайди. Дин илмлари учун ягона манба эса, ақида ва аҳком жиҳатидан, ваҳи яъни Қуръон ва Суннатдир. Булардан ўзгаси мутлақо манба ҳисобланмайди. Масалан, дин ақлдан ҳам, воқедан ҳам, одатлар ва анъаналардан ҳам олинмайди. Шунингдек, бошқа қонунчиликлардан ҳам – хоҳ Ғарбнинг, хоҳ Шарқнинг қонунчилиги бўлсин – олинмайди. Демак, ушбу динимизнинг бирдан-бир манбаи ваҳи (Қуръон ва Суннат)дир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

«(Эй инсонлар), сизларга Роббингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! (Аmmo сиз) Камдан-кам панд-насиҳат оляпсизлар» [Аъроф 3]

Яна бундай деди:

﴿وَمَا آتَاكُمْ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾

«Пайгамбар сизларга нимани берган бўлса, ўшани олинглар, сизларни нимадан қайтарган бўлса, ундан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар, Аллоҳнинг азоби албатта қаттиқдир»

[Ҳашр 7]

Росулуллоҳ ﷺ бундай марҳамат қилдилар:

﴿إِنِّي قَدْ تَرَكْتُ فِيكُمْ شَيْئَيْنِ لَنْ تَضِلُّوا بَعْدَهُمَا: كِتَابَ اللَّهِ وَسُنِّيَّ، وَلَنْ يَتَفَرَّقَا حَتَّى يَرِدَا عَلَيَّ الْخَوْضَ﴾

«Мен сизларга икки нарсани қолдирдим: Аллоҳнинг Китоби ва менинг Суннатим, бу иккаласидан сўнг (яъни уларни маҳкам ушласангиз) ҳаргиз йўлдан озмайсиз. Бу иккиси то менинг ҳавзимга келгунгача асло бир-бирдан айрилмайди». (Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган).

Дин илмлари – ўз аҳком ва баёнига қараб – Аллоҳ Азза ва Жаллага ибодат-қуллик, демакдир. Аллоҳга ибодат фақат У буюргандек бўлади, Унинг буйруғи эса, самодан ваҳидир, башариятнинг заиф ноқис ақлидан эмас. Чунки Аллоҳга ақл билан ҳам, ҳавои нафс билан ҳам ибодат қилинмайди. Демак, дин ҳар нарсани билувчи доно Аллоҳдан бошқасидан олинмайди. Чунки бу иш Қуръони Карим ва Росулуллоҳ ﷺ Суннати орқали фақат Аллоҳ Азза ва Жалладан олинади.

2 – Ваҳидан, яъни, Аллоҳ Азза ва Жалладан бошқаси башарият ақлидан ўзга нарса эмас. Чунки халқ кўлидаги мавжуд фикрлар ё росуллар орқали ваҳи йўли билан Аллоҳдан келади ёки башар ақлидан келади, бу ишда учинчи нарса йўқ. Башар ақли қонунчилик ишларига ярамайди. Чунки у ноқис, ожиз ва ўзидан бошқага муҳтождир. Унинг ожизлиги кўп нарсада очик кўриниб туради, масалан: одамлар ўртасида кўплаб қарама-қарши фикрлар бўлади, ақлдан келиб чиққан раъйлар ҳатто битта шахс ва битта мавзуда ҳам ўзгариб, алмашиб кетади. Бир киши усул қоидаси сифатида бир нарса ишлаб чиқса, маълум вақт ўтиб, ўша қоидада хато топгани учун уни ўзгартиради. Яна кимдир ваҳига таянмай бир ҳукм чиқарган бўлса, сиз уни ҳам маълум вақтдан сўнг ўзгартирганига гувоҳ бўласиз. Чунки у ҳукмининг хатолигини билган. Бас, динимиз ва шариатимизнинг шу тарзда инсонлар нафс-ҳавосига, уларнинг зиддиятли ва ўзгарувчан ақлларига топшириб қўямизми?!

Мисол учун, бугунги кунда ер юзидаги мавжуд (капитализм ва ундан олдин социализм) мабдалари сабабли келиб чиққан

танглик, бадбахтликка назар солсак, бу мабдаларнинг башар ақли маҳсули эканига гувоҳ бўламиз. Чунки бу мабдаларни шу инсон тузди, улар учун усул ишлаб чиқди, шу усул устига эркинликлар мафкурасини бино қилиб, башар ақлини жиловсиз қўйиб қўйди, ақл эса, инсонга тааллуқли конун ва тузумлар яратди. Алалоқибат, айна мабдалар – ўз тузум ва конунчиликлари билан – эгри бўлибгина қолмай, ҳатто бир ҳолатда барқарор тура олмади. Балки бир неча бор ўзгартирилди, сўнг ўз усули ва таянган қондаларидан чиқиб кетди. Мабда соҳиблари ҳар сафар бирор муаммо ёки кризисга йўлиқишди дегунча уларни ўзгартиришаверди ҳамда таянилган баъзи мафкуравий усулларини – хусусан, иқтисодий эркинликлар асослари тўғрисидаги усулларини – бир неча бор ўзгартиришди!

Албатта, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло – хоҳ дин усулларида, хоҳ фуруларида бўлсин – ақл ва нафс-ҳавога берилишдан қайтарди, буни залолат ва сохтакорлик, деб ҳисоблайди. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ ۚ إِنَّ الَّذِينَ يَظْلُمُونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا يَوْمَ الْحِسَابِ﴾

«Сен нафс-ҳавога эргашиб кетмагин, акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини (яъни Қиёматни) унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир» [Сод 26]

Яна бундай деди:

﴿وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَلْنَاكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Менинг йўлимдан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди» [Анъм 153]

Ҳа, Ҳақ Таоло бадбахтлик ва йўлдан озишга нафс-ҳаво (ақл)га эргашиш сабаб бўлишини, тўғрилик ва ҳидоятга эргашиш эса, Аллоҳ Субҳанаҳу ўзи томонидан ваҳи қилган йўлга эргашиш билан амалга ошишини эслатиб, бундай деди:

﴿قَالَ أَهْبِطَا مَعَهَا جَمِيعًا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿١٢٣﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَى﴾

«(Аллоҳ) айтди: Ундан (яъни жаннатдан) ҳар иккинги тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз» [Тоҳа 123-124]

Бу оятда юз ўгиришдан мурод, нафс-ҳаво ва ақлга эргашишдир, фақат нафс-ҳаво билан ақл зикр қилинмаяпти, холос. Бу оят тафсирида имом Шавканий бундай дейди: «Оятдаги هُدًى مِّنِّي فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِّنِّي هُدًى Мен тарафдан ҳидоят келганида, дейишдан пайғамбарларни юбориш ва китоблар нозил қилиш ирода қилинган, فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас, дейишдан мурод эса, бу дунёда йўлдан озмайди, охиратда бадбахт бўлмайди, демакдир. وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, дегани эса, динимдан, Китобимни тиловат қилиб, ундаги нарсаларга амал қилишдан юз ўгирса ва ҳидоятимга эргашмаса, деганидир. فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур дейишдан мурод, бу дунёда ёмон аҳволда яшайди, яъни турмуши танг бўлади, деганидир.

3 – Хоҳ қадимда ёки ҳозирда бўлсин, хоҳ ақида ёхуд фикҳий усулда бўлсин, фарқсиз, ваҳидан (яъни, Қуръон ва Суннатдан) ташқарига чиқиш сабаби икки нарсага бориб тақалади ва иккаласи ҳам битта нарсадан-ақлга эргашишдан келиб чиқади. Биринчи сабаб: баъзи исломий фирқалар пайдо бўлиб, усул борасида ақлга таянган ҳолда ақида ва аҳкомлар ўйлаб топишди... ақлдан у учун белгиланган тўғри вазифасидан ташқарида фойдаланишди. Ақлнинг тўғри вазифаси махлуқотларга назар солиб, улар ҳақида тадаббур қилиш орқали имонга етиб боришдан иборат эди. Яъни, Аллоҳ Азза ва Жаллага ва у юборган росуллару рисоаларга ишониш, шунингдек, инсонларга нозил бўлган рисоаларни тушунишдир. Шундай қилиб, бу ақллар ваҳига таянмаган ҳолда ёки ваҳини ақлан тафсир қилиш билан янги бир усул пайдо қилишди. Бу

шаръан эътиборга олинувчи усулга зид усул бўлиб, худди яҳудий ва насронийларнинг ваҳига таянмай ўйлаб топишган ботил ақидаларига ўхшайди. Иккинчи сабаб: Бошқаларнинг ақлларида таъсирланган ёки уларнинг ақлий баҳс юритиш ва далил келтириш йўналишларига эргашиб, ваҳи таянчидан узоқлашган мусулмон уламолари ва муфаккирлари пайдо бўлди. Масалан, ҳинд ва юнон фалсафаларидан таъсирланган уламолар каби. Улар ўша пайтдаги ёки ундан олдинги одамлардан таъсирланишди. Айни фалсафа сабабли динда йўқ нарсани пайдо қилган уламолар ва исломий фирқалар келиб чиқди. Улар ҳатто эътибордаги Қуръон ва Суннатдан бўлган усулга ҳам зид йўл тутишди. Улардан баъзилари динда аниқ маълум бўлган нарсага ёки ақида мавзусида далолати ва исботи қатъий бўлган оятларга қарши чиқишди. Масалан, баъзилари башар маъсумдир, деса, баъзилари Росулulloҳ анбиёлар хотами эмас, деди. Яна баъзилари ечимларни ақида, деса, баъзилари Қуръонни яралган, деди. Баъзилари эса, ғойибни шохидга қиёслаш натижасида ташбиҳ (ўхшатиш) ва тажсим (гавдалантириш) сифати мавзусида янгилик яратди. Буларнинг барчасига сабаб, бу ва бошқа «уламо»ларнинг мантиқ илмидан ҳамда ғайримусулмонлар фалсафасидан таъсирланишидир!

Ақлдан келиб чиқиб, ақида масаласида усул сифатида янгилик яратганлар шариат усули борасида ҳам, яъни, қоидалар, шаръий далиллар ва далил келтириш йўлларида ҳам янгилик яратишди. Масалан, ақл ва нафс-ҳаводан келиб чиқиб, манфаат ва заруратларни белгилашди. Ёки замон ва маконнинг ўзгаришини шаръий аҳкомлар ўзгаришига шаръий иллат қилишди. Бу ва бундан бошқа ваҳига таянмаган ёхуд ваҳидан нотўғри йўл билан истинбот қилинган ишларни қилишди. Биз ушбу баҳсимизда, Аллоҳнинг изни ила, айни янги усуллар ҳақида сўз юритамиз ҳамда уларнинг хатоликларини баён қиламиз.

4 – Усул ва хусусан, фикҳий аҳкомлар усули қатъий далилга муҳтож. Зонний ёки зон ғолиб келиши билан уни олиш ножоиз. Бунга далил:

Биринчидан: Усул бу шариат усул сифатида таянувчи шаръий куллий масалалардир. Куллий масалаларда зон бўлмаслиги керак, чунки эътикод усулида зонга эргашилмайди ва бу Қуръонда очиқ айтилган: Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَمِنْهُمْ أُمِّيُونَ لَا يَعْلَمُونَ الْكِتَابَ إِلَّا أَمَانِي وَإِنَّهُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ﴾

«Уларнинг ичида омийлари ҳам борки, Китобни билишмайди, (билишса ҳам бу билимлари) фақат хом хаёллардан иборат, улар фақат зон-гумон қиладилар, холос» [Бақара 78]

Яна бундай деди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ كَيْسُمُونَ الْمَلْتِكَةِ تَسْمِيَةَ الْأُنثَى﴾

«Албатта, охиратга имон келтирмайдиган кимсалар фаришталарни аёллар номи билан атайдилар» [Нажм 27]

Имом Шавкониё ўзининг тафсирида бундай дейди: «Бу – зоннинг ўзи илм даражасида эмаслигига ва зонга асосланган киши илмга асосланмаганига далилдир. Илмга муҳтож бўлинадиган масалаларда шундай, зон кифоя қиладиган, яъни амалга алоқадор масалаларда эмас. Биз бунинг ҳақиқатини юқорида айтганмиз ва шунга хосланмоқ керак. Чунки умум далолати, қиёс ва хабари оҳод ва бошқалар зонний бўлиб, унга амал қилиш ҳам зонга амал қилиш, демакдир. Шу боис, бу каби ишларда зонга амал қилишимиз вожибдир. Унга амал қилиш вожиблигига далиллар келган бўлиб, улар фақат шу маънога хосланган».

Иккинчидан: Усулни ғалабатуз зонга (гумон ғолиблигига) бино қилиш бўлиниш ва ихтилофларга олиб келади. Чунки бундай ҳолатда ушбу асли тушунишда ихтилоф юзага келади. Бир олим кўрган-раъй билдирган нарсани бошқаси кўрмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда ақида ихтилофли ақидага айланади, қонунчиликка асос бўлган аҳкомлар усули ҳам қарама-қарши бўлиб қолади. Худди Бану Исроил каби Уммат ўртасида фирқа-фирқаларга бўлиниш юз беради. Ихтилоф – салаф уламоларида бўлганидек – шаръий масалаларни тушунишда бўлиш ўрнига, уларнинг усули устида бўлиб қолади. Оқибатда, қонунчилик манбалари кўпайиб, қонунчиликда ҳам, унинг усулида ҳам ақл ишлатишга тўғри келади. Бу нарса шунингдек, усулда Умматнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлади ҳамда Ислом дини ҳамма ўз ақли ва нафс-ҳавоси бўйича тушунадиган зиддиятли, ихтилофли динга айланади.

Учинчидан: Машҳур усулчи уламолар – усул албатта қатъий бўлиши, зон асосида олинмаслиги керак, усул ҳам худди фаръий фикхий аҳкомлар кабидир, деган фикрдалар. Улардан

бири, имом Қарофий. У «Танқиҳул фусул ва шарҳуҳу» номли китобда «Аллоҳ Таолонинг ﴿إِن يَدْعُونَ إِلَّا الْاٰظِنَ﴾ улар фақат гумонга эргашадилар, деган каломи диний қоидаларга ва қатъий ибодатлар усулига хосдир», дейди. Имом Абдулқодир Бағдодий ўзининг «Усули дин» номли китобида «Оҳод хабарлар гарчи санади саҳиҳ бўлиб, матнлари ақлан тўғри бўлса-да, илм бўлмаса ҳам, амал қилиш вожиб бўлади», дейди. Имом Иснавий бундай дейди: «Суннатга келсак, улар ичида оҳодлари фақат зонни ифодалайди... оҳод ривоят бир нарсани ифодаласа ҳам, албатта у зонлигича қолади. Шариат эгаси Аллоҳ зонга фақат амалий масалаларда, яъни, фуруларда ижозат берган, дин усуллари қоидалари каби илмий масалаларда эмас». «Тамҳид» китобида имом Абдулбирр бундай дейди: «... Асҳобларимиз ва бошқалар оҳод хабари ҳам илмни, ҳам амални вожиб қиладими, деган раъйда ихтилоф қилганлар. Аксар аҳли илмлар раъйи бўйича – оҳод хабар илмни эмас, амал қилишни вожиб қилади. Шофей билан кўплаб фикҳ ва назар аҳли ҳам шундай раъйдалар. Уларнинг наздида оҳод хабар илмни вожиб қилмайди ва бу борада ихтилоф йўқ».

Айнан шу нарса динга ёт нарсанинг кирмаслигига ҳамда аҳкомлар ва ақида мавзусида адашмасликка кафилдир. Чунки қачон усул қатъий бўлса, барча мусулмонлар раъйи битта бўлади, ихтилоф ва қарама-қаршилиқ бўлмайди. Аммо бу борада уларнинг раъйи ихтилофли бўлса, диннинг битта аслида ҳам бўлиниш юз беради. Зеро, бундан шариат қайтарган бўлиб, буни юз беришидан огоҳликка чақирган. Худди яҳудий ва насронийларнинг эътикод усуллари борасида ихтилоф қилишганда шундай нарса юз бергани каби.

Шундай қилиб, ваҳи аҳкомлар усулини (илмни ифодаловчи субути қатъий бўлган) ва ҳеч қандай шубҳа ораламайдиган тўрт нарсага чеклади: Қуръони Карим, Росулulloҳ ﷺнинг суннатлари, саҳобалар ижмои ва соғлом шаръий иллатга асосланган қиёс. Тўртталаси илмни ифодаловчи қатъий далил билан исботланган. Инша Аллоҳ, келаси ҳалқаларимизда ушбу усуллар тўғрисида батафсил сўз юритамиз.

(Давоми бор) □

ЗИММИЙЛАР БОШҚА МУСУЛМОНЛАР КАБИ ФУҚАРОДИР ДИНИЙ ОЗЧИЛИК ЭМАС

Муҳандис Абдуллатиф Шомий

Гаразгўйлар хуш кўрадиган атама, яъни диний озчилик тушунчаси Ислом табиатига мутлақо зид фикрдир. Ислом уларни аҳли зимма (зиммийлар), деб атайди. Аммо баъзилар зиммийларга диний озчилик, деб қараб, уларга ўз ҳуқуқлари берилишини талаб қилади. Мен ушбу мавзуда Ислом бошқарувига қарши чиқаётган ва Халифалик давлати барпо этилишини истамаётган кимсалар ҳақида алоҳида сўз юритмоқчиман. Дарвоқе, бу кимсалар шу диний озчиликнинг ҳақ-ҳуқуқи Халифалик давлати даврида поймол этилган, деган гаплари билан Халифаликни ёмонотлиқ қилишмоқчи бўлишади. Уларга кўра, мана шу нарсанинг ўзи давлатни барча одамлар диний дискриминацияга учрамасдан ўз миллий ҳуқуқларидан фойдаланадиган демократик илмоний фуқаролик давлатига айлантириш учун етарли ва қаноатланарли сабабдир. Шунингдек, улар фуқаролик давлатини исломий шариат билан ҳукм юритадиган ва Исломга асосланган Исломий Халифалик давлатига адолатли альтернатив, деб билишади.

Ислом аҳкомларини тушунмайдиган, Ислом ҳақида изланиш ва ўрганиш билан ўзларини қийнашни истамайдиган ҳамда – яхши гумон қиладиган бўлсак – тўтикушдек битта нарсани такрорлайверадиган кимса учун бир қарашда бу фикр, бу гап тўғри ва мантиқий бўлиб кўринади. Бирок, чуқурроқ текширадиган бўлсак, бу фикрнинг уларни адаштирувчи ва сохта фикр эканлиги аён бўлади, қолади.

Буни обдан ўрганиш учун муҳим бир нарсани баён қилмоқчимиз. Гап шундаки, уларнинг таърифи бўйича, диний озчилик Ислом динидан бошқа дин уларни жамлаган, кўпчилик бўлган мусулмонлардан ажралиб турадиган озчиликдир. Яъни, уларни озчилик, қилаётган нарса диний сифат бўлиб, мана шундай алоҳида ажратиб турувчи диний сифатларига биноан, уларга жамият ва давлатда ҳуқуқ берилиши керак. Улар шундай таърифлашади.

Шу ерда ўз-ўзидан савол туғилади: Хўш, ундай бўлса, ушбу диний озчиликни бошқалардан ажратмаслик ва уларга ҳам бошқа мусулмон фуқароларга қаралгандек қаралиши учун уларга қандай ҳуқуқлар таъминланиши керак?

Бунга жавоб шуки, ушбу диний озчиликда бошқалардан ажратиб турувчи диний ҳуқуқлари ҳақиқатдан мавжуд. Яъни, бу ҳуқуқлар аввало диний характерга эга бўлиши шарт. Чунки улар озчилик, деган сифатни ва айни сифатнинг ҳуқуқ талаб қилаётган хусусиятини мана шу дин сабабли қўлга киритганлар. Шунинг учун уларнинг айни диний ҳуқуқлари жумласига динга киришга мажбур қилмаслик, фитнага солиб, диндан чиқарилмаслик, уларга ўз ибодат ва маросимларини динларига мувофиқ адо этишларига имконият яратиб бериш ва бошқа динлари билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқлар киради.

Дарҳақиқат, зиммийлар ҳақида Ислом тушунчаси шуки, Ислом давлатида ғайримусулмонлар учун барча ҳақ-ҳуқуқлар таъминланади, улар ўз динлари ва ақидавий буйруқларини мажбурланмаган ҳолда адо этишлари мумкин. Ҳатто уларга никоҳ, талоқ, емоқ-ичмоқ ва бошқаларга тааллуқли ҳуқуқлар бизнинг исломий фикҳимизда муфассал ёритиб берилган тарзда берилади. Булардан ташқари, Ислом давлатида зиммийлар Уммат мажлисига ўзларидан вакил юбориб, ўзларига нисбатан аҳкомлар ёмон татбиқ этилаётган бўлса ёки зулмга учраётган бўлсалар, буни ўзлари сайлаган вакил орқали мажлисга етказишлари ҳам мумкин.

Демакки, зиммийлар Ислом давлатида ҳуқуқлари бузилмаган ва зулмга учрамаган ҳолда яшабгина қолмай, ҳатто бошқа мусулмонлар қатори тинч ҳаёт билан кафолатланадилар. Улар Халифалик давлати томонидан зиммий бўлганлари учун таъқиб қилинмайди, балки Ислом Уммати ва унинг динига душманлик руҳидаги фикр ва идеологияларни Ғарбдан ташиб келтирган кимсалар таъқиб қилинади. Бинобарин, Халифалик давлатида диний озчилик ҳуқуқи поймол этилмайди.

Шу ўринда мусулмонларга мурожаат қиламиз ва уларга ўз Исломларини тушунишларини, Ғарб кўрсатган сохта йўлга юрмай, унинг гапларини, хусусан, «мўътадиллар» каби гапларини тилларига олмасликни таъкидлаймиз. Шунингдек, мусулмон ўлкаларида яшаётган ғайримусулмонларга ҳам мурожаат йўллаб, уларни Ғарб истагига рози бўлмасликка чақирамиз. Зеро, Ғарб истаги бўйича улар зиммийларга исломий аҳкомларни татбиқ этувчи Халифалик барпо этилиши лойиҳасига қарши курашишлари керак, бинобарин, эртага Ислом давлати барпо этилганда Ғарбнинг диний озчилик, деган

ниқоб остида бизнинг ички ишларимизга аралашшига баҳона яратишига ёрдам беришлари лозим. Шунингдек, Ғарб диний озчилик, деган масалани қасддан қўзғаб, ундан исломий юртлардаги мусулмонлар билан ғайримусулмонлар ўртасида низо чиқаришда фойдаланади. Ваҳоланки, узоқ асрлар мобайнида яҳудий ва насронийлардан иборат зиммийлар мусулмонлар орасида тинч яшаб келишди, ҳуқуқлари бузилмади, жамиятдан четлатилмадилар, ҳатто исломий жамият ва Ислом давлати олдида ўзларини ёт ҳис қилишмади.

Бас, бутун дунё шуни билиб қўйсинки, Аллоҳ Таолонинг изни ила, Ислом бошқаруви албатта келади. Чунки бу Аллоҳ Азза ва Жалла ваъдаси ҳамда суюкли Пайғамбаримиз ﷺнинг башоратларидир. Ҳамма шуни яхши билсинки, мусулмонларга ва бутун башариятга илмоний капитализм ва капиталистлар зулмидан Исломсиз нажот йўқ. Фақат Исломгина барчани кутқара олади. Ана шунда зиммийлар Халифалик давлати соясида яшашдек улкан бахт йўқ эканини англаб етадилар. Илмоний давлатда қанчалар бадбахт ҳаёт кечиришганига ҳамда Ислом ва унинг аҳкомларидан қанчалар қўрқиб, уни ёмон кўриб яшашганига пушаймон бўлишади. Либераллар, сўлқанотлар ва мустамлакачилар қайта барпо этилаётган Халифалик давлати оёғини чалиш учун диний озчилик дастаги остида улардан қандай фойдаланишганини тушуниб етишади. Бас, Аллоҳ Таолонинг изни ила, тез кунда кириб келажак ёруғ кун билан уларнинг кўнглини кўтарайлик ва уларга башорат берайлик. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ

الْمُشْرِكُونَ﴾

«У (Аллоҳ) шундай зотки, гарчи мушриклар хоҳламасалар-да, Ўз Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан барча динлар устидан голиб қилиш учун юборди» [Тавба 33] □

РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ МАВЛУДЛАРИНИ НИШОНЛАЁТГАН МУСУЛМОНЛАР ИСЛОМНИ ҲАЁТЛАРИДА ҚАНДАЙ БАРПО ЭТИШ КЕРАКЛИГИНИ БИЛИБ ОЛИШЛАРИ ЛОЗИМ

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло мусулмонларга динни барпо этишни ва бўлинмасликни, Роббилари буйруғига Росулulloҳ ﷺ га қандай нозил қилинган бўлса ўшандек чекланишни буюрди. Саҳоба رضي الله عنهم лар динга онгли равишда, тадаббур билан, гўзал суратда амал қилиш ва уни етказишда содиқ турдилар. Саҳобаларнинг, улардан кейинги тобеинлар ва табаа тобеинларнинг Исломга ҳарисликлари сабабли диний нусуслар собит-барқарор турди, чанг-ғубордан омон қолди, сараси сарага, пучаги пучакка ажралди. Шундан сўнг ўзини билимдон кўрсатувчилар учун диндан ташқарида сўз сўзлашларига ўрин қолмади. Бироқ кейинчалик мусулмонлар динда янгилик қилишни исташди, баъзилари динни севгандан шундай қилса, баъзилари ёмон ниятда қилди. Икки ҳолатда ҳам диндаги янгилик қабул қилиб бўлмас ёмон нарса. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, баъзи мусулмонлар Набий ﷺ нинг мавлудларини ҳар йили байрам қилиб нишонлашни яхши кўрдилар. Бу эса, шаръан дуруст эмас. Чунки динимиз комилдир. Худди Қурбон ва Рамазон ҳайитларини нишонлаш талаб қилингани каби, ҳар йили бу мавлудни ҳам хотирлаб-нишонлашга динда ҳеч қандай далил келмаган. Агар нишонлаш керак бўлганда эди, бунга нусус келган бўлар эди. Шунингдек, фақат яхшиликлар гувоҳ бўлинган уч аср мобайнида саҳобалар ҳам, уларга гўзал суратда эргашган тобеинлар ҳам, табаа тобеинлар ҳам буни қилмаганлар. Агар бу иш уларга тақлиф қилинганда ҳам, албатта рози бўлмаган ва буни динда исталмайдиган янгилик, деб ҳисоблаган бўлардилар.

Аммо ушбу муносабатни Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا أَنْ أَخْرِجْ قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَذَكِّرْهُمْ

بِآيَاتِ اللَّهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ﴾

«Дарҳақиқат, Биз Мусони (Бани Исроил қавмига) Ўз оятларимиз билан юбориб (унга дедикки) – қавмингни зулматлардан нурга олиб чиққин ва уларга Аллоҳнинг неъматларини эслатгин! Албатта, бу (неъматлар)да ҳар бир

сабр-қаноатли, шуқр қилгувчи киши учун оят-ибратлар бордир» [Иброҳим 5]

деган каломи доирасига киради, десак бўлади. Бироқ мавлуд хотира учун муайян бир кунни ва муайян бир маросимни белгиламаслик керак. Балки, бу хотира ҳар бир мусулмон наздида ҳар йили ва ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида ҳозир бўлиши лозим. Чунки Росулуллоҳ ﷺ мусулмон учун барча каттаю кичик амалларда эргашиб буюрилган ўрнак ва намунадир. Бас, мусулмоннинг йилда бир мартагина мавлудни хотирлашининг нима маъноси бор, ҳолбуки, у бутун умри бўйи Росулуллоҳ ﷺни хотирлаб яшашга буюрилган бўлса?!

Ушбу хотиранинг кўп маъно-мазмунлари бор, жумладан, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло суюкли Росулимиз ﷺни анбиёлар хотами, Ислонни барча рисоалар хотимаси қилган экан, бу куйидагиларни англатади:

- Ислон рисолати сўнгги рисолат бўлиб, у қиёмат соатига қадар бутун оламда ҳукмрон бўлиб турмоғи лозим. Фақат мана шу рисолатда ҳидоят бор, бошқасида эса, залолат. Шу рисолат билангина қиёмат кунига қадар фикрий ва ҳазорий курашга киришилади.

Ҳаёт ўзгариб, ривожланиб бормоқда, табиийки, одамлар шунга қараб, ўзларининг ҳаётий қонунларини ўзгаришлари керак, дейилмайди. Бундай демаслик керак. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ваҳи қилган тузум, инсоннинг чор атрофини инсон, деган эътиборда ихота қилган. Инсон яралибдики, у инсон сифатида асло ўзгармайди. Масалан, эркак қадимдан эркак, аёл қадимдан аёл. Улар ўртасидаги алоқа ҳам ўзгармаган. Жамиятлар ҳам ўша-ўша, жамиятлар ўртасида кураш ёки ҳамкорлик ҳам ўшандай. Шунинг учун ҳам биз барча инсонларни, айниқса, ривожланишга чақираётганларни ҳар соҳада ўзларидан аввалгилардан таълим олишаётганига гувоҳ бўляпмиз. Масалан, демократия Ислондан олдинги замондан бери мавжуд қадимий мафкурадир. Бугунги кундаги кўплаб ҳарбий режаларда ҳам замонавий қўмондонларнинг қадимги қўмондонлардан таълим олишаётганини, ҳатто бу ҳақда ҳарбий билим юртларида дарс ўтишаётганини кўряпмиз. Бу каби ҳолни тиббиётда ҳам, астрономияда ҳам... ҳаммасида кўришингиз мумкин. Демак, ҳаёт ривожланиши билан ҳаёт қонунлари ҳам биргаликда ривожланиши лозим, дея ҳисоблайдиганлар, аслида

фикран абгор инсонлардир. Чунки улар ўртага ташлаган таклифлар соғлом тузумга олиб бормади... Натижада, амал қилаётган қонунларимизни ўзгартирамиз, дейишяпти, аммо қонунларимизни омадсизлигимиз сабабли ўзгартирдик, дейишмаяпти, бунинг ўрнига, ривожланиш сабабли ўзгартирдик, дейишяпти. Демак, ўзгариш-ривожланишга чақираётган ҳайқириқлар омадсиз кимсалар ҳайқириғидир. Инсон учун бўлган тузум ҳаргиз ўзгармайди, балки башарият муносабатларини тартиблаштиради, дея қилинаётган ҳайқириқлар ҳақни айтувчи ростгўй инсонлар ҳайқириғидир. Ғалати ери шуки, мавлуди набийни хотирлашни унутмаётган кўплаб мусулмонлар ушбу ҳақиқатдан бутунлай ғафлатдалар. Уларга бир қарасангиз, ғарбча фикрлашади, бир қарасангиз, мавлудни нишонлашади!

• Бироқ Ислom ўзига хос давлат ва ақидага эга диндир. Унинг ақидасидан шариат балқиб чиқади. Шунинг учун динимиз рисолати давлат орқали мабда-система сифатида ҳукмрон бўлмоғи, кенг ёйилиб, бутун дунёни бошқармоғи лозим. Токи, тирик жон борки ҳамма ерга Ислom етиб борсин, Ислom адолатига гувоҳ бўлган инсонлар бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бунга гувоҳлик берсинлар. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

«Шунингдек, бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Росулulloҳ сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта (адолатли) Уммат қилдик» [Бақара 143]

Ҳа, инсонларни ҳидоятга етаклаш вазифаси фақат Ислom аҳли зиммасига тушган бўлиб, ҳақ фақат Ислomга чекланган. Огоҳ бўлингки, бу вазифа бутун инсониятни Роббул оламинга қул қилиш вазифасидир! Бу нарса Ислomий давлатга инсонларни зулматдан нурга, залолатдан ҳидоятга чиқариш учун бутун дунё бўйлаб фикрий, ҳазорий ва ақидавий курашга кириши лозимлигини тақозо этади. Шунингдек, инсонларни капиталист, илмоний ва динсиз кофирлардан иборат иблисларга итоат қилишларига ташлаб қўймаслигини, тинимсиз ҳаракат қилиб дунёнинг биринчи давлатига айланишини, бу давлатнинг мақсад-ғояси ер юзининг ҳали етиб бормаган ерига етиб бориб, фатҳлар қилишини талаб қилади.

Аммо бу мавзуда кишини ҳайрон қолдирадиган нарса шуки, кўпчилик мусулмонлар Исломни Росулуллоҳ ﷺ замонида бўлгани каби, Аллоҳ нозил қилган аҳкомларни доимо татбиқ қиладиган ўз давлати бўлиши керак, деган ҳақиқатдан ғафлатдалар. Сиз уларни мавлудни нишонлаётганига, бироқ мавлуднинг шаръий тўғри мазмун-моҳиятидан йироқ эканига гувоҳ бўласиз. Ваҳоланки, Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَأَن آَحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرَهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ فَإِن تَوَلَّوْا فَاعْلَم أَنَّا يُرِيدُ اللَّهُ أَن يُصِيبَهُم بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِن كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ لَفَاسِقُونَ ﴿٤٩﴾ أَفَحُكْمَ الْجَنَهِلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَن أَحْسَنُ مِّنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

«Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашиманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган аҳкомларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб кўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар юз ўғирсалар, билински, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари фосиқдирлар. Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Имонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» [Моида 49-50]

Мусулмонлар ҳар бир ҳаётий ва оилавий ишларида Росулуллоҳ ﷺни етакчи қилмоқлари лозим. Ул зот мусулмонлар ҳаётининг бутун сўқмоқларини ёритувчи чирокдирлар. Шунинг учун ул зотнинг мавлуди хотираси ўтмишда, ҳозирда ва келажакда бўлиши керак. Фақат ўтмишга хос бўлмаслиги даркор. Бу шуни англатадики, мавлуд хотираси мусулмоннинг ҳаётида, яъни якка ҳолатида, жамоа, жамият ва давлатдаги ҳаёти даражасида бўлмоғи лозим.

Мавлуд хотираси мусулмоннинг якка шахс ҳолатидаги ҳаётида қуйидагича бўлади:

Ислом мусулмоннинг исломий шахсияга эга бўлишини қаттиқ талаб қилади. Ундан ҳар бир хатти-ҳаракатини шу асосда қилишини, ҳалолни билиб, унга амал қилишини, ҳаромни таниб, ундан четланишини хоҳлайди. Мусулмон банда Аллоҳга шундай бўйсуниб, итоат қилсинки, бу итоат унинг ўз истагидан, розилигидан ва Аллоҳга яқин бўлишни яхши кўрганидан келиб чиқсин. Нафсини назорат қилсин, покласин ва

назоратда фидойлик кўрсатсин... Қачон унинг нафсияси билан ақлияси баркамол ҳолатга етса, у ҳаётининг барча ишларида кучли мусулмонга айланади. Ақида жиҳатидан олганда, мусулмон шахс ёлғиз Парвардигорини рози қилишни, Унга итоатда бўлишни ҳамда Аллоҳ ва Росулига у келтирган барча нарсалар борасида итоат қилишни ўзининг барча хатти-ҳаракатига, ҳар бир амалига асос қилиб олмоғи лозим. Аллоҳга ибодат қилиш жиҳатидан олганда эса, мусулмон намоз, закот, ҳаж ва рўза каби ўзидан талаб қилинган барча ибодатларни қилади, буларга қўшимча, киёмул-лайл, нафл ибодатларни кўпайтириш, нафл рўзалар тутиш, бир мартадан ортиқ ҳаж ва умралар қилиш, садақалар бериш, кўп дуо ва зикрда бўлиш... каби ибодатларни ҳам қилади. Ахлоқий жиҳатдан олганда, мусулмон гўзал ва Аллоҳ севадиган одоб-ахлоқ билан зийнатланади. Ростгўй ва ишончли бўлиб, гапида ҳам, амалида ҳам Аллоҳнинг кузатувчилигини унутмайди. Омонатгўй, ваъдасига вафодор мусулмон бўлади. Юмшоқ, аммо юмшоқ бўлса-да, заиф эмас ҳамда бемаъно, ёлғон, хушомад ва риё гаплардан узоқ мусулмон бўлади. Олди-берди ишлари жиҳатидан олганда, ҳаётидаги барча савдо-сотик ишларига тааллуқли шаръий аҳкомларга қаттиқ амал қилиб, алдов, монополия ва судхўрлик... каби ишларга қўл урмайди.

Агар мусулмон ўзидан талаб қилинган ҳамма ишларга Аллоҳга бўлган имонидан келиб чиқиб амал қилса, демак, у ҳақиқатдан Аллоҳ ва Росулини сеувчи содиқ-ишончли мусулмон ҳисобланади ҳамда унга Аллоҳ Таолонинг

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Айтинг (эй Мухаммад) – агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашиңлар, шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади, Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир» [Олим Имрон 31]

деган каломи тўғри келади. Бироқ мусулмонлар Аллоҳга бўлган имонидан келиб чиқиб, ўзларидан талаб қилинган мазкур ишларга амал қилмасалар, Аллоҳ ва Росулига итоат қилишдан бутунлай ғафлатда бўлсалар, уларда тоатни ўзида жамлаган ушбу маъно топилмаса, бундай ҳолатда, мавлуди набийни нишонлашларининг қандай маъноси бор?!

Мавлуд хотираси мусулмоннинг давлат даражасидаги ҳаётида қуйидагича бўлади:

Аллоҳ Субҳанаҳу Ислом давлатини жуда-жуда кўп шаръий аҳкомлар ижроси чамбарчас боғлиқ бўлган шаръий аҳкомлардан бири қилди. Шариат Ислом давлатига у чекланадиган ваколатларни ва ижро этадиган вазифаларни берди. Ҳаёт низомлари билан боғлиқ бу ваколат ва вазифаларни биз Росулуллоҳ ﷺнинг сўзлари ва амалларидан тушуниб оламиз. Масалан, бошқарув низоми, иқтисод низоми, ижтимо низоми, таълим сиёсати, ташқи сиёсат каби. Зеро, ҳар қандай давлат барпо этилса, албатта шу соҳалар бўйича фаолият қилади.

а) Исломдаги бошқарув низоми ҳар қандай замон ва маконда собит ва боқийдир. «Унинг халифаси, муовинлари, волийлари ҳамда қозилар, шўро ва маъмурий жиҳоз мажлислари... бўлади». Бошқарув низомида хўжайинлик фақат шариатники бўлиб, дастур Ислом ақидасига асосланади, шаръий аҳкомлар соғлом ижтиҳод орқали истинбот қилинади.

б) Исломдаги иқтисод низоми мулкка эга бўлиш ва уни ўстиришнинг шаръий йўллари билан белгилаб берган ҳамда монополияни тақиқлаган шаръий аҳкомларга асосланади. Ушбу низом олтинни валютага асос қилади. Молни тарқатишга, бир гуруҳ кишилар қўлида тўпланиб қолмаслигига тарғиб қилади. Ушбу низомнинг ширкатлар таъсис этиш, сотиш, сотиб олиш, кафолат ва гаров каби ишларда алоҳида ўз тизими бор. Унинг мулкчилиги шахс мулки, давлат мулки, омма мулкидан иборат бўлиб, ушбу мулклардан ҳар бирининг махсус шаръий аҳкомлари мавжуд.

в) Исломдаги ижтимо низоми эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни шундай бир махсус шаръий тартиб-интизомга солганки, эркак ҳам аёл киши ҳам хилватда қолиш, бир-бирларига аралашиб юриш... каби ҳаром амалларга қўл уришдан тақиқланган. Ижтимо низомини иккаласи ўртасидаги ҳаётни ўзаро ҳурмат-иззатга, покликка, насл-насаб тозалигига асослади. Эр ва хотинга оила ҳаётида алоҳида роллар белгилаб берди, ҳар иккисига ўрталаридаги айни муносабатга тааллуқли никоҳ, талоқ, кафолат, эмизиш ва бошқа ишларга риоя қилишларига буюрди.

г) Таълим тизимига келсак, Ислом исломий шахсияга эга авлодларни етиштиришни қаттиқ талаб қилади. Токи, бу авлод

башариятга фойдали кашфиётлар яратиш поғонасига кўтарилсин. Натижада якка мусулмон шахс кўрсатадиган хизматларда, унинг ҳаётини қулайлаштириш ва фаровонликни таъминлашда башарият айна ихтиролардан фойдалансин. Шунингдек, Исломий давлат кўрсатадиган хизматларда ҳамда илм-фан қудрати ва кашфиётлар ёрдамида Ислом даъватини бутун оламга етказиш ишида фойдаланилсин.

д) Ислом давлатининг ташқи сиёсатига келсак, бу сиёсатнинг бошқа давлатлар сиёсати олдидаги диққатни жалб қилувчи асосий жиҳати, давлатнинг ўз рисоласига эга Ислом давлати эканлигидир. Ҳамда улар билан бўлган алоқасини Аллоҳга даъват қилиш ва Исломни ёйишга асослашдир.

Ушбу маънолардан қанча-қанчаси мусулмонларнинг нафақат ҳаётларидан ғойиб бўлди, ҳатто зехнларидан ҳам ўчиб кетди. Шу боис, сиз уларни мавлудни турли маросимлари билан адо этишаётганига, маросимларда Росулulloҳга ниҳоят даражада муҳаббат қўйганликларини ифодалашаётганига, бироқ бу муҳаббат Аллоҳ ва Росули яхши кўрадиган муҳаббат эмаслигига гувоҳ бўляпсиз. Чунки ким Аллоҳ ва Росулини яхши кўрса албатта унга итоат этмоғи шарт бўлади. Биз Росулulloҳ ﷺнинг асҳоби киромлар билан қилган муносабатига мурожаат қилсак, айна муносабатда ул зотдан ҳам пайғамбар, ҳам давлат раҳбари ва имоми, ҳам қўшин қўмондони сифати ҳеч қачон ажрамаганини кўраимиз. Демак, мусулмонлар агар Росулulloҳ ва асҳобларидек бўлишни истасалар, уларнинг наздидаги ушбу маъно-мазмунлар қалбларида ҳам, ҳаётларида ҳам албатта топилиши керак.

Ушбу маъно-мазмунлар мусулмонлар наздида ҳар доим, аммо Росулulloҳ ﷺнинг мавлудлари хотирасида ҳар доимгидан ҳам кўпроқ мавжуд бўлсин. Акс ҳолда, биз Аллоҳ Азза ва Жалла билан унинг Росули ﷺни рози қилишга ҳаракат қилаётиб, уларни ғазаблантириб қўйишимиз мумкин. Ушбу мавзуимиз, асосан, биз Аллоҳ ва Росулини шариатдан узоқ ҳолда ўзимиз рози бўлгандек эмас, балки Аллоҳ ва Росули рози бўладиган тарзда яхши кўришимиз кераклиги ҳақидадир. Аллоҳ мақсадимизга муваффақ қилсин. □

ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ «ҚАНДАЙ БЎЛСАНГИЗ РАҲБАРЛАРИНГИЗ ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛАДИ»МИ?!

Абу Низор Шомий

Ҳукмдорлар бузилишига Уммат жавобгар, деган тушунча тоғутлар томонидан тайинланган «салла-чопонлилар» одамлар зехнига сингдиришга ҳаракат қилаётган чалғитувчи тушунчалардан биридир. Уларга кўра, ҳукмдор адолатсизлик ва зулм қилса, қўлимизни мазлумга ўқталиб, қамчини унинг орқасига урамиз экан-да! чалғитувчи фикр тоғутни нафақат айбдорлик қафасидан чиқариб, ўрнига Умматни тикиб қўйди, балки уни эртанги кундаги жавобгарликдан ҳам ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, зулмининг тўхтовсиз ҳамма ёққа ёйилишига қўйиб берапти. Ушбу чалғитувчи фикр золимлар зулмига барҳам беришнинг бирдан-бир ечими ўрнида ташланмоқда. У ҳам бўлса, Аллоҳ билан алоқамизни кучайтириб, кутиб ўтираверишимиздир... Бу эса, агар ҳукмдорлар ўз залолатларида давом этса ёки янада кўпроқ муккасидан кетса, якка тартибдаги ибодатимиз етарли бўлмаётганига, ёмон ниятларимиз ўзгармаганига, анави золимларнинг ўз тахтларида қолгани буни тасдиқлаб турганига далолат қилади!! Демак, уларга кўра, Уммат яхши бўлса, ҳукмдорлар ҳам яхши бўлади, ҳукмдорларнинг зулм қилишларига фуқаронинг зулми сабаб бўлади!!

Шундай қилиб, оддий йўл тугилади: ҳукмдорни ўзгартириш сари ташланган оёқлар ҳам, уни айбдор, дея ишора қилган бармоқлар ҳам кесиб ташланади-да, мазлумларга қарши ўқлар ёғдирилади... тамом!

Хўш, ҳақиқатдан ҳам «сиз қандай бўлсангиз раҳбарларингиз ҳам шундай бўлади» деган аҳволдаимизми?!

Агар шу тўғри бўлса, у ҳолда, нега анбиёлар Фиръавн, Намруд ва Абу Жаҳлларга қарши чиқдилар?!

Нима учун Абдуллоҳ ибн Зубайр Язидга қарши чиққан пайтда ҳижозлик мусулмонларни Аллоҳ билан боғланганликда айбламади?!

Нима учун Ҳусайн Макка ва Кўфа аҳлига «сиз қандай бўлсангиз раҳбарларингиз ҳам шундай бўлади» демади, балки уларнинг ҳукмдорларига қарши чиқди, ҳолбуки, қарши чиқиш ўрнига шундай деса бўларди-ку?!

Ҳақиқат шуки, агар Росулulloҳ ﷺнинг суннатларини оёқ ости қилаётган, оёқ ости қилибгина қолмай, балки очикдан-очик ёлғонга чиқараётган анави қора ниятли кимсалар бўлмаганида эди, бу заиф ҳадис ҳам одамлар орасида бунчалик даражада машҳур бўлмаган бўлар эди.

Бу ҳадисни бир неча аҳли илм заиф деган. Жумладан, ўтмишдаги олимлардан ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний роҳимахуллоҳ, янги олимлардан шайх Албоний роҳимахуллоҳ. Албоний бу ҳадисни 1\490даги заиф ҳадислар тўпламига қўшди ва заиф, дея ҳукм чиқарди. Кейин «Бу ҳадисни воқе ёлғонга чиқаряпти. Чунки ёвуз ҳукмдорлар ортидан яхши ҳукмдорлар келганини, халқ эса, ўша-ўшалигини тарих айтиб турибди», деди. Ҳатто Шавконий ҳам «Унинг санадида тўқиб чиқарувчи шахс ҳам бор, узилиб қолиш ҳам бор», деган.

Маъно жиҳатидан олганда ҳам, ҳадисдаги тушунча Қуръони Каримнинг очик оятларига, саҳиҳ суннатга, Умматнинг салафу кейинги фарзандларининг собит йўлларига хилофдир. Булардан ташқари, гувоҳ бўлинаётган воқеликка ҳам, тарихга ҳам тўғри келмайди. Чунки тарихдан шу нарса маълумки, бузилиш аввало бошга зарба беради, кейин аъзоларга тарқалади ва бирма-бир уларни ишдан чиқаради. Шунинг учун бошни муолажа қилмасдан туриб, аъзоларни муолажа қилиш билан шифо топиб бўлмайди.

Қуръон далиллари:

Қуръон бизнинг айтганларимизни Аллоҳ Таолонинг қуйидаги оятлари орқали очик ёритиб берган:

﴿وَأَضَلَّ فِرْعَوْنَ قَوْمَهُ وَمَا هَدَىٰ﴾

«Фиръавн ўз қавмини залолатга бошлади, ҳидоятга етакламади» [Тоҳа 79]

﴿وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبْرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلًا ۗ رَبَّنَا إِنَّا أَتَيْنَاكَ بِخَيْرٍ وَرَبَّنَا كَفَرْنَا﴾

﴿الْعَذَابِ وَالْعَنَابِ لَعْنًا كَبِيرًا﴾

«Улар – Роббимиз, дарҳақиқат бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйсундик, бас улар бизларни (тўғри) йўлдан оздирдилар. Роббимиз, Сен уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин», дедилар» [Аҳзоб 67-68]

﴿يَقْدُمُ قَوْمَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَأَوْرَدَهُمُ النَّارَ وَبِئْسَ الْوَرْدَ الْمَوْزُودُ﴾

«У (Фиръавн) қиёмат кунда ўз қавмини бошлаб бориб дўзахга туширур, (зеро, дўзах) энг ёмон тушиладиган жойдир!» [Худ 98]

Шунинг учун биз Қуръони Каримнинг асосий диққат-этиборни анбиёларнинг ёвуз подшоҳлар ва уларнинг гумашталарига қарши курашларини тасвирлаганига гувоҳ бўламиз. Масалан, саййидимиз Мусо ﷺ ёлғиз ўзи Фиръавн ва унинг сеҳргарларини курашга чақирди, Иброҳим ﷺ Намруд ва гумашталари билан мужодала қилди, Каҳф йигитлари подшоҳ Дақёнус ва унинг кўшинини курашга чақирди..., аммо бу зотларнинг бирортаси ҳам – биз осий бўлганимиз сабабли устимизга мана шундай золим подшоҳлар балоси келди, энди, улардан қутулишимизнинг бирдан-бир йўли, уйимизга биқиниб олиб, шахс сифатида Аллоҳга ибодат қилишдан иборат, деганлари йўқ!! Табиийки, бугун мана шундай таклифни олға сураётганлар ибодат қилиш, деганда уйлар ва масжидларда шахс сифатида ибодат қилишни назарда тутишди, бирортаси ҳам Аллоҳнинг бу ёмонлик ҳукмдорларидан ҳисоб талаб қилишни фарз қилувчи буйруқларини ёки Аллоҳнинг шариатини ҳукмрон қилиш ибодатини назарда тутгани йўқ. Гўё бу ишлар ҳукмдорлар зулмига қарши курашишда талаб қилинган ибодатдан мустаснодай.

Суннатдан далиллар:

Суннатга келсак, Пайғамбаримиз ﷺ сийратлари зулм ва золимларга қарши чиқишга буюрувчи улуғвор позициялар билан тўлган. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

﴿إِذَا رَأَيْتَ أُمَّتِي تَهَابُ، فَلَا تَقُولِ لِلظَّالِمِ يَا ظَالِمُ، فَقَدْ تُودِعَ مِنْهُمْ﴾

«Агар Умматимни золимга – сен золимсан, дейишдан кўрқаётганини кўрсангиз, бас, ундайлар тарк қилинибди (яъни, бор ёки йўқлигининг фарқи бўлмаганлари учун Аллоҳ уларни тарк қилади)». (Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган). Шунингдек, саҳиҳ ҳадисларда ҳукмдорнинг зулми диндаги бошқа вазифаларга ҳам таъсир қилиб, уларни бузиши, мустаҳкам тугунни ечиб юбориши таъкидланган. Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«لَتَنْقُضَنَّ عُرَى الْإِسْلَامِ عُرْوَةَ عُرْوَةَ فَكَلَّمَا انْتَقَضَتْ عُرْوَةُ تَشَبَّثَ النَّاسُ بِالْيَتِي تَلْبِيهَا، وَأَوْهَنَّ نَقْضًا الْحُكْمُ وَأَخْرَجْنَهُ الصَّلَاةَ»

«Исломнинг арқонлари бирма-бир узилиб бораверади. Қачон бир арқон узилса, одамлар ундан кейинги арқонга ёпишиб олишади. Биринчи узиладиган арқон ҳукм бўлса, охиргиси намоздир». (Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида, Табароний «Мўъжами Кабир»да, Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ишлаб чиққан).

Росулуллоҳ ﷺ подшоҳларга юборган мактубларида «... Исломга кир саломат бўласан, аммо бош тортсанг, сенга арислар гуноҳи етур...» ёки Қибтлар гуноҳи ёхуд ўша подшоҳлар ҳукми остидаги қавмнинг гуноҳи етади, каби сўзларни кўп бор ишлатганлар. Бундан аён бўладики, шубҳасиз, подшоҳнинг Исломга кириши унинг қавмининг ҳам Исломни қабул қилишларига сабаб бўлади ва бу билан уларнинг икки савобни, ўзининг ҳам, унга эргашиб мусулмон бўлган қавмининг ҳам савобини олади.

Воқеда шоҳиди бўлинаётган ва ҳеч қандай далил талаб қилмаётган воқелик шуки, қачон ҳукмдор бузук бўлса, фақиҳ инсонлар ҳам, тақволи инсонлар ҳам унинг саройига яқинлашмайдилар. Балки у золим, енгилтак, дунёпараст кимсаларни ўзига вазир ва маслаҳатчи қилиб олади. Унинг ахборот хизмати эса, табиийки, халқ орасидаги даъватчи, мужоҳид ва аҳли Қуръонларни ёритмайди. Тарқатган хабарлари ўлган ва тирик уятсиз-ахлоқсиз кимсалар ҳақида бўлади, холос! Улар бутун халқни рақсга тушувчи бузук халқ қилиб кўрсатади, улар орасидаги солиҳу фозилларни ёритмайди.

Мисол учун, Мисрни олайлик. У аввалда насроний юрт эди, Амр ибн Ос томонидан фатҳ этилгач, Исломнинг энг маданиятли давлатларидан бирига айланди. Ҳокимиятни илмонийлар эгаллашгач эса, миллионлаб мусулмон борлигига қарамай, юрт илмоний юртга айланди, қолди! Туркиядаги ҳолат ҳам худди шундай. Византияликлар даврида насронийлар юрти бўлган, сўнг улардан Усмонийларга кўчиб, Халифалик давлати пойтахтига айланган бу юрт, Отатурк ва унинг тобелари қўли билан ағдалирилиши ортидан бугун илмонийларнинг рамзий давлатига айланди!!!

Рошид халифалар замонидан далиллар!

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Росулulloҳ ﷺнинг буюк шогирдлари бу ишни жуда яхши тушундилар ҳамда уни ўзларининг гўзал мавъиза ва дарсларида қайд этдилар.

Абу Бакр Сиддик رضي الله عنه:

Бу ҳақда имом Бухорий Аҳмасия аёл қиссасини ривоят қилади. Бу аёл Абу Бакр رضي الله عنهга йўлиқиб, «Аллоҳ жоҳилиятдан сўнг олиб келган бу ишда биз қандай қолишимиз керак?, деб сўради. Шунда у имомларингиз тўғри бўлганлари қадар қоласизлар, деб жавоб берди». Абу Бакрнинг ушбу сўзларига Ибн Ҳажар бундай шарҳ беради: Унинг «имомларингиз», дейишидан мурод, одамлар подшоҳлари динида қоладилар, шу боис имомлардан кимда-ким йўлдан озса, ўзи ҳам ҳалок бўлади, бошқаларни ҳам ҳалок қилади.

Умар Форук ибн Хаттоб رضي الله عنه:

Умар رضي الله عنه ушбу маънога кўплаб нусуслар орқали изоҳ берган. Биз улардан энг муҳимларини келтирамиз:

Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه «Юрт обод бўла туриб, вайрон бўлиши мумкин», деди. Обод юрт қандай вайрон бўлиши мумкин? деб сўрашди. Шунда «Қачон юртдаги покиза зотлар устидан бузук кимсалар зўрлик қилса ва қабилага мунофиқлар ҳукмрон бўлиб олса шундай бўлади», дедилар.

Яна ҳазрат Умар бундай деганлар: «Инсонлар имом-раҳбарлари тўғри бўлсалар, инсонлар ҳам албатта тўғри бўлишда давом этадилар».

Али رضي الله عنه:

Ибн Касир роҳимахуллоҳ «Бидоя ва ниҳоя»да мўминлар амири Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه ҳақида ривоят қилади. Ривоятда келишича, Саъд ибн Абу Ваққос رضي الله عنه форслардан қўлга киритган беҳисоб ўлжаларни юборади: «Умар ўлжага қараб, қавм буни омонатгўйларга топширди, деди. Шунда Али ибн Абу Толиб رضي الله عنه «Сиз гуноҳдан сақлангандингиз, фуқароингиз ҳам сақланди, агар бунга эътиборсиз бўлганингизда эди, фуқароингиз ҳам эътиборсиз бўлур эди, деди».

Умнатнинг муборак салафларидан ўтмишдаги рошид халифалар мана шундай бўлганлар. Зотан, бизга Росулulloҳ ﷺ ўз суннатларига ва уларнинг ҳам суннатига эргашишга, буни оғиз тишларимиз билан маҳкам тутишимизга буюрдилар. Аммо бугунги кунда шу йўлга эргашганларини иддао қилаётганларга

нима бўлди, йўлни ўзгартириб, алмаштириб, ундан озишдику?!!!

Энди, рошидлардан кейинги зотларга келсак, улар ҳам барча нарсада салафлар йўлига зид йўл тутмадилар:

«Бидоя ва ниҳоя»да ҳофиз Ибн Касир ҳоким яхшилик аҳлидан бўлса, халқ ҳам яхшиликдан таъсирлангани, ёмон аҳлидан бўлса, шу ёмонликларидан таъсир олгани ҳақида ёзади. Бану Умайя қавми ҳукмдорлари ҳақида бундай ҳикоя қилади: «Валиднинг ташвиши қурилиш бўлган, шу боис одамлар бир-бирлари билан учрашса, қандай уй солдингиз, қанча ерларни обод қилдингиз?, дея сўрашарди. Унинг акаси Сулаймоннинг ташвиши аёллар бўлган, шунинг учун одамлар бир-бирига йўлиқишса, неча марта уйландингиз, неча хотинингиз бор? каби гапларни гапиришган. Умар ибн Абдулазизнинг ташвиши эса, Қуръон, намоз ва ибодатлар бўлган. Шунинг учун ҳам одамлар бир-бирларига йўлиқсалар, Қуръонни қанча қайтардингиз?, бир кунда қанча ўқияпсиз?, кеча қанча намоз ўқидингиз? каби саволлар беришди». Ҳа, халқ ҳукмдори ташвишига қараб ўзгаради!! Юқорида айтилганлардан аён бўлдики, бошқарувчининг бошқарилувчиларга албатта таъсири бўлади. Давлат ўзининг тушунчаси ва низомлари билан ҳаётнинг ҳар бир соҳасига ҳукмрон бўлиб, одамларни ўзининг қолипига қолиплайди, қолипига тушмаса, бунга мажбур қилади.

Хуллас, Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳнинг ўз салафларидан миясига қуйиб олган ва ўзининг фатволари тўпламида қайд этган ушбу сўзларини келтирамиз: «Маълумдирки, қачон жонлар ва моллар устида ҳукм юритувчи иш эгалари тўғри бўлса, одамлар оммаси ҳам тўғри бўлажак».

Юқорида баён қилганларимиздан масала ойдинлашди ва миллат-халқларни бузган уларнинг ҳукмдорлари, хўжайинлари бўлгани, уларнинг тўғриланиши манбаи ҳам мана шу ҳукмдорлари экани маълум бўлди. Баъзи имом-хатиблар, даъватчилар, ислоҳотчиларнинг жавобгарликни одамларнинг ўзига юклаб, бадбахтликларига ва зулм остида қолишларига, динларидан узоқлашиб кетишларига ўзлари сабабчи, дейишаётгани эса, одамларга нисбатан адолатсизлик ва улкан жиноятдир, бу гап ҳукмдорлар фойдасигагина хизмат қилади. Зеро, бу ҳукмдорларга бир оғиз сўз билан насиҳат қиладиган ёки йўл кўрсатадиган кишилар йўқ, бўлса ҳам битта-яримта

топилади, холос. Бу масалани мўминлар амири Усмон ибн Аффон رضي الله عنهнинг «Аллоҳ Қуръон билан тўғриланмаган одамларни султон билан тўғрилайди», деган сўзлари кескин ҳал этса, ажаб эмас. Шунингдек, бу Пайғамбаримизнинг йўллари билан Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи ўртасига ҳам албатта мувофиқ келади:

﴿وَكَذَلِكَ نُولَىٰ بَعْضَ الظَّالِمِينَ بَعْضًا بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ﴾

«Шунингдек, қилиб юрган гуноҳлари сабабли золим кимсаларни бир-бирларига дўст қилиб қўюрмиз» [Анъом 129]

Бу ерда Аллоҳ Субҳанаху воқеликни аниқ белгилаб қўйди: золимларнинг миллати битта, золимга фақат золим дўст бўлади, ахир, мазлумда нима айб, у шундоқ ҳам золим ва унинг гумашталари оловида жизғинак бўлаётган бўлса?! Биз мазлумни балоғардон қиламизми ёхуд унга зулмдан қутулишига ва унинг ҳаққини еб ётган, Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилмаётган тоғутларни ўзгартиришига ёрдам берамизми?! Ахир, Росулulloҳ ﷺ бизга шундай йўл кўрсатиб, Умматнинг улуғ зотлари ва эр кишилари шу йўлдан юрганлар-ку!!

Ҳа, Ислом Умматининг жамиятни ўзгартириш йўлига тоғутлар томонидан отилаётган ва уламолари томонидан мустаҳкамланаётган бу каби тўсиқ ва шубҳалар нақадар кўпдир!!

Аллоҳим, фақат Ўзингга суянамиз, ёлғиз Ўзинг бизга ёрдамчисан. Аллоҳим, марҳаматинг, илтифотинг ила, Умматимиз йўлидаги ҳар қандай тўсиқ бўлмасин, уни Ўзинг олиб ташловчисан, халқимиз ақлларида ҳар қандай шубҳа бўлса, Ўзинг уни аритгувчисан, эй Ҳаннон, эй Маннон, дуоларимизни қабул айла. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Мағомисий ёмонликда бошқа сарой уламоларидан қолишмайди		
<p>Саудия ҳукумати қарорларини ҳимоя қилишга даъват қилувчиларнинг энг машҳурларидан бири бўлган Мағомисий Арабийя каналига берган интервьюси чоғида – консуллик мулозимлари билан Хошақжийни мамлакатга қайтариш учун борган разведка вакилларининг қилмиши қонунбузарлик ва ўз ваколатларидан четга чиқиш ҳисобланади, деди. Бу билан у Саудиянинг – Хошақжий ўлими 15 шахсдан тузилган гуруҳнинг қонунбузарлигидир, деган расмий баёотини таъкидламоқчи бўлди. Мағомисий яна – Консулликдаги бу ҳодиса муртадларга қарши ғазотда саҳоба Холид ибн Ваклиднинг Молик ибн Нувайрани ўлдириши ҳодисасига ўхшайди. Ўшанда Холид ибн Валид Абу Бакр Сиддиқ <small>رضي الله عنه</small>дан ўлдириш учун ваколат олмаганига қарамай Нувайрани ўлдиргани, дея қўшимча қилди. Бундан ташқари, Мағомисий Холид ибн Ваклиднинг яна бошқа кишиларни ҳам ўлдириб юборгани, уларнинг Исломга кирганликлари кейинчалик маълум бўлгани, Росулulloҳ <small>ﷺ</small> «Аллоҳим, мен Холиднинг бу қилмишига менинг дахлим йўқлигини Ўзингга изҳор қиламан», деганлари тўғрисида ҳам гапирди. Натижада одамлар Мағомисийни Росулulloҳ <small>ﷺ</small> ва асҳобларини таҳқирлаганликда айблашди. Унинг саҳобий Холид ибн Валидни журналист Хошақжийнинг қотилларига тенг қилгани жамоатчиликни қаттиқ ғазабини кўзғади. Одамлардан ундан ҳукмдорларга лаганбардорлик қилмоқчи бўлсанг, буни Набий <small>ﷺ</small> ва саҳобаларига тил текизмасдан қилавер, бизга сохтакорлигинг ўтмайди, чунки Хошақжийни ўлдириш учун чиққан гуруҳ, бир мусулмонни ўлдириш буйруғи билан чиққан ҳамда унга наркотик укол қилиб, арра билан бўлиб ташлашган, деган гаплар эшитилди.</p> <p>Ал-Ваъй: Бу каби «уламо»ларга салафи солиҳ уламоларидан бўлган Сулаймон ибн Маҳрон роҳимаҳуллоҳнинг айтган гапи тўғри келади. У киши бундай деган эди: «Амирларнинг ёмони уламолардан узоқ бўлгани, уламоларнинг ёмони эса, амирларга яқин бўлгандир».</p>		
Исроил яна Ливанни бомбардимон қилиш билан таҳдид қияпти		
<p>«Исроил» Франция президенти Эммануэль Макроннинг маслаҳатчиси Орельен Ле Шевалье орқали Ливанга навбатдаги таҳдидли мактубларини йўллади. Ливан ҳукумати президенти</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>вазифасини бажарувчи Саъд Ҳаририйга етказилган ушбу мактубни «Исроил» миллий хавфсизлик маслаҳатчисининг ўринбосари Эйтан бин Давид Орельен Ле Шевальега берган. Мактубда ««Исроил» сабр қилади, аммо «Ҳизбуллоҳ»нинг Ливаннинг турли районларида қурол корхоналари қуришда давом этишига асло йўл қўймади», дейилган. «Исроил»нинг ўнинчи канали тарқатган хабарга кўра, «исроиллик» мансабдор шахслар томонидан Ливан ҳукуматига – агар бунга чора кўрмасанглар, «Исроил» айти корхоналарга қарши амалиёт бошлайди, деган мазмундаги мактубни тақдим этган. «Исроил» армияси ўтган сентябр ойида берган маълумотига кўра, у нишонга аниқ зарба берадиган ракеталарни ривожлантиришга қаратилган «Ҳизбуллоҳ»нинг ҳаракатларини ўзининг ўтказган махфий амалиёти орқали барбод қилишга муваффақ бўлган. Бу хабар «Исроил» бош вазири Биньямин Нетаньяхунинг БМТ Бош Ассамблеясида қилган нутқи билан бир вақтда тарқалди. Ўшанда Нетаньяху «Ҳизбуллоҳ»нинг Байрут аэропорти яқинида ракета ишлаб чиқариш учун корхоналар қураётгани иттифоқчи қилинган лойиҳа ва чизмаларни тақдим этган эди. «Исроил»нинг бу ҳаракати ўша пайтда Ливанга қарши келажакда уруш бошлаш ва бу урушда Ливан шаҳарлари ва биноларини нишонга олиш учун халқаро қонунийликни таъминлаб олишга ҳаракат қиляпти, дея изоҳланган эди.</p>		
<p>Трамп: Саудияликлар Исроил хусусида бизга кўп ёрдам беришди</p>		
<p>Журналист Хошақжийнинг ўлдирилиши сабабли Саудияга етиши мумкин бўлган салбий оқибатларга АҚШ президенти 2018 йил 23 октябрда бундай изоҳ берди: «Бир вақтнинг ўзида, улар бизга жуда яхши иттифоқчи бўлишди ва Исроил хусусида кўп ёрдам бериб, кўп нарсани молиялашди». Трамп бу ёрдамлар қандай эканини очиқламади, шунингдек, мавзу тўғрисида ҳеч қандай тафсилот бермади. Айти баёнот Трамپнинг «Исроил» манфаатларини ҳимоя қилишда Саудия муҳим роль ўйнаётгани ҳақидаги илк расмий эътирофи ҳисобланади. Маълумки, АҚШ «Исроил»ни ўзининг Ўрта Шарқдаги асосий иттифоқчиси, деб билади. Трамп маъмурияти «Исроил»ни қўллаб-қувватлаб келган АҚШ маъмуриятлари ичида энг фаоли ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу бир неча сезиларли қадамларда намоён бўлган. Уларнинг асосийларига Тель-Авивдаги АҚШ элчихонасининг Қуддусга кўчирилиши, Хавфсизлик Кенгаши ва БМТ томонидан «Исроил»</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>манфаатларининг ҳимоя қилиб келиниши, Нетаньяху ҳукумати қабул қилган миллатчилик руҳидаги қонуннинг АҚШ томонидан қўллаб-қувватланиши, Фаластинга UNRWA (фаластинлик қочқинларга ёрдам бериш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича БМТ агентлиги) томонидан молиявий ёрдам берилишини тўхтатиб қўйиш кабилар киради.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Саудиянинг «Исроил» билан яқин муносабатда бўлаётгани мамлакатдаги мусулмонлар истагини эмас, балки у ердаги Саудлар оиласи сиёсатини гавдалантиради. Бу шубҳа остидаги оиланинг асл башарасини фош этиш вақти аллақачон келди. Бу эса, у ердаги мусулмонлар томонидан, хусусан уламолар томонидан нафақат Салмон ва унинг ўғли, балки бутун бир оила обдан тадқиқ этилиши талаб қилинади.</p>		
<p>Салмон ва унинг ўғли даврида Саудия «Исроил» билан очиқ-ошкор дипломатик муносабатлар ўрнатишга замин тайёрламоқда</p>		
<p>Гарчи Саудия-«Исроил» ўртасидаги очиқ муносабатлар авваллари кўринмаган бўлса-да, бироқ бир неча ҳисоботлар ўтган вақтлар мобайнида бу икки давлат ўртасида – айниқса, уларнинг Эронга қаршиликлари манзарасида – сезиларли даражада яқинлашиш бўлганини кўрсатмоқда. Бунга мисоллар талайгина, жумладан:</p>		
<ul style="list-style-type: none"> • Нетаньяху очиқ-ойдин Саудияга ишора қилиб, Ўрта Шарқда Эронга қарши халқаро коалиция тузиш ва унга минтақадаги мўътадил давлатлар аъзо бўлишига бир неча бор даъват қилди. • Саудия валиаҳди амир Муҳаммад ибн Салмон жорий йилнинг апрел ойи бошларида ўз мамлакати билан «Исроил» Эрон мисолидаги муштарак душманга дуч келаётганини таъкидлади. Маълумки, Саудия Эронни Ямандаги Хусийлар кучларини қўллаб-қувватлашда, шу жумладан, Саудия ерларига ракета ҳужумлари уюштирганликда айблаб келади. Шу билан бирга, «исроиллик»лар ўзларига тегишли бўлган ерларда яшаш ҳуқуқига эгадирлар, деган ҳам Саудиядир. 		
<p>«Air India» авиокомпанияси Саудия осмони орқали «Исроил»га маданий савдо қатновларини 2018 йил 23 мартдан бошлади. Бу мамлакат томонидан берилган ўхшаши йўқ руҳсат бўлди. Чунки у ўз ҳаво бўшлиги орқали «Исроил» учоқларининг қатновига шу пайтгача тақиқ қўйиб келган эди. Нетаньяху буни узоқ вақт парда ортидан қилиб келинган ҳаракатнинг ҳосили бўлган тарихий</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
воқеа, дея баҳолади. Бу саудиялик раҳбарлар мамлакат ичкариси ва ташқарисида яҳудийларнинг диний ташкилотлари билан кенг доирада учрашувлар олиб бораётган бир пайтда амалга ошди.		
Макрон Европанинг ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига қайтаётганидан огоҳлантирмоқда		
<p>Франция президенти Эммануэль Макрон Европадаги бугунги вазият билан ўттизинчи йиллардаги вазият ўртасида кучли ўхшашлик кўраётганидан ҳайрат изҳор қилди ҳамда бунга «чуқурроқ назар ташлаш»га, бунга «қарши курашиш»га чақирди. Чоршанба куни «Franc West»га берган интервьюсида «Мен биз яшаб турган давр билан икки Жаҳон уруши ўртасидаги даврнинг бир-бирига жуда ўхшаб қолганидан жуда ҳайратдаман», деди. Шунингдек, «Европа кўркувлардан, миллий изоляциядан, иқтисодий кризис оқибатларидан бўлиниб кетяпти. Биз Европанинг биринчи Жаҳон уруши билан 1929 йилдаги кризисдан кейин бутун ҳаёти деярли систематик равишда парчаланаётганига гувоҳ бўляпмиз», дея таъкидлади. Кейин «Бу кўз олдимизда гавдаланмоғи даркор, масалага чуқурроқ назар ташлайлик, Республикачилар билан Демократлар кучини мустаҳкамлаш орқали унга қарши қандай курашиш кераклигини билайлик», дея кўшимча қилди. Макрон яна бундай деди: «Ҳозирда Европа хавф остида қолди. Бу хавф миллатчилик офати сабабли бўлиниб кетиш, хорижий кучларнинг тартибсизликлар келтириб чиқариши, бинобарин, ўз суверенлигини йўқотиши хавфидир. Яъни, бу хавф юртимиз хавфсизлигининг АҚШ вариантлари ва альтернативларига боғлиқ бўлиб қолиши, Хитойнинг асосий инфратузилмамизга улкан миқёсда эга чиқиши мумкинлиги, баъзан Россиянинг ишларимизга аралашшига мойил бўлиши, баъзан молиявий манфаатлар билан йирик бозорлар манфаатининг давлатлар даражасида кўтарилиши кабилардан иборат».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу капитализмнинг капиталистларга ҳужум қилиши касаллигидир. Капиталистлар дунё халқлари устидан зўрлик қилиб, бойликларини талашларига қарамай, бугун бир-бирларидан кўркиб қолишди... «Тўнғиз оч қолса, ўз болаларини ейди», деганлари шу бўлса керак. Макроннинг бу баёноти бузук капитализм цивилизациясининг емирилиб, бутунлай тугаб битиши яқинлашганидан дарак бермоқда. □</p>		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الْمَلَإِ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَىٰ إِذْ قَالُوا لِنَبِيِّهِمْ أَتَبَعْنَا لَنَا مَلِكًا نُقَاتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ۗ قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ أَلَّا تُقَاتِلُوا ۗ قَالُوا وَمَا لَنَا أَلَّا نُقَاتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَدْ أُخْرِجْنَا مِنْ دِيَارِنَا وَأَبْنَائِنَا ۗ فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقِتَالُ

تَوَلَّوْا إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ ﴿٢٤٦﴾ وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ اللَّهَ قَدْ بَعَثَ لَكُمْ طَالُوتَ مَلِكًا قَالُوا أَنَّى يَكُونُ لَهُ الْمُلْكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمُلْكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتَ سَعَةً مِّنَ الْمَالِ ۗ قَالَ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالْجِسْمِ ۗ وَاللَّهُ يُؤْتِي مَلَكَهُ مَن يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٧﴾ وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ آيَةَ مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ آلُ مُوسَىٰ وَآلُ هَارُونَ تَحْمِلُهُ الْمَلَائِكَةُ ۗ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّكُم إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٤٨﴾

«246. Бану Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики, улар ўзларининг (Шамъун исмли) пайгамбарларига: «Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз (у билан бирга) Аллоҳ йўлида жанг қилайлик», дейишди. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмасиз?» — деди (пайгамбар). Улар айтдилар: «Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан (ажралиб) турибмиз-ку, нега Аллоҳ йўлида урушмас эканмиз?» Қачонки уларга уруш фарз қилинганда озгина кишидан ташқари ҳаммалари бош тортдилар. Аллоҳ зулм қилгувчиларни билгувчидир. 247. Пайгамбарлари уларга айтди: «Албатта

Аллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади». «У қайқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди. Пайгамбар айтди: «Албатта Аллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Аллоҳ мулкани Ўзи истаган кишига беради». Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир. 248. Пайгамбарлари уларга айтди: «Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати — сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фаришталар кўтариб турадилар. Агар чиндан имон эгалари бўлсангиз, шубҳасиз бу воқеада сизлар учун оят-аломат бордир» [Бақара 246-248]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштаннинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:

1 – Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлидаги жангга доир бошқа бир масални зарб қиляпти. Ўтган оятдаги зарб қилинган масал душманга рўбарў келишдан қўрқиб ватанларини ташлаб қочиб чиққан қавм хусусида эди. Улар ўзлари тинч деб ўйлаган жойга етиб борганларида рўбарўларидан ўша ўзлари қочиб бораётган ўлим чиқиб қолганди. У масалда Аллоҳнинг йўлидаги жангчи учун ибрат бор эди. Ундан ибратланган жангчи душман билан курашишдан қўрқмайди. Чунки у ўз ажали Аллоҳнинг қўлида эканини, ўзича яъни, қочиш ёки жангга чиқмаслик билан уни бир соатга бўлсин тезлаштира ёки кечиктира олмаслигини билади. Шунинг учун ҳам мўминнинг жангга отилиб кириши душманни кига нисбатан бир неча баробар шиддатлироқ бўлади.

﴿وَلَا تَهِنُوا فِي ابْتِغَاءِ الْقَوْمِ ۗ إِن تَكُونُوا تَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا تَأْلَمُونَ ۗ

وَتَرْجُونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ﴾

«Бу кофир қавми қувишда сусткашлик қилмангиз! Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар ҳам сизлар қийналганингиздек қийналмоқдалар. (Шу билан бирга) сизлар Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, галаба

қозонишни) **умид қилмоқдасизлар-ку?! Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир»** [Нисо 104]

Бу оятда Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва мўминларга Мусо ﷺнинг қавми ҳақидаги қиссани айтиб берапти. Уларга жанг қилиш буюрилганида, байроғи остига кириб жанг қилайлик десак, бир подшоҳимиз йўқ, деб баҳона қилишди ва пайғамбарларидан Аллоҳ бизга бир подшоҳ юборсин, у билан бирга жанг қилайлик, деган талабни қўйишди. Ўзларича улар гавдали, жанг илмидан хабардор, тажрибали бир қўмондон сўрашди. Шунда уларга пайғамбарлари худди улардан нимани кутиш мумкинлигини билгандек, Аллоҳ сизларга бир подшоҳ юборганидан кейин ҳам жанг қилмасанглар-чи (қилмасанглар керагов), деди. Лекин улар ўзларининг бўйсунилларини таъкидлаб-таъкидлаб айтдилар ва шундай қилишларига диёрлари босиб олинганини, ўзларининг қувғинга учраганларини, хотин бола-чақаларидан мосуво бўлганларини сабаб қилиб кўрсатдилар. Ҳақиқатда бу айтиб ўтилган гаплар Аллоҳ уларга бир подшоҳ юборса ва уларга уруш фарз қилинса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга жиддий қарашларини тақозо қиладиган омиллар эди. Лекин улар уруш фарз қилинганидан кейин олдинги сийратларига қайтдилар. Озчилик қисми айтилмаса, буйруққа бўйсунмадилар. Шу билан улар Аллоҳнинг буйруғига бўйсунмаганлари учун золимлар сафига қўшилдилар.

Бу оятда ундаги қавм олдинги

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ خَرَجُوا مِن دِيَارِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ الْمَوْتِ﴾

оятда айтиб ўтилган қавмнинг айнан ўзи эканлигига далолат қиладиган ҳеч қандай ишора йўқ. Гарчи ҳар икки қисса уруш ва урушдан қочмаслик мавзусида бўлса-да, улардаги қавмлар бошқа-бошқа қавмлардир.

Биринчи оят душман билан рўбарў келишдан қўрқиб қочган, мағлубиятга учраб, дунёсини бой берган, қочиб бораётиб ўша ўзлари қочиб бораётган ўлимнинг рўбарўсидан чиққан кимсалар хусусида эди. Унда ажал келса, уни тезлатиб ҳам, кечиктириб ҳам бўлмаслиги ҳақидаги ибрат бор. Бу нарса мўминни душманга қарши жангга шиддат билан отилиб кириб боришга ундайди.

Бу оят эса урушмаслик учун баҳоналар қидирадиган кимсалар хусусидадир. Улар ўлимдан қочмайдилар, лекин урушни кечиктириш учун баҳоналар қидирадилар.

2 – Бунга далил Аллоҳ Таолонинг кейинги оятидир. Унда Аллоҳ Таоло уларга Толутни подшоҳ қилиб юборганидан кейин, у бой эмас, подшоҳликка ундан кўра биз ҳақлироқмиз, дейишга ўтиб олганлари айтилади. Шунда уларга пайғамбарлари Толутни бу вазифага Аллоҳ Таолонинг Ўзи танлаб қўйгани ва унга шу ишнинг уддасидан чиқа олишига яраша қобилият – илмий ва жисмоний куч берганини хабар бердилар. Лекин улар бу гапдан қоникмадилар.

3 – Аксинча, улар юборилган кишининг ҳақиқий подшоҳ эканига белги-аломат талаб қилдилар. Шунда пайғамбарлари уларга, унинг белги-аломати шуки, Аллоҳ сизларга Мусо ва Ҳорун عليهما السلام ларнинг осорлари жойлашган ўша буюк тобутни қайтаради, уни Аллоҳнинг изни ила фаришталар олиб келадилар, деди.

Шундай қилиб, қилган талаблари қондирилиб, баҳоналарнинг ҳамма йўллари тўсилгач, пайғамбарларига қулоқ солиб, подшоҳлари билан бирга Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга отландилар.

(أَلَمْ تَرَ) бу жумланинг маъносини юқорида айтиб ўтдик.

(أَلْمَلَأَ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ) *Бану Исроилдан бўлган, бир жамоатнинг*). Обрўлилари, улуғлари. (مَلَأَ) сўзи жамоани, кўпликни англатади. Унинг бирлиги бўлмайди. Араб тилида бу сўз қавмнинг обрўлилари, улуғларига нисбатан ҳам қўлланган. Чунки оммадан фарқли ўларок, одатда уларнинг ҳайбати қалбларни тўлдиради.

(مِنْ بَعْدِ مُوسَى) яъни, Мусо عليه السلام вафот этганидан кейин.

(أَبَعَثْنَا لَنَا مَلِكًا نُنْقِطِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ) *Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз (у билан бирга) Аллоҳ йўлида жанг қилайлик*) Талабнинг жавоби. Уларнинг агар ўзларига подшоҳ юборилса урушни таъкидлашларига (аниқ урушамиз, деяётганларига) далолат қилиш учун жазм бўлиб келяпти.

﴿قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ أَلَّا تُقَاتِلُوا﴾

(Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмасиз? деди). Яъни, сизларга уруш фарз қилинганидан кейин эҳтимол урушмай қоларсизлар. Бу гапда пайғамбарлари улардан нимани кутиш мумкинлигини яъни, уларнинг барибир бўйсунмасликларини ва урушмасликларини олдиндан сезгани (сезгандек бўлгани) англашилади.

﴿أُخْرِجْنَا مِنْ دَيْرِنَا وَأَبْنَانَا﴾ **диёримиздан ҳайдалиб,**

болаларимиздан (ажралиб) турибмиз-ку). Яъни, диёримиздан ҳайдалдик, хотин бола-чақаларимиздан Мосуво бўлдик. Улар биз билан бирга чиқолмай қолишди.

﴿طَالُوت﴾ ажам номи, муъраб. Ажам бўлгани учун ғайри мунсариф.

﴿قَالُوا إِنِّي يَكُونُ لَهُ الْمَلِكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمَلِكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتِ سَعَةَ مَرٍ﴾

﴿الْمَالِ﴾

(У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди). Унинг подшоҳлигини тан олишмади. Бу ишларига унинг подшоҳлар хонадонидан эмаслигини, бой эмаслигини далил қилишди. Шунда Аллоҳ Таоло уларга энг балоғатли гап билан жавоб қилди:

Биринчидан, уни сизларга Аллоҳнинг Ўзи танлади;

Иккинчидан, Аллоҳ унинг илмини зиёда қилди, токи, у пухта сиёсат олиб борсин;

Учинчидан, Аллоҳ унинг жисмини зиёда қилди, токи, у душманга қарши шиддат билан жанг қилишга, ҳикмат ва куч билан саркардалик қилишга яроқли бўлсин.

Аввалда ҳам, охирида ҳам ҳамма иш Аллоҳнинг қўлидадир. У Зот Ўзи истаганча иш тутади. Подшоҳликни Ўзи хоҳлаган бандасига беради.

﴿إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالْجِسْمِ وَاللَّهُ يُؤْتِي مَلَكَهُ مَن

يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

(Албатта Аллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Аллоҳ мулкани Ўзи истаган кишига беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир).

Шу ўринда икки нарсани мулоҳаза қилиб ўтайлик:

а) Аллоҳ подшоҳлик учун керакли бўлган нарсалар орасида улар тилга олган бойликни қайд қилмади. Демак, бойлик бу борада иккинчи даражали нарсадир. Ҳокимиятни бошқариш учун бойлик бирламчи нарса эмас. Балки ишлашга қувват бўлиши учун бир егулик топилса, шунинг ўзи кифоя. Қобилиятли камбағал қобилиятсиз бойдан устундир.

б) Аллоҳ илмни жисмдан олдинга қўйяпти. Негаки, халқни зафар ва нажот сари бошлаб боришда илм жисмдан кўра кераклироқ омил.

﴿إِنَّ آيَةَ مَلِكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ

أَبُؤَسَىٰ وَأَبُ هَارُونَ تَحْمِلُهُ الْمَلَائِكَةُ﴾

(Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати — сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фаришталар кўтариб турадилар).

Аллоҳнинг Китобида ҳам, Пайғамбар ﷺнинг суннатларида ҳам бу тобут хусусида ҳеч нима дейилмаган. Оятнинг оқимидан ва луғатдан тушунилиши мумкин бўлган маъно шуки, (التَّابُوتُ)

сандиқ, деган маънони англатади. Бу сандиқ улар учун жуда улуғ нарса бўлган. Унинг мавжудлигининг ўзи дилларга хотиржамлик бахш этган. Уруш пайтида душманларидан қўрқмаганлар. Бу сандиқда Мусо ва Ҳорун ﷺлардан қолган осорлар сақланиб қолган.

Бу сандиқ йўқолиб қолганди. Аллоҳ унинг қайтарилишини Толутнинг Аллоҳ томонидан юборилган подшоҳлиги ҳақиқийлигига далил қилди.

Аллоҳнинг белгиси-аломати амалга ошди. Фаришталар тобутни олиб келишди. Шу билан улар Толутнинг ўзларига подшоҳ қилиб юборилганига имон келтиришиб, уни тасдиқлашиб, у билан бирга душман билан жанг қилишга жўнадилар.

Фаришталарнинг тобутни қандай, қай тарзда, қаердан олиб келганлари ҳақида оятлар ҳам ҳеч гап айтмаган, Пайғамбар ﷺ дан ҳам ҳеч қандай ҳадис ворид бўлмаган. Шунинг учун ҳужжатда нима дейилган бўлса, ўша билан чекланамиз-да, бундай ҳолатлар ҳақидаги санадсиз ривоятларга ўтмаймиз.

(التَّابُوتُ) сандик. Аслида бу сўз қайтиш маъносини англатади. Чунки сандикдан чиққан нарса яна унга қайтади. Унинг эгаси керак бўлган пайтда унга қўйган нарсасига қайтади, мурожаат қилади. (فعلوت) вазнидаги бу сўз аслида (توبوت) бўлиб, вов ҳаракатли, ўзидан олдинги ҳарф фатҳали бўлгани учун алифга қалб қилинган.

Тобут сўзи қурайшликлар тилида бор. Пайғамбар ﷺ нинг замонларида Қуръон мана шу тилда ёзилган. Ансорлар бу сўзни (تابوه), деб айтадилар. Зайд ибн Собит Усмон ибн Аффон رضي الله عنه дан уни ҳо билан ёзиш жоизми, деб сўраганида Усмон ибн Аффон رضي الله عنه, у қурайшликлар тилида қандай ёзилган бўлса, ўшандай қолсин, деб жавоб берган. Унинг вазни ансорлар луғатига кўра, (فاعول) бўлади. Замахшарий айтади: «(فاعولا) вазни жуда кам ишлатилади. Машҳур гап шуки, у қурайшликлар тилига кўра, (فعلوت) вазнида бўлган. Ўзаги (التوب) бўлиб, қайтиш маъносини англатади». □

ИНСОНЛАР ҲОЖАТИНИ ЧИҚАРИШ

– Саҳл ибн Саъд ривоят қилади: Росулуллоҳ ﷺ бундай дея марҳамат қилдилар:

«عِنْدَ اللَّهِ خَزَائِنُ الْخَيْرِ وَالشَّرِّ، مَفَاتِيحُهَا الرِّجَالُ، فَطُوبَى لِمَنْ جَعَلَهُ مِفْتَاحًا لِلْخَيْرِ، وَمَغْلَاقًا لِلشَّرِّ، وَوَيْلٌ لِمَنْ جَعَلَهُ مِفْتَاحًا لِلشَّرِّ، وَمَغْلَاقًا لِلْخَيْرِ»

«Аллоҳ даргоҳида яхшилик хазиналари ҳам, ёмонлик хазиналари ҳам бор. Бу хазиналар очқичлари кишилардир. Бас, яхшиликка очқич, ёмонликка ёпқич бўлган кишига Тубо жаннати бўлсин, яхшиликка ёпқич, ёмонликка очқич бўлган киши ҳолига вайл бўлсин». (Ибн Можа ва Табароний ишлаб чиққан).

– Ибн Умар ривоят қилади: Росулуллоҳ ﷺ бундай дея марҳамат қилдилар:

«إِنَّ لِلَّهِ أَقْوَامًا اخْتَصَمَهُمُ بِالنَّعَمِ لِمَنَافِعِ الْعِبَادِ، وَيَتْرُكُهَا فِيهِمْ مَا بَدَّلُوهَا، فَإِذَا مَنَعُوهَا نَزَعَهَا عَنْهُمْ وَحَوَّهَا إِلَى غَيْرِهِمْ»

«Аллоҳ Ўз бандаларга манфаат бўлсин учун маълум кишиларга бойликларни хослаб беради. Улар бу бойликларини бандаларга сарфласалар, Аллоҳ бойликларини аритмай-ушлаб туради. Аммо одамлардан қизғанишса, бойликларни улардан тортиб олади ва бошқа кишиларга ўтказиб беради». (Табароний ишлаб чиққан, Албоний ҳасан, деган).

– Анас رضي الله عنهдан Собит ривоят қилади: «Бир аёл ақлига бир нарсани тугиб, ё Росулуллоҳ, сизга озгина муҳтожлигим бор, деди. Шунда Росулуллоҳ, «эй фалончининг онаси, танланг, муҳтожлигингизни қайси йўлдан кондиришимни истайсиз», дедилар ва унга бир неча йўлларни кўрсатдилар, сўнг аёлнинг эҳтиёжини кондириб бердилар». (Имом Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ишлаб чиққан).

– Анас ибн Молик ривоят қилади: «Намозга такбир айтилар эди ҳамки, Набий ﷺ бир киши билан унинг хожати тўғрисида гаплашарди. Киши билан қибла ўртасида турардилар ва унинг хожати тўғрисида шу даражада узоқ суҳбатлашардиларки мен одамлар мудраб ухлаб қолишлари мумкин, деб ўйлаб қолдим». (Имом Аҳмад ва Термизий ишлаб чиққан).

Солим отасидан, отаси Росулulloҳ ﷺ дан бундай деганларини ривоят қилади:

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، لَا يَظْلِمُهُ، وَلَا يُسْلِمُهُ. مَنْ كَانَ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ كَانَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ فِي حَاجَتِهِ. وَمَنْ فَرَّجَ عَنْ مُسْلِمٍ كُرْبَةً فَرَّجَ اللَّهُ عَنْهُ عَزَّ وَجَلَّ عَنْهُ بِهَا كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ. وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди ва уни душманга топшириб қўймайди. Кимки биродарининг хожатини чиқариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг хожатини чиқариш йўлида бўлади. Ким бир мусулмоннинг ғам-ташвишини аритса, Аллоҳ Азза ва Жалла унинг қиёмат кунисидаги ғам-ташвишларидан бирини аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ қиёмат кунисида унинг айбини ёпади». (Муттафақун алайхи).

– Абдуллоҳ ибн Абу Авфо Асламий ривоят қилади: Бизнинг олдимизга Росулulloҳ ﷺ чиқиб, бундай марҳамат қилдилар:

«مَنْ كَانَتْ لَهُ حَاجَةٌ إِلَى اللَّهِ أَوْ إِلَى أَحَدٍ مِنْ خَلْقِهِ فَلْيَتَوَضَّأْ وَلْيَصَلِّ رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ لِيَقُلْ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْحَلِيمُ الْكَرِيمُ، سُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مُوجِبَاتِ رَحْمَتِكَ، وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ، وَالْغَيْبَةَ مِنْ كُلِّ بَرٍّ، وَالسَّلَامَةَ مِنْ كُلِّ إِثْمٍ، أَسْأَلُكَ أَلَّا تَدْعَ لِي ذَنْبًا إِلَّا عَفَرْتَهُ، وَلَا هَمًّا إِلَّا فَرَجْتَهُ، وَلَا حَاجَةَ هِيَ لَكَ رِضًا إِلَّا قَضَيْتَهَا لِي. ثُمَّ يَسْأَلُ اللَّهَ مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ مَا شَاءَ فَإِنَّهُ يُقَدِّرُ»

«Кимда-ким Аллоҳга ёки Аллоҳ яратган бандалардан бирортасига мухтож бўлиб қолса, таҳорат олиб, икки

ракат намоз ўқиб, сўнг бундай десин: Ҳалим ва Карим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, буюк арш Парвардигори Аллоҳ айбу нуқсондан покдир. Бутун олам Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, мен Сендан буюк марҳаматингни, беқиёс мағфиратингни, ҳар бир яхшилиқни менга ўлжа қилиб беришингни, ҳар бир гуноҳдан мени саломат сақлашингни, бирор гуноҳим бўлса, уни албатта мағфират қилишингни, ғам-ташвишим бўлса, ундан албатта фориғ қилишингни, сени рози қиладиган бирор хожатим бўлса, уни албатта чиқаришингни сўрайман. (Шундай дуо қилгандан сўнг) бу дунёдаги ва охиратдаги нарсалардан истаганича сўрасин-Аллоҳ унга албатта тақдир қилиб беради». (Ибн Можа ва Термизий ишлаб чиққан).

– Абу Ҳасан ривоят қиладики, Амр ибн Мурра Муовияга бундай деди: мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитгандим:

«مَا مِنْ إِمَامٍ يُغْلِقُ بَابَهُ دُونَ ذَوِي الْحَاجَةِ، وَالْحَلَّةِ، وَالْمَسْكِنَةِ إِلَّا أَغْلَقَ اللَّهُ أَبْوَابَ السَّمَاءِ دُونَ خَلَّتِهِ، وَحَاجَتِهِ، وَمَسْكِنَتِهِ»

«Бирор имом-халифа мухтож, камбағал ва мискин қаршисида эшикларини ёпиб олса, Аллоҳ ҳам унинг мухтожлиги, камбағаллиги ва мискинлиги олдида осмон дарвозаларини албатта ёпиб қўяди». (Аҳмад ва Термизий ривояти).

– Абу Салломдан ривоят қилинади:

«قَالَ أَبُو ذَرٍّ: عَلَى كُلِّ نَفْسٍ كُلَّ يَوْمٍ طَلَعَتْ فِيهِ الشَّمْسُ صَدَقَةٌ مِنْهُ عَلَى نَفْسِهِ، قَالَ: قُلْتُ رَسُولَ اللَّهِ مِنْ أَيْنَ نَتَصَدَّقُ وَلَيْسَ لَنَا أَمْوَالٌ؟ قَالَ: وَإِنَّ مِنَ الصَّدَقَةِ التَّكْبِيرِ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، وَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، وَتَأْمُرُ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَى عَنِ الْمُنْكَرِ، وَتَعْزِلُ الشُّوْكَةَ عَنِ طَرِيقِ النَّاسِ وَالْعَظِيمِ وَالْحَجَرِ، وَتَهْدِي الْأَعْمَى، وَتَسْمَعُ الْأَصَمَّ وَالْأَبْكَمَ حَتَّى يَفْقَهُ، وَتَدُلُّ الْمُسْتَدِلَّ عَلَى حَاجَةٍ لَهُ قَدْ عَلِمْتَ مَكَانَهَا، وَتَرْفَعُ بِشِدَّةٍ ذِرَاعَيْكَ مَعَ الضَّعِيفِ، وَتَسْعَى بِشِدَّةٍ سَاقَيْكَ إِلَى اللَّهْفَانِ الضَّعِيفِ، كُلُّ

ذَلِكَ مِنْ أَبْوَابِ الصَّدَقَةِ مِنْكَ عَلَى نَفْسِكَ، وَلَكَ فِي جَمَاعِكَ زَوْجَتِكَ أَجْرٌ. قَالَ أَبُو ذَرٍّ: كَيْفَ يَكُونُ لِي أَجْرٌ فِي شَهْوَتِي؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَرَأَيْتَ لَوْ كَانَ لَكَ وَلَدٌ فَأَدْرَكَ، وَرَجَعَتْ خَيْرُهُ، ثُمَّ مَاتَ، أَكُنْتَ تَحْتَسِبُهُ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: أَفَأَنْتَ حَلَفْتَهُ؟ قَالَ: بَلِ اللَّهُ خَلَقَهُ، قَالَ: أَفَأَنْتَ هَدَيْتَهُ؟ قَالَ: بَلِ اللَّهُ هَدَاهُ، قَالَ: أَفَأَنْتَ كُنْتَ تَرْزُقُهُ؟ قَالَ: بَلِ اللَّهُ يَرْزُقُهُ، قَالَ: فَكَذَلِكَ فَضَعَهُ فِي حِلَالِهِ وَحَبَبَهُ حَرَامَهُ، فَإِنْ شَاءَ اللَّهُ أَحْيَاهُ وَإِنْ شَاءَ أَمَاتَهُ وَلَكَ أَجْرُهُ»

«Абу Зар айтадики, ҳар бир жон қуёш нури таралган ҳар куни ўзига ўзи бир садақа қилмоғи даркор. Мен – ё Росулulloҳ, қаердан садақа қиламиз, молимиз йўқ-ку садақа қилгани? – деб сўрагандим, ул зот бундай дедилар: Садақа дарвозаларидан бири: Аллоҳу Акбар, Субҳаналлоҳ, валҳамду лиллаҳ, ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳу акбар ва астағфируллоҳ, демоқдир ҳамда маъруфга буюриб, мункардан қайтармоғингиз, одамлар йўлидан тикан, суяк ва тошни олиб ташламоғингиз, кўзи ожизларни етаклаб, кар-соқовларга тушунтирмоғингиз, йўлини йўқотганларга борадиган жойини билиб, ҳожатини чиқармоғингиз, ёрдамга чақирган ва сизга қаттиқ интизор турган заиф инсонга оёғингизни қўлга олиб чоғиб бормоғингиз, ёрдам қўлини чўзмоғингиздир. Мана шуларнинг бари ўзингиздан ўзингизга бўлган садақадир. Ҳатто аёлингиз билан жимо қилиш билан ҳам ажр оласиз. Абу Зар – қандай қилиб шахватимдан ажр оламан, деб сўради. Росулulloҳ ﷺ агар фарзандингиз туғилиб, улғайса ва ундан яхшилик кутсангизу, аммо у вафот топса, сиз у туфайли ажр умид қиласизми? – деб сўрадилар. Абу Зар – ҳа, деди. Уни сиз яратган бўласизми? – деб сўрадилар. Абу Зар – йўқ, Аллоҳ яратган бўлади, деди. Уни сиз хидоятлаган бўласизми?», деб сўрадилар. Йўқ, Аллоҳ хидоятлайди, деди. Уни сиз ризқлантирасизми? – деб сўрадилар. Йўқ, Аллоҳ ризқлантиради, деб жавоб қилди. Шунда ул зот

бундай дедилар: Шундай, бас, уни ҳалолга ўргатинг, ҳаромдан четлатинг, Аллоҳ хоҳласа, яшатади, хоҳласа вафот эттиради, сизга эса ажр беради, дедилар».

(«Кубро»да Аҳмад ва Насоий ишлаб чиққанлар.
– Ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ، وَأَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ سُورُورٌ تُدْخِلُهُ عَلَى مُسْلِمٍ، أَوْ تَكْشِفُ عَنْهُ كُرْبَةً، أَوْ تَطْرُدُ عَنْهُ جُوعًا، أَوْ تَقْضِي عَنْهُ دَيْنًا، وَلَأَنْ أَمَشِي مَعَ أَخٍ لِي فِي حَاجَةٍ، أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَنْ أَعْتَكِفَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ - يَعْنِي مَسْجِدَ الْمَدِينَةِ - شَهْرًا، وَمَنْ كَفَّ غَضَبَهُ سَتَرَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ، وَمَنْ كَتَمَ غَيْظَهُ، وَلَوْ شَاءَ أَنْ يُمِضِيَهُ أَمْضَاهُ، مَلَأَ اللَّهُ قَلْبَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ رِضًا، وَمَنْ مَشَى مَعَ أَخِيهِ فِي حَاجَةٍ حَتَّى يُثَبِّتَهَا، أَثَبَّتَ اللَّهُ قَدَمَيْهِ يَوْمَ تَزُولُ الْأَفْدَامُ، وَإِنَّ سُوءَ الْخَلْقِ يُفْسِدُ الْعَمَلَ، كَمَا يُفْسِدُ الْخَلُّ الْعَسْلَ»

«Одамлар орасида Аллоҳ учун энг суюкли инсон одамларга фойдаси тегадиганидир. Аллоҳ учун энг суюкли амал бир мусулмоннинг қалбига сурур улашининг ёки бир ғам-ташвишдан уни фориғ этмоғинг ёки ундан очликни даф қилишинг ёки бирор бир қарзини адо этмоғингдир. Зеро, бир биродаримнинг ҳожатини чиқариш учун йўл юрмоғим, ушбу масжидда – яъни, Масжиди набавийда – бир ой эътикоф ўтирмоғимдан яхшироқдир. Ким ғзабини тийса, Аллоҳ унинг айбини ёпади. Ким қаттиқ ғзабини тўхтатиб қолса ва уни ўтказиб юборишни истаса, албатта ўтказиб юборади, Аллоҳ қиёмат кунида унинг қалбини ризо ила тўлдиради. Ким биродарининг ҳожатини чиқариш учун йўл юрса, ниҳоят, ҳожатни қондириб-баргараф қилса, Аллоҳ қадамлар тойиладиган кунда унинг қадамларини собит қилади. Албатта, ёмон ахлоқ амални бузади, худди сирка асални бузгани каби».

(Табароний ишлаб чиққан, Албоний ҳасан ҳадис, деган). □

УЛАРНИНГ ХИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ:
МАРД ЧАВАНДОЗ МАЖЗАА ИБН САВР САДУСИЙ


У Бакр авлодининг саййиди ва
итоат қилинувчи амиридир

Тинимсиз Фатҳлар




Аллоҳнинг қўшини Қодисия жангида мислсиз ғалабани қўлга киритиб, Парвардигорнинг нусратига эришишлари ортидан, даҳшат ва улуғворликда Қодисия жангидан қолишмайдиган иккинчи жангни орзиқиб кута бошлади. Мана, Умар Форук رضي الله عنهнинг элчиси Мадинадан Кўфа томон йўлга чиқди. У Кўфа волиси Абу Мусо Ашъарий رضي الله عنهга халифанинг муждасини элтмоқда. Муждада волий ўз қўшинини олиб, Басрадан келаётган мусулмон қўшини билан учрашиши ва биргаликда Аҳвон шаҳрига боришлари, Ҳармузонни кувиб етиб, уни қўшини билан йўқ қилишлари, кисролар тожининг дури ва форс юртлари гавҳари ҳисобланган Шуштар шаҳрини озод этишлари тўғрисида халифанинг амри бор. Абу Мусо Ашъарийга йўлланган халифа муждасида Бакр авлодининг саййиди ва итоат қилинувчи амири бўлган мард чавандоз Мажзаа ибн Савр Садусий رضي الله عنهни ҳам жангга бирга олиб чиқиш буюрилганди. Абу Мусо Ашъарий رضي الله عنه халифа амрига итоат қилиб, қўшинни тайёрлади ва Мажзаа ибн Савр Садусий رضي الله عنهни ҳам олиб, йўлга чиқдилар. Барчалари Басрадан келаётган мусулмон қўшин билан бирлашиб, Аллоҳ йўлида ғазот бошладилар. Бирин-кетин шаҳарларни озод этишда, қалъаларни душмандан тозалашда тўхтамадилар... Ҳармузон эса, уларнинг олдида бир шаҳардан иккинчи шаҳарга қочиб юрди ва ниҳоят, Шуштар шаҳрига етиб олиб, ҳимояланди. Маълумки, Ҳармузон эгаллаб олган Шуштар, форснинг энг гўзал ва табиати хушманзара шаҳри бўлиш билан бирга, энг кучли қўрғон шаҳар ҳам эди. Ернинг юқори қисмига мисоли от шаклида қурилган ушбу шаҳар, ўша пайтда Дужайл, дейилган Корун дарёсидан таъминланар, атрофи эса, баланд девор билан худди билакузук каби ўралганди. Бунинг устига, Ҳармузон девор атрофига ўтиб бўлмайдиган улкан хандақ қазирди ҳамда унинг ортига форсларнинг энг сара аскарларини жойлаштирди.

Мажзаанинг шижоати

Мусулмонлар қўшини Шуштар хандақи атрофига лагер қурди ва ундан ўтолмай, у ерда узоқ вақт-ўн саккиз ой қолиб кетди... Шу вақт орасида форс қўшинларига қарши саккиз марта жангга

киришди. Бу жангларнинг ҳар бири икки томоннинг отликлари ўртасида мубораза (яккама-якка кураш) билан бошланарди, кейин қаттиқ шиддатли тус оларди. Дарҳақиқат, бу муборазаларда Мажзаа ибн Савр ақл бовар қилмайдиган даражада шижоат кўрсатди, дўсту душманни лол қолдирди, чунки у айни муборазаларда душманнинг энг шижоатли аскарларидан юз нафарини ер тишлатди... Бу билан унинг номи шу даражада шуҳрат қозондики, форс кўшини орасига даҳшат солган бўлса, мусулмонлар қалбида мардлик ва ифтихор туйғусини уйғотди. Ана шунда, мўминлар амири нинг бу мард чавандознинг ғозий кўшин сафига нима учун кўшгани сирини илгари билмаганлар билиб олдилар.

Машаққат ортидан ёруғлик

Мусулмонлар узоқ вақт сабр қилдилар, аҳволлари борган сари таранглашди. Чунки форс кўшини шаҳарга кириб, кўрғонлари дарвозаларини маҳкам беркитиб олишлари ортидан, энди, гумбазлар тепасидан туриб бошларига камондан ўқ ёғдира бошлаган эди. Девор устидан узун симни пастга осилтириб, ҳар бирининг учига ловуллаган олов ёқиб қўйишди. Мусулмонлар деворга осилиб чиқмоқчи бўлса, ёки унга яқинлашса, уларга шу оловли симни суқиб олишарди... пастга мусулмонлар таналари, сўнг жони узилган жасадлари тушарди. Бу аҳволдан мусулмонлар қаттиқ ғамга ботди ва ҳам қонга. Улар хушуга тўла қалблари билан Аллоҳга дуо қилиб, ёруғликка чиқаришини, Аллоҳнинг ва мусулмонларнинг душмани устидан нусрат беришини сўрашди. Абу Мусо Ашъарий  умидсизланиб, Шуштар деворларини қандай ошиб ўтиш ҳақида бош қотираётган бир пайтда, девор устидан бир найза учиб келиб, ёнгинасига тушди. Қараса, найзада мактуб бор экан. Мактубда «эй мусулмонлар, мен сизларга ишондим, энди, ўзимни ҳам, молимни ҳам, аҳлим ва тобеларимни ҳам сизга омонат топшира оламан. Сиз учун эса, зиммамда шаҳарга кириб олишингизга имкон берувчи йўлни кўрсатиш бурчи бор», дейилганди. Абу Мусо  найза эгасига ишонч жавобини ёзиб, уни қайтариб отди. Найза соҳиби мусулмонларда ваъдага ва аҳдга вафо қилиш сифатларини кўргани учун уларга чуқур ишонди. Ярим тунда билдирмай уларнинг олдига ўтди ва Абу Мусо га ўз мақсадини ошкор этиб, бундай деди: «Биз қавм саййидлариданмиз. Ҳармузон акамни ўлдирди, моли ва аҳлига



адоват қилди, менга нисбатан ҳам кўнглида ёвузлик тугиб қўйди, натижада, ўзим ва фарзандларим учун унга ишончим йўқолди... унинг зулмидан сизнинг адолатингизни, унинг хиёнатидан сизнинг вафодорлигингизни афзал билдим... Шу боис, сизларга Шуштарга ўтиб олишингиз мумкин бўлган яширин йўлни кўрсатишга аҳд қилдим. Энди, менга мардлик ва оқиллик сифатига эга кишингизни беринг, у сузишни ҳам яхши билсин, унга йўлни кўрсатай».

Қўрқмас сузувчи




Абу Мусо Ашъарий رحمته Мажзаа ибн Савр رحمتهни чақириб, унга масалани айтди ва уни сир тутишни тайинлаб, «менга қавмингиздан, оқил, журъатли ва сузишни биладиган бир кишини кўрсатинг», деди. Мажзаа «ўша кишини мен, деб билаверинг, амирим», деди. Унга Абу Мусо رحمته «Сиз шундай қарор қилган экансиз, Аллоҳ табаррук қилсин», деди ва унга йўлни яхшилаб ёдлаб, эшик қаердалигини билиб олишини тайинлади. Ичкарига ўтгач, Ҳармузоннинг маконини аниқлашни, ҳақиқатдан унинг ўзи эканига ишонч ҳосил қилишини, аммо бундан бошқа ҳеч нарса қилмасликни уқтирди. Мажзаа ибн Савр форс йўлбошловчи билан тун ярмида йўлга чиқди. Йўлбошловчи уни дарё билан шаҳарни уловчи ер ости йўлига киритди... ер ости йўлининг баъзи жойлари кенг бўлиб, сувни кечиб ўтса бўларди, баъзи ерлари эса тор бўлиб, сув кўплигидан сузиб ўтишга тўғри келарди... Мажзаа ибн Савр энгашиб, ўрмалаб қийналиб юрар, гоҳ тикка юрар эди... Шу зайл юриб шаҳарга олиб кирувчи ёриққа етиб келди. Уни шаҳарга киритган киши, акасининг қотили бўлмиш Ҳармузонни ва унинг мустаҳкам маконини кўрсатди. Мажзаа Ҳармузонни кўриб, унга найза отиб, бўғзига санчиб қўйишни жуда-жуда истади. Лекин Абу Мусо رحمتهнинг бошқа бирор иш қилмасликни тайинлагани ёдига тушиб, кучли истакларини жиловлаб олди ва тонг қўйнида орқага қайтди.

Мажзаа ибн Савр ва ҳал қилувчи жанг



Абу Мусо رحمته қалбида олов, билагида куч, сабр-тоқатли, сузишга қодир уч юз нафар аскар йиғди. Уларга Мажзаа ибн Савр رحمتهни амир қилиб, барчаларига васият қилиб, хайрлашди, мусулмон қўшинларнинг шаҳарга киришларига сигнал сифатида такбир айтишни буюрди. Мажзаа رحمته аскарларга сувга тушганда қийинчилик бўлмасин учун имкон қадар енгил кийим кийишни ва

Ўзлари билан қиличдан бошқа нарса олмасликни, қилични кийим ичидан белларига боғлаб олишни буюрди. Туннинг учдан бирининг аввалги қисмида йўлга тушган Мажзаа  ва унинг мард аскарлари, хавфли ер ости йўли машаққатлари билан икки соат курашдилар... гоҳ машаққатларни энгишар, гоҳ машаққатлар уларни энгиб-қолдан тойдирар эди. Ва ниҳоят, шаҳарга кирадиган тешик олдига етиб келишгач, Мажзаа  ер ости унинг аскарларидан икки юз йигирма нафарини ютиб юборганига, фақат саксон нафари тирик қолганига гувоҳ бўлди. Барчаларининг оёқлари шаҳар тупроғига тегар-тегмас, дарҳол қиличларини яланғочладилар ва кўрғон соқчиларига ҳамла қилиб, кўкраklarига қилич санчдилар... Сўнг дарвозага осилиб, такбир айтган ҳолда уни очиб юбордилар. Уларнинг такбирларини ташқаридаги биродарлари ҳам такбирлар билан қаршиладилар. Мусулмонлар бомдод маҳал шаҳарга куйилиб кирдилар, улар билан Аллоҳнинг душманлари ўртасида қирғинбарот жанг бошланди... Ушбу маърака даҳшат ва ҳайбат жиҳатидан ҳамда ўлганлар сони эътиборидан, тарихда камдан-кам учрайдиган маърака бўлди.

Чавандознинг пиёда жанги

Маърака шиддатли тус олган бир пайтда, Мажзаа ибн Савр  жанг майдонида Ҳармузонга кўзи тушди. У томон отилиб, қилич билан ҳужум қилган эди, жанг тўлқини орасида қолиб кетди ва Ҳармузонни кўздан қочирди. Кейин уни яна кўриб қолди ва у томон бориб, ҳамла қилди. Мажзаа  билан Ҳармузон бир-бирини қилич билан кутиб олишди, иккаласи ҳам бир-бирига ҳалокатли зарба йўллашди... аммо Мажзаа  нинг қиличи ортга кетди ва унга Ҳармузон қиличи санчилди... Мард ботир ўғлон маърака тупроғига йиқилди... йиқилар экан, Аллоҳ унинг қўллари билан рўёбга чиқарган ютуқни кўзлари кўриб қувонди. Мусулмонлар жангни давом эттирдилар ва ниҳоят, Аллоҳ уларга нусрат насиб этди, Ҳармузон асир олинди.

Хушхабар келиши

Мусулмонлар Мадинаи Мунавварага Умар Форук  ни шод этувчи хушхабар билин келдилар. Олдиларида Ҳармузонни судрашиб, халифа уни кўрсин учун елкасига тилла ип билан тикилган зарчопонини ташлаб қўйишди. Хушхабар билан келган мусулмонлар халифага унинг мард саҳобий чавандози бўлган Мажзаа ибн Савр Садусий  нинг пок танасини ҳам қўлларида кўтариб келишди. □

КЎРФАЗДАГИ КОРРУПЦИЯЧИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН МАЛЪУН «ИСРОИЛ» ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ОЧИҚДАН-ОЧИҚ НОРМАЛЛАША БОШЛАДИ

– 2018 йил 28 октябрда «Исроил» бош вазири Биньямин Нетаньяху кутилмаганда Уммон султонлигига сафар қилди. Масқад султони Қобус Нетаньяху билан бирга унинг хотинини ва Моссад хизмати раисини кутиб олди. Айни сафар воқеаларини тасвирга тушириш ва тарқатишга рухсат бериш тўғрисида Нетаньяху матбуот хизмати томонидан қарор чиқарилди. «Bloomberg» молиявий ахборот агентлигининг 28 октябр куни тарқатган хабарига кўра, «Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяхунинг Уммон султонлигига қилган кутилмаган ташрифи бу давлат учун Форс Кўрфази минтақаси сари дарвозаларни очиб берди. Маълумки, шу пайтгача айни минтақа исроилликларга ёпиқ эди. Кейин Нетаньяху изидан унинг ҳукуматидаги бошқа аъзолар ҳам минтақага сафар қила бошлади». АҚШдаги ушбу агентликка кўра, «Исроил» Алоқа вазири Аюб Кара 29 октябрда «ITU» (ҳалқаро электрон алоқалар иттифоқи) конференциясида қатнашиш учун Дубайга боради. Бир пайтда, «Исроил» Транспорт вазири Исраэль Кац ҳам Уммон пойтахти Масқатда бўлиб ўтадиган яна бир конференцияга боришни режалаштирган. Маданият вазири Мири Регев эса, Абу Даби Гранд-призининг дзюдо бўйича жамоаси ҳамроҳлигида 26 октябрдан бери Бирлашган Араб Амирлигида юрибди. (Мири Регев Ислом ва мусулмонларга душманлиги билан танилган ва азонни итларнинг ҳуришига ўхшатган ҳамда арабларни қириб ташлаш керак, деган аёл бўлади. Шундай бўлишига қарамай, унинг Зайд масжидига киришига ва Абу Дабида Талмуд ибодатини қилишига рухсат берилди).

– «Bloomberg» молиявий ахборот агентлиги «Исроил»нинг АҚШдаги элчиси Михаэл Ореннинг «Нетаньяху сафари Исроил билан Араб дунёси ўртасининг янада яқинлашаётгани аломатидир», деган сўзларини нашр қилди.

– «Едиот Ахронот» газетасида Баҳрайн билан «Исроил» ўртасида ўзаро муносабатларни очиқ-ошкор муносабатга айлантириш йўлида яширин музокаралар бўлиб ўтгани очикланди.

– Икки «исроиллик» спорт жамоаси дзюдо бўйича дунё чемпионатида иштирок этиш учун Амирликка ҳамда гимнастика бўйича дунё чемпионатида иштирок этиш учун Қатарга борди. «Исроиллик» ўйинчи Абу Дабида олтин медал совриндори бўлгач, Амирликлар давлатида яҳудийларнинг «ҳатикфа» миллий гимни янгради. Бу эса, бутун «исроилликлар»да ғурур туйғусини кўзгади. «Исроил» бош вазири Биньямин Нетаньяху Твиттерда совриндор Саги Моккини табриклар, «Бизга буюқ фахр олиб келдинг, чунки сен туйфайли миллий гимнимиз биринчи бор Абу Дабида янгради, барчамиз бундан фахрланамиз», деб ёзди.

Ал-Ваъй: Бугун Ғарб «Араб баҳори», дейилган кўзғолонларни бостириб, мусулмонлар юртларига зўравонлик қилаётган ва бу зўравонлигидан мустабид Араб режимлари кўрқиб-қалтирашаётган бир пайтда, Форс Кўрфази навбатдаги ўзгариш ва тартиблар гувоҳи бўляпти. Бу ўзгаришларни Уммат устидан зўравонлик билан жорий қилаётган Ғарбдир. У бошқарув тизимини ўзгартиришга қўшимча, минтақадаги араб-«Исроил» курашига барҳам бермоқчи. Бутун умрини ялоқхўрлик билан ўтказган Кўрфаз давлатлари раҳбарлари Ғарбнинг айни ташаббуси томон итдек чопа бошлади. Улар Роббиларига шу аҳволда йўлиқишмоқчи. Бу Исломга қарши очиқ-ошкор қилинаётган хиёнатлардан атиги бир қисми, холос. Ҳали яширин қилишаётган хоинликларини санаб адо қилиб бўлмайди. Умматга ва Исломга қарши хоинликда, хоҳ Форс Кўрфази давлатлари раҳбарлари бўлсин, хоҳ, бошқа мусулмон давлатлари раҳбарлари бўлсин, фарқсиз, барчалари бир гўрдир. □

NEWSWEEK: ЎРТА ШАРҚ ЯҚИНДА АРАБ БАҲОРИДАН ҲАМ КАТТАРОҚ СИЛКИНИШЛАРГА ГУВОҲ БЎЛАДИ

Американинг «Newsweek» журнали Мисрдаги тадқиқотлар институти ректори, Мисрнинг собиқ режалаштириш вазири, доктор Амр Даррожга мансуб мақолани чоп этди ва уни «Арабий 21» сайти таржима қилиб тарқатди. Докторнинг айтишича, араб дунёсида чуқур ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда... Чунки Миср давлатининг кўхна ва чуқур илдири бўлишига қарамай, у ерда бошбошдоқлик ҳукм сурмоқда... Бугунги кунда буюклик касалига мубтало бўлган ҳамда репрессияга ва улкан бойликларга таянган янги режимлар бўй чўза бошлади... Миср, Ироқ ва Сурия Амирликлар ва Саудияга алмаштирилди. Доктор яна шундай дейди: «Ўрта Шарқ ҳазоратлар бешиги ва энг кўп хатарга дуч келадиган минтақадир. Минтақада истибод илдири отмоқда». Масалан, Трампнинг Мисрда Сисийни қўллаб-қувватлаши, Обама идораси эълон қилган жазо-чораларини четлаб ўтиши, Саудияда ибн Салмонни ҳимоя қилишини айтиш мумкин. Жамол Хошақжийга нисбатан қилинган жиноят ва Трампнинг Саудия ҳақидаги баёнотлари кўрқитишдан кўра маъқуллашга яқинроқдир. Доктор айтади: «Бу истибоддага эътиборсизлик билан ёндашиш на минтақага барқарорлик олиб келади ва на Америка манфаатларига хизмат қилади». Доктор сўзида давом этар экан, шундай дейди: «Трамп Америка ва иттифоқчиларнинг маънавий обрўсига путур етказди ҳамда уларни ва Ўрта Шарқни қийин аҳволга солиб қўйди. Миллионлаган кишиларни қайсар диктаторларнинг репрессияси остида яшашга мажбур қилди. Трамп бу билан демократияни таҳқирляпти. Натижада, демократия ҳар доим ҳам маънавий жиҳатдан тўғри бўлавермайди ва баъзида одамлар уни ёқтирмай қолишади, деган эътиқоднинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди».

Доктор Даррожнинг фикрича: «Иш ҳали якунига етмаган. Чунки Тунисда бўлган силкинишдан кўра каттароғи яқинда яна рўй беради. Ҳар қандай сақофий ва маҳаллий эътиборлардан қатъий назар, демократияни ҳимоя қилиш зарур ва уни ўзига хос маънавий қийматлар билан қўллаб-қувватлаш лозим». Ёзувчи яна айтади: «Айни пайтда Ўрта Шарқ хусусида дипломатик алоқаларни кучайтириш лозим. Агар илмоний бошқарув шаклларини олиб қолиш истаги бўлса, минтақадаги репрессив режимларга эътибор бериш ўта муҳим ишдир». Даррож ўз мақоласини «Араб дунёсида чуқур ўзгаришлар бўлади. Шунинг учун бу минтақа барқарорлашгани йўқ, балки у эскалация ҳолатидадир» деган иборалар билан якунлайди.

Ёзувчининг айтишича: «Ўрта Шарқдаги бўлиши кузатилаётган бу парчаланишга Шимолий Кореянинг тентаклиги, Хитойнинг юксалиши, Европа халқларининг мигрантларга бўлган ғазоби, иқтисоднинг секин ўсишини ҳам қўшиш мумкин. Чунки олам шулар тўғрисида бошбошдоқлик ҳолатига келиб қолган. Олам демократия, фикр эркинлиги каби маънавий қийматларни сақлайдиган маънавий етакчиликка ва халқаро қонун доирасида уни қўллаб-қувватлайдиган мустақкам базага муҳтождир».

Ал-Ваъй: Ёзувчи хатар яқинлашиб келаётгани хис қиляпти. Унга кўра, минтақада рўй берган кўзғолонларнинг сабаблари тугатилмади, балки унинг сабаблари халқаро ҳамжамият ҳимоясида хунук суратда мустақкамланди. Шунингдек, у демократияни ҳимоя қилиш ва репрессив режимлар йўлини ўзгартириш орқали силкинишларни олдини олишни хоҳляпти. Бу унинг «Халқаро низомнинг бирор шаклини сақлаб қолиш истаги бўлса», деган сўзларидан кўриниб турибди. Лекин ёзувчи Башар Асаднинг Сисий ва Ибн Салмондан ҳам ёмонроқ эканини айтмаяпти, балки Фарбнинг ифлос ҳазоратини мустақкамлаш учун уни қўллаб-қувватляпти. Муаммо Фарб ҳокимларининг тасарруфотлари ва уларнинг малайи бўлмиш мусулмон ҳокимлар амалга ошираётган жиноятларидагина эмас, балки капиталистик мабданинг ўзидадир.

Ёзувчининг сўнги айтган: «Олам бошбошдоқлик ҳолатида ва у маънавий қийматларни ҳимоя қиладиган кучли маънавий етакчиликка муҳтождир», деган сўзлари олам ўшандай етакчиликдан холи эканига ишорадир. Шунингдек, ушбу ҳазорий бўшлиқни тўлдирадиган кишиларга муҳтождир деганидир. Бундай ишни амалга оширишга фақат Ислому ва рошид Халифалик давлатигина қодирдир. Мусулмонлар ва олам буни англаб етармикан? □